ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

БЮДЖЕТНОМА 2020 ЙИЛ

2021-2022 ЙИЛЛАРГА БЮДЖЕТ МЎЛЖАЛЛАРИ







МУНДАРИЖА

I. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2018 йилги асосий якунлари, 2019 йилги якунларининг прогноз баҳоси ҳамда 2020-2022 йиллар учун асосий йўналишлари 3

1.1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2018 йилги асосий якунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги якунларининг прогноз баҳоси 3

1.2. 2020-2022 йиллар фискал кўрсаткичларига таъсир этувчи ички ва ташқи омилалар 7

1.3. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020-2022 йиллар учун асосий йўналишлари 7

II. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси 13

2.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси..... 13

2.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси..... 20

2.3. Давлат мақсадли жамғармаларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси 47

III. 2020-2022 йиллар учун Фискал стратегияси 50

3.1. Солиқ сиёсатининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари 50

3.2. Бюджет сиёсатининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари 59

3.3. 2020-2022 йилларда юзага келиши мумкин бўлган фискал рисклар 69

IV. Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020-2022 йиллардаги параметрлари 74

4.1. Давлат бюджети даромадларининг 2020 йилги параметрлари ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари..... 74

4.2. Давлат бюджети харажатларининг 2020 йилги параметрлари ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари..... 79

4.3. Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йил учун асосий кўрсаткичлари..... 101

I. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2018 йилги асосий якунлари, 2019 йилги якунларининг прогноз баҳоси ҳамда 2020-2022 йиллар учун асосий йўналишлари

1.1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2018 йилги асосий якунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги якунларининг прогноз баҳоси

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2018 йилги асосий якунлари тўғрисида

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини янада ривожлантириш ва амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар самараси 2018 йил давомида иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатлаштирилган ҳолда ривожланишини таъминлади.

Натижада 2018 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 5,1 фоизга ўсиб, 407,5 трлн. сўмни ёки аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 12,4 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 фоизга ошди.

ЯИМ ўсиш суръати асосан саноат тармоғининг 10,6 фоизга, хизматлар соҳасининг 5,4 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 9,9 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг 0,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажмининг 29,9 фоизга, чакана савдо айланмасининг 5,5 фоизга ва ташқи савдо айланмасининг 25,8 фоизга ўсишига тўғри келди.

Капитал қўйилмалар ҳажми қарийб 30 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 30,5 фоизни ташкил этди. Хусусан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан ижтимоий ва инфратузилма объектларида амалга оширилган қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳажми 21,6 фоизга ўсиб, 11,9 трлн. сўмни ташкил қилди. 2018 йилда жами ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 3,7 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 229,7 мингдан 262,9 минга ёки 14,5 фоизга кўпайди. Бунга тадбикорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган қуйидаги ислоҳотлар муҳим роль ўйнади:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлмаган режали текширувлар, шунингдек 42 турдаги фаолиятга лицензиялар ва рухсатномалар бериш бекор қилинди ҳамда 25 фаолият тури учун лицензия ва рухсатнома бериш муддатлари қисқартирилди;

- давлат мулки ҳамда ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига электрон савдолар орқали бозор механизмлари жорий этилди;

- соғлом рақобат муҳити ривожланишини рағбатлантириш, бизнес учун тенг шароитлар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ҳамда монопол корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган 27 турдаги юқори ликвидли товар, хомашё ва материалларни фақат биржа савдолари орқали сотиш механизми жорий этилди;

- қишлоқ хўжалиги соҳасида турли даражадаги ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳисоб-китоб қилиш механизмлари йўлга қўйилди;

- ёқилғи-энергетика ресурслари, нон, ун ва бошқа стратегик аҳамиятга эга товарлар нархларини шакллантиришнинг бозор механизмлари дастлабки босқичи амалга оширилди.

20 та эркин иқтисодий зона ташкил этилиб, ушбу зоналарда 2018 йил давомида жами 1 690,3 млн. АҚШ доллари миқдорида 281 та инвестиция лойиҳаси ҳамда 135 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, 830,7 млрд. сўмлик жами 914 та лойиҳа амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мева-сабзавот маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг кластер шаклини кенг жорий этишга кўмаклашадиган механизмлар яратилди. Республика бўйича жами 47 та мева-сабзавот (24,7 минг га) кластерлари ташкил этилди, давлат ресурсларидан озуқа мақсадида ажратиладиган буғдойни чорвачилик ва балиқчилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига биржа савдолари орқали сотиш тартиби жорий этилди.

Шунга қарамай, ноқулай об-ҳаво шароити ва сув танқислиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 0,2 фоизга камайиши кузатилди.

Рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шунингдек маҳаллий экспортчилар учун савдо шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва асосий экспорт товарлари нархларининг жаҳон бозор конъюнктурасидан ошиши натижасида товар ва хизматлар экспорти 13,6 фоизга ошди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш соҳасида:

Бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендия миқдорлари инфляция доирасида оширилиб, айрим соҳа ходимлари (ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, маданият соҳаси, давлат бошқаруви органлари ходимлари)га эса иш самарадорлигини оширишга ва фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган алоҳида қарорлар қабул қилинди;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурлари доирасида аҳоли пунктида яшаш шароитларини яхшилашга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 478 та қишлоқ учун 4,5 трлн. сўмлик ва 116 та маҳалла учун 1,7 трлн. сўмлик маблағ йўналтирилди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги кутилаётган натижалари

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози таҳлили шуни кўрсатадики, ялпи ички маҳсулот ҳажми йил охиригача 524,2 трлн. сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

Жорий йилда саноат 6,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги 3,0 фоизга ва хизматлар 6,1 фоизга ўсиши кутилаётган бўлиб, натижада ЯИМнинг 5,5 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 28,6 фоизга ўсиб, 183,7 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 35,0 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Чакана савдо айланмаси солиштирма нархда 5,7 фоизга ўсиши ва 159,6 трлн. сўмга етиши ҳисоб-китоб қилинди.

Капитал қўйилмалар миқдорининг ва умуман олганда иқтисодиётда ялпи талабнинг ўсиши ҳисобига импорт ҳажмининг 2018 йилга нисбатан 25,4 фоизга ўсиши ва 24,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Экспортни рағбатлантириш, хусусан маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқишни ҳар томонлама соддалаштириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида экспорт ҳажми 35,7 фоизга ўсиб, 19 млрд. АҚШ долларига етиши ҳисоб-китоб қилинди. Натижада ташқи савдо баланси 5,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида манфий сальдога эга бўлиши кутилмоқда.

2019 йилда инфляция даражаси дастлабки прогнозлардан бир оз юқори бўлиб, 15,5 фоиз чегарасида бўлиши кутилмоқда. Инфляция даражасига давлат томонидан тартибга солинадиган нархларни либераллаштириш ва энергия ресурслари таннархини мақбуллаштириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар, банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳажмининг ва бюджет харажатларининг юқори суръатда ўсиши ҳисобига иқтисодиётда ялпи талабнинг кўпайиши каби омиллар таъсир қилди. Электр энергия нархи 2019 йил 15 августдан жисмоний шахслар учун 18 фоизга, юридик шахслар учун 36 фоизга оширилди. Шунингдек, табиий газ нархи 18,7 фоизга оширилди.

1-жадвал

Якуний истеъмол бўйича Ўзбекистон Республикаси Ялпи ички маҳсулотининг таркибий тузилиши

Кўрсаткичлар	2018 йил (ҳисобот)			2019 йил (кутилаётган)			2020 йил (прогноз)		
	млрд. сўм	Улуши (%)	Ўсиш (%)	млрд. сўм	Улуши (%)	Ўсиш (%)	млрд. сўм	Улуши (%)	Ўсиш (%)
Ялпи ички маҳсулот	**407 514,5**	**100,0**	**105,1**	**524 230,0**	**100,0**	**105,5**	**653 546,4**	**100,0**	**105,5**
Якуний истеъмолга харажатлар	**283 026,3**	**69,5**	**104,1**	**354 092,9**	**67,5**	**105,2**	**424 392,4**	**64,9**	**102,3**
Уй хўжаликлари	219 180,4	53,8	104,3	265 498,0	50,6	104,4	322 112,4	49,3	105,6
Давлат бошқаруви органлари	61 042,9	15,0	103,1	83 876,8	16,0	106,8	95 417,8	14,6	91,3
Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари	2 803,0	0,7	106,1	4 718,1	0,9	130,8	6 862,2	1,1	116,7
Ялпи жамғарма	**163 721,2**	**40,2**	**110,0**	**218 755,3**	**41,7**	**116,2**	**286 491,5**	**43,8**	**107,5**
Асосий капитал	121 270,2	29,8	118,1	173 914,0	33,2	124,7	211 362,9	32,3	108,8
Моддий-айланма маблағлар захираларининг ўзгариши	42 451,0	10,4	x	44 841,2	8,6	x	75 128,6	11,5	x
Товар ва хизматлар экспорт-импорт сальдоси	**-39 233,1**	**-9,6**	**x**	**-48 618,2**	**-9,3**	**x**	**-57 337,5**	**-8,8**	**x**
Экспорт	118 623,8	29,1	110,7	170 726,9	32,6	121,8	201 525,0	30,8	103,4
Импорт	157 856,9	38,7	139,4	219 345,0	41,8	130,7	258 862,5	39,6	107,9

Иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажми жорий йил якуни бўйича **44 фоиз**га (ёки 72,3 трлн. сўмга) ошиши ҳамда **237,1 трлн. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

2018 йилда иқтисодиётга ажратилган кредитлар 50,2 фоизга ошган эди.

Бунда **хорижий валютада** ажратилган кредитлар нисбатан юқорироқ суръатда - **50,6 фоиз**га (3,4 млрд. долларга) ўсиши ва **135 трлн. сўм**га етиши, **миллий валютада**ги кредитлар эса йил якуни бўйича **35,9 фоиз**га (27 трлн. сўмга) ошиши ва **102,1 трлн. сўм**га тенг бўлиши кутилмоқда.

1.2. 2020-2022 йиллар фискал кўрсаткичларига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар

2020-2022 йилларда фискал кўрсаткичларнинг бажарилишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатиши мумкин:

ОПЕК мамлакатлари томонидан олиб борилаётган чеклов чораларининг давом этиши ҳамда жаҳон бозоридаги кескинлашув билан боғлиқ сабабларга кўра жаҳон иқтисодиёти ўсишига тўсқинлик қилиниши;

жаҳонда товар-хомашё ва молия бозорларида циклли ўзгаришларнинг давом этиши Ўзбекистон экспорт имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши ва хорижий капитал оқимига тўсқинлик қилиши мумкин;

мамлакатимиз савдо ҳамкорлари томонидан импорт маҳсулотларга талабнинг пасайиши, халқаро савдо муносабатларининг кескинлашуви мамлакатимизнинг жаҳон бозорига киришини чекланиши каби омиллар фискал кўрсаткичларни бажарилишинига таъсир қилиши мумкин.

1.3. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020-2022 йиллар учун асосий йўналишлари


Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши прогнози ва тенденциялари

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) октябрь ойидаги сўнгги маълумотларига кўра, глобал иқтисодий ўсиш суръатлари секинлашуви давом этмоқда. 2019 йилда жаҳон иқтисодиётининг ўсиши барқарор равишда 3,0 фоизни ва 2020 йилда 3,4 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

2020 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши Россияда – 1,9 фоиз, Қозоғистонда – 3,9 фоиз, Хитойда – 5,8 фоиз ва Европа Иттифоқида – 1,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

1-расм

Жаҳон иқтисодиёти ва Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари ЯИМ ҳажмининг ўсиши (фоизда)



Манба: IMF, World Economic Outlook (October 2019) ва https://stat.uz.

2020 йилда жаҳон иқтисодий ўсишини прогноз қилиш кўп омилларга боғлиқ, хусусан:

инвестиция даражаси ва истеъмолчиларнинг узоқ муддатли товарларга талабнинг пасайиши;


геосиёсий кескинлашув кучайиши, энергия ташувчилар нархининг ўзгарувчанлиги.

ХВЖ маълумотларига кўра, охирги уч йилда энергия ташувчилар нархи ўсиш тенденциясига эга.

2020 йилда жаҳон бозорида мамлакатимизнинг асосий экспорт маҳсулотлари (олтин, табиий газ, пахта) нархларининг ўсиш тенденцияси кўзатилмаслиги тахмин қилинмоқда.

2-расм

Охирги 10 йил давомида табиий газ ва миснинг жаҳон нархлари ўзгариши тенденцияси



2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари

2017-2021 йиллар учун қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясидан, шу билан бирга амалга оширилаётган давлат дастурлари ва қабул қилинган ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2020-2022 йилларда қуйидагилар иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифалари бўлиб қолади:

а) макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

б) халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, кредит сиёсатини қайта кўриб чиқиш, бюджет интизомини кучайтириш бўйича комплекс чоралар кўриш орқали инфляция даражасини босқичма-босқич камайтириш;

в) реал сектор тармоқларининг жадал ўсишини, янги иш ўринлари яратилишини, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлайдиган қулай бизнес муҳитини яратиш;

г) мамлакат экспорт ҳажмларини оширишга қаратилган кескин чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

д) инвестиция муҳитини янада яхшилаш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

е) давлат мулкини хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш;

ж) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш.

Устувор вазифаларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, 2020 йилда ЯИМ ўсиш суръатини 5,5 фоизга етказиш ва унинг ижобий динамикасини

кейинги йилларда ҳам сақлаб қолиш прогноз қилинмоқда (2021 йилда 5,8 фоиз, 2022 йилда 6,2 фоиз).

2020 йилда ЯИМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

саноат ишлаб чиқариш ҳажмини – 6,5 фоизга, қурилишни – 9,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини – 4,0 фоизга, хизматларни – 5,7 фоизга ошириш;

чакана товар айланмасини – 5,6 фоизга, асосий капиталга қилинган инвестицияларни – 10,0 фоизга, товарлар ва хизматлар экспортини – 8,0 фоиз ва импортини – 8,0 фоизга ўсиши.

2020 йилда инфляция даражаси 12,5-13,0 фоизгача пасайтириш мўлжалланмоқда. 2022 йилгача босқичма-босқич инфляция даражасини битта рақамли даражагача пасайтириш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, монетар ва фискал сиёсатни қатъийлаштиришни тақозо этади. Хусусан, фоиз ставкаларини либераллаштириш, кредитлар ҳажмини талабдан келиб чиққан ҳолда кескин ўсишининг олдини олиш, умумий фискал тақчиллигини 2022 йилга келиб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,5 фоизгача пасайтириш лозим бўлади.

2020-2022 йилларда иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичларини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, пул-кредит сиёсати ва банк соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар белгиланди:

инфляцияни таргетлаш, миллий валюта ва тўлов тизими барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган пул-кредит бошқарувини тартибга солиш воситаларининг самарадорлигини таъминлаш;

хусусий банкларни янада ривожлантириш, шунингдек банкларнинг самарали инвестицион лойиҳаларини бозор тамойиллари асосида молиялаштиришга йўналтириш орқали банк секторида рақобат муҳитини яратиш.

2020-2022 йилларда **саноат соҳасида** иқтисодий ўсишнинг прогноз суръатларига эришишда асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

Барча эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини керакли муҳандислик-алоқа тизимлари билан таъминлашни 2022 йилгача якунлаш кўзда тутилган. Эркин иқтисодий ҳудудларда 406 та инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш мўлжалланмоқда. 2020-2021 йилларда кичик саноат ҳудудларида машинасозлик, электротехника, кимё, қурилиш саноати, енгил саноат, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа тармоқларда замонавий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича 806 та инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланган.

Энергетика соҳасида қуйидаги йўналишларда ишлар олиб борилади:

энергетика бозорини босқичма-босқич либераллаштириш, энергетикада хусусий сектор ва рақобатни ривожлантириш, истеъмол қилинган электроэнергияни ҳисоблашнинг замонавий механизмларини жорий этиш ва тариф тизимини оптималлаштириш;

энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашнинг илғор технологияларини, юқори тежамкор ускуналарни жорий этиш орқали ИЭСлардаги ёқилғи харажатларини камайтириш (Сирдарё ИЭС ишлаб чиқариш қувватини 150 МВтга ошириш, Тахиатош ИЭСда ҳар бирининг қуввати 230-280 МВт бўлган 2 та БГУни қуриш мўлжалланган);

модернизациялаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, энергетика тизимига қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш (2022 йил бошигача қуввати 20 МВт дан ортиқ бўлган 2 та ГЭС, 12 та кичик ва 10 та мини ГЭСларни ишга тушириш ҳамда 9 та фаолият олиб бораётган мавжуд ГЭСларни модернизация қилиш кўзда тутилган);

Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жойлаштириладиган, ҳар бири 100 МВт қувватга эга бўлган 10 та қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш ҳисобига қуёш энергияси имкониятларидан фойдаланиш;

2020-2022 йилларда **нефть ва газ соҳаларида:**

мавжуд маҳсулотларни тақсимлаш битимлари ва шартномаларидаги шартларни кўриб чиққан ҳолда, халқаро нефть-газ компаниялари билан ҳамкорлик қилиш;

нуфузли халқаро нефть хизматлари компаниялари билан ҳамкорликда нефть хизматлари бозорини яратиш (“MTG технологияси бўйича метанолни бензинга қайта ишлашни ташкил этиш”, “Шўртан ДКМ ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш”, “Шўртан ДКМ тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш” ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш);.

хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликни кенгайтириш асосида амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини бошқариш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган.

2020-2022 йилларда **аграр секторни** ривожлантиришнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

пахта ва бошоқли экинлар экилишининг камайиши ҳисобига картошка, сабзавот, ем-хашак ва мойли экинлар, шунингдек, янги интенсив боғлар ва узумзорлар миқдорини ошириш;

қурғоқчиликга чидамли экинлар навларини жорий этиш ҳисобидан озуқа экинлари майдонини кенгайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш;

мелиоратив ва ирригация иншоотлари тармоғини ривожлантириш ҳисобига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

ўсимликлар ва ҳайвонларнинг янги наслчилик навларини ва замонавий тежамкор қишлоқ хўжалиги технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мева ва сабзавотларни сақлаш, ташиш ва сотиш инфратузилмасини кенгайтириш;

сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, насос ва қувват ускуналарини босқичма-босқич модернизация қилиш ва ирригация иншоотларини реконструкция қилиш.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 2020 йилда картошка етиштириш 3,4 фоизга, сабзавот 3,3 фоизга, полиз экинлари 3,1 фоизга, мевалар 3,6 фоизга, узум 4,7 фоизга, чорвачилик ва паррандалар 3,5 фоизга, сут 4,6 фоизга, тухум 9,6 фоизга кўпайиши кутилмоқда.

2020-2022 йилларда **хизматлар соҳасининг** ўсиш суръатларини 5,7-6,2 фоизга қуйидагилар ҳисобига ошириш прогноз қилинмоқда:

хизмат кўрсатиш корхоналарининг савдо, маданий ва оммавий объектлар ва йирик транспорт магистраллари яқинида жойлашиши;

инсон салоҳиятини ривожлантириш учун тенг имкониятларни таъминлайдиган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида ижтимоий хизматлар кўрсатиш;

соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали алоқа ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш;

рақамли иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш;

йўл қурилиши, пуллик йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт ва логистика марказларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш;

республиканинг туристик инфратузилмасини ривожлантириш;

кенг турдаги савдо хизматларини тақдим этиш билан замонавий савдо тизимларини кенгайтириш йўли орқали савдо соҳасида рақобат муҳитининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 2020 йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа прогноз кўрсаткичларига эришиш учун 180-190 трлн. сўм ҳажмдаги асосий капиталга инвестициялар йўналтирилиши талаб этилади.

Шунингдек, 2020 йилда 360-380 мингта янги доимий иш ўринларини яратиш прогноз қилинмоқда.

II. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси


2.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси

Жорий йил якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига **112,3 трлн. сўм** миқдорида ёки йил бошида тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 10,0 трлн. сўм (9,5 фоиз) қўшимча даромад келиб тушиши кутилмоқда. Солиқ ислоҳотларини амалиётга жорий қилиш ҳамда солиқ маъмурчилигини яхшилаш доирасида олиб борилаётган тадбирлар натижасида йиллик прогноз кўрсаткичлари барча ҳудудлар бўйича бажарилиши кутилмоқда.

Асосий даромад манбалари бўйича 2019 йилда қуйидагича миқдорларда тушум бўлиши кутилмоқда.

3-расм


Давлат бюджети даромадларининг 2019 йилги кутилаётган ижроси (млрд. сўм)



2019 йилда амалга оширилган солиқ ислоҳотлари Давлат бюджети даромадлари таркибининг ўзгаришига сабаб бўлди ва қуйидагича кўринишга келди.

4-расм

2019 йилги Давлат бюджети даромадлари таркибининг кутилаётган ижроси



Кўриниб турибдики, 2019 йилда Давлат бюджети даромадлари шаклланишида сезиларли ўзгаришлар юз берган, яъни бевосита солиқлар улуши 19,5 фоиздан 28,1 фоизгача, ресурс солиқлари улуши 16,0 фоиздан 17,2 фоизгача ошган бўлса, билвосита солиқлар улуши эса 4,3 фоиз бандига камайиб, 45,5 фоизни ташкил қилади.

Солиқ сиёсати концепциясининг асосий йўналишлари доирасида давлат бюджети даромадлар базаси – солиқ тўловчилар сони таркиби ўзгаришига олиб келди.

2-жадвал

Солиқ тўловчилар таркибининг ўзгариши

Т/р	Солиқ турлари	2019 йил бошида	Ислоҳотлар натижасида	Фарқи, (+,-)
1.	Қўшилган қиймат солиғи тўловчи	6 769	82 162	75 393
2.	Фойда солиғи тўловчи	7 575	48 838	41 263
3.	Мол-мулк солиғи тўловчи *(юридик шахс)*	9 261	64 966	55 705
4.	Ер солиғи тўловчи *(юридик шахс)*	12 887	74 707	61 820
5.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи *(юридик шахс)*	3 443	50 898	47 455

Йиллик айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган корхоналар учун умумбелгиланган солиқ тизимига ўтиш тартиби жорий қилинганлиги сабабли, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари 82 мингтадан, юридик шахслардан олинадиган фойда

солиғи тўловчилари 48 мингтадан ошган бўлса, солиқ солиш тизимидан қатъи назар, барча ресурс тўловларини тўлаш тартиби киритилганлиги натижасида, мулк солиғи тўловчилари 64 мингтадан, ер солиғи тўловчилари 74 мингтадан ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар сони 50 мингтадан ошди.

Бундан ташқари, Давлат бюджети даромадларининг 2019 йилги кутилаётган даромадларига қуйидаги бошқа асосий омиллар ҳам таъсир қилди.

5-расм

Давлат бюджети даромадларининг 2019 йилги кутилаётган ижросига таъсир этувчи омиллар



Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича кутилаётган тушумлар 16 410,5 млрд. сўм миқдорида бўлади ва белгиланган прогноз 430,5 млрд. сўмга (2,7 фоиз) ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда. Мазкур солиқ тури бўйича тушумларнинг муваффақиятли ижросига қуйидаги омиллар таъсир қилди:

- мулк солиғи ставкасининг 5 фоиздан 2 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоиздан 12 фоизгача камайтирилиши ва товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорида тўланадиган ажратмаларнинг бекор қилиниши ҳисобига солиқ тўловчилар молиявий натижаларининг яхшиланиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори билан қатор имтиёзларнинг бекор қилиниши;

- солиқ қарзининг камайтирилиши.

Йил якунларига кўра жорий йилда фойда солиғи бўйича янги қўшилган солиқ тўловчилар ҳисобига қўшимча тушумлар 2 трлн. сўм миқдорида кутилмоқда. Хусусан, Жиззах вилоятида 27 млрд. сўм, Наманган вилоятида 62

млрд. сўм, Самарқанд вилоятида 92 млрд. сўм, Фарғона вилоятида 79 млрд. сўм янги тўловчилар ҳисобига тушади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи динамикасини қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин.

6-расм




Бу ердан кўришимиз мумкинки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджетни шакллантирувчи асосий солиқлардан бирига айланиб бормоқда. Унинг бюджет даромадларидаги улуши 2018 йилда 8,1 фоиздан 11,1 фоизгача ошди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига нисбатан солиқ юкининг камайтирилганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи фондининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Мисол учун, 2018 йилда ўртача ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси 5,2 трлн. сўм бўлган бўлса, 2019 йилда эса бу кўрсаткич 8,5 трлн. сўмни ёки 63 фоизга кўпроқ ташкил қилмоқда.

Минимал иш ҳақи миқдорининг ўсиши 15 фоиз миқдорида бўлган бўлса-да, ҳудудлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг ўсиши 25-54 фоиз атрофида кузатилмоқда.

7-расм

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг ҳудудлар кесимида ўсиши




Қўшилган қиймат солиғи бўйича кутилаётган тушумлар 37,6 трлн. сўмни ташкил қилади, бу йиллик прогнозга нисбатан 1,6 трлн. сўм (4,3 фоиз), 2018 йилдаги тушумларга нисбатан 9,7 трлн. сўм (34,7 фоиз) кўп.

Қўшилган қиймат солиғи тушумларининг юқори суръатлардаги ўсиши қуйидаги омиллар фонида юз бермоқда:

1. Йиллик айланмаси 1 млрд. сўмдан ошадиган тўловчиларнинг қўшилиши;
2. Имтиёзларнинг бекор қилиниши, жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўшилган қиймат солиғининг жорий қилиниши;
3. Солиқ қарзининг камайтирилиши;
4. Энергия ресурслари тарифларининг ўзгартирилиши.

8-расм

Янги қўшилган солиқ тўловчиларнинг мавжуд солиқ солиш базасига нисбати (фоизда)



Умуман олганда, Тошкент шаҳрида қўшилган қиймат солиғининг мавжуд тушумларига нисбатан 51,5 фоиз қўшимча тушум тушса, Наманган вилоятида 36,9 фоиз, Фарғона вилоятида эса 23,3 фоиз қўшимча маблағ шаклланади.

Жорий йилда ресурс солиқлари бўйича 19,6 трлн. сўм маблағ келиб тушади ва ўтган йилги тушумларга нисбатан ўсиши 6,8 трлн. сўмни (54,4 фоиз) ташкил қилади.

2019 йилги солиқ сиёсати йўналишлари доирасида ресурс солиқлари бўйича ўзгаришлар тушумларни қуйидагича шаклланишига олиб келмоқда.

3-жадвал

Ресурс солиқлар бўйича тушумлар (млрд. сўм)

Ресурс солиқлар	2018 йилда	2019 йилда кутилаётган	Ўсиш суръати (%)	Фарқи
Мулк солиғи	2 606,1	1 851,06	-28,97%	-755,04
юридик шахслардан	1 897,8	1 053,54	-44,49%	-844,26
жисмоний шахслардан	708,3	797,52	12,60%	89,22
Ер солиғи	1 504,2	1 834,32	22%	330,12
юридик шахслардан	841,0	1 135,28	35%	294,28
жисмоний шахслардан	663,2	699,04	5%	35,84
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	8 424,7	12 952,15	53,74%	4 527,45
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	128,4	268,48	109%	140,08
Жами	**12 663,4**	**16 906,01**	**34%**	**4 242,61**


Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ тушумлари, солиқ ставкасининг 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилганлиги сабабли, 44,5 фоизга камайиши кутилмоқда. Энг юқори ўсиш сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқда кузатилмоқда, ўтган йилга нисбатан ўсиш 1,1 баробарни ташкил қилади ва бюджетга 140 млрд. сўм маблағ қўшимча тушади. Қимматбаҳо металлар бўйича солиқ солиш базасининг кенгайганлиги натижасида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари 53,7 фоизга ёки 4,5 трлн. сўмга ўсади.

Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида даромадлар прогнозини ошириб бажариш ҳисобига 5 трлн. сўмга яқин маблағ қолиши кутилмоқда.

Энг юқори даромадлар Тошкент шаҳрида (980 млрд. сўм), Андижон вилоятида (720 млрд. сўм), Қорқалпоғистон Республикасида (594 млрд. сўм) шаклланади.

9-расм

Маҳаллий бюджет ихтиёрида қоладиган маблағлар (млрд. сўм)



Божхона тўловлари бўйича бюджетга йиллик прогнозга нисбатан қўшимча 2,0 трлн. сўм (13,7 фоиз) маблағ тушириш кутилмоқда ва жами тушумлар 16,9 трлн. сўмни ташкил қилади.

Умуман олганда, божхона тўловлари бўйича бюджетга тушумлар қуйидагича бўлади.

4-жадвал

Божхона тўловлари бўйича бюджетга тушумлар (млрд. сўм)

	2018 йилда	2019 йил прогнози	2019 йилда кутилаётган	Фарқи
Жами	**11 489**	**14 824**	**17 024**	**2 200**
Қўшилган қиймат солиғи	8 776	11 611,5	13 295,5	1 684
Акциз солиғи	515	572,9	739,0	166,1
Божхона божлари	1 826	2 018,8	2 384,9	366,1

Қўшилган қиймат солиғи бўйича импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан имтиёзларнинг бекор қилиниши натижасида бюджетга қўшимча ойига 700 млрд. сўм маблағ келиб тушиши тахмин қилинмоқда.

Қўшимча маблағларнинг асосий қисми қўшилган қиймат солиғига тўғри келади (1,7 трлн. сўм) ва бу асосан имтиёзларнинг бекор бўлаётганлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари:

валюта курсини ўзгариши ҳисобига – 300 млрд. сўм;

хавф гуруҳига киритилган товарлар устидан ўтказиладиган божхона назорати шаклларини такомиллаштириш ҳамда божхона тўловларини тўғри ҳисобланиши устидан назорат самарадорлиги ошириш ҳисобига – 35 млрд. сўм;

божхона маъмурчилигини яхшилаш бўйича бошқа тадбирлар ҳисобига – 400 млрд. сўм ундирилиши кутилмоқда.


2019 йил 1 августдан бошлаб Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш Инспекцияси тузилди ва республика бўйича 1 400 тадан ортиқ тўловчилар шу инспекцияга бириктирилди.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси

2019 йилга мўлжалланган Давлат бюджети харажатларининг кутилаётган ижроси **117,7 трлн. сўмни ташкил этиб, тасдиқланган режага нисбатан 12,1 трлн. сўмга (11,4 фоиз)** ёки ўтган йилга нисбатан 38,7 трлн. сўмга (49,0 фоиз) ошиши кутилмоқда.

10-расм

Давлат бюджети харажатларининг 2019 йилги кутилаётган ижроси (млрд. сўм)



Давлат бюджети харажатларининг кутилаётган ижроси тасдиқланган режага нисбатан кўп бўлиши ижтимоий соҳа ва бошқа касб эгалари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларининг босқичма-босқич оширилиши, ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари ва тарифларининг ўзгариши ҳамда аҳолининг кам таъминланган қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларига Давлат бюджетидан қўшимча маблағлар йўналтириш ҳисобига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сонли “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармонига асосан барча бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдорларини ошириш тадбирлари учун соҳаларга қўшимча **2 824,5 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

1. Ижтимоий соҳа харажатларига Давлат бюджети параметрларида **53 148,9 млрд. сўм** кўзда тутилган бўлиб, йил якунига кўра **55 644,7 млрд. сўм**га, яъни **2 495,8 млрд. сўм**га кўп ижро этилиши кутилмоқда, хусусан:

таълим соҳаси учун кўзда тутилган харажатлар режаси 25 035,4 млрд. сўм бўлиб, 28 527,7 млрд. сўмга, яъни 3 492,3 млрд. сўмга кўп ижро этилиши кутилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори билан ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини ошириш ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари жорий йилнинг 1 январидан ўрта ҳисобда 1,2 бараварга оширилиши муносабати билан соҳага қўшимча маблағлар йўналтирилди;

соғлиқни сақлаш соҳаси учун кўзда тутилган харажатлар режаси 11 105,7 млрд. сўм бўлиб, 12 934,9 млрд. сўм, яъни 1 829,2 млрд. сўмга кўп ижро этилиши кутилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4007-сонли қарори билан соғлиқни сақлаш соҳаси тизимидаги кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уларнинг моддий манфатдорлигини ошириш мақсадида тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари жорий йилнинг 1 апрелидан 1,15 бараварга оширилиши муносабати билан соҳага қўшимча маблағ ажратилди.


2. 2019 йилда арзон уй-жойлар қурилиши дастурига Давлат бюджети параметрларида **2 978,1 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда **4 126,4 млрд. сўм**га, яъни **1 148,4 млрд. сўм**га кўп ижро этилиши кутилмоқда.

Жорий йилда Давлат бюджети кутилаётган ижроси таҳлили Давлат дастурлари бўйича амалга оширилаётган харажатлар аввалги йилга нисбатан ошиб, 34,7 трлн. сўмни (2018 йилга нисбатан 38,3 фоизга кўп), Давлат бюджети умумий харажатларининг 30,0 фоизини ташкил этишини кўрсатмоқда.

Давлат дастурларининг катта қисмини ижтимоий соҳага оид дастурлар ташкил этиб, маблағлар асосан таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари сифатини ошириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

11-расм

2018-2019 йиллари учун Давлат бюджети харажатлари тузилмаси (млрд. сўм)



12-расм




*Капитал қўйилмалар инобатга олинмаган.

Таълим харажатлари

2019 йилда таълим муассасаларини молиялаштириш учун **28,5 трлн. сўм** ёки ўтган йилга нисбатан 45,8 фоизга кўпроқ миқдорда маблағ сарфланиши кутилмоқда.

13-расм



Мактабгача таълим муассасалари тизимини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **5,4 трлн. сўм** ёки 2018 йилга нисбатан 82,8 фоизга кўп маблағ ажратилади. Ушбу харажатлар тасдиқланган режага нисбатан 1,3 трлн. сўмга ёки 33,6 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли қарорига мувофиқ мактабгача ёшдаги болалар қамровини ошириш мақсадида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг шакллари жорий этилди, бу соҳадаги хусусий шерикларга қатор имтиёзлар ва преференциялар берилди.

Жумладан, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилаётган мактабгача таълим муассасаларига имтиёзли (йиллик 1 фоизли) кредитлар ажратилмоқда.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган муассасалар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 2019 йилдан давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизигача бўлган миқдорда Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартиби амалга киритилди.

Шу билан бир қаторда, давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган ва хусусий мактабгача таълим муассасаларига улар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ харажатларининг 50 фоизини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш механизми жорий этилди.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 1 609,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар 100 480 ўринга мўлжалланган 1 040 та нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун тадбиркорларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш мақсадида тегишли тижорат банкларига ресурс маблағлари сифатида ажратилди.

Бугунги кунга қадар 364 та давлат-хусусий шерикчилиги асосида нодавлат мактабгача таълим муассасалари, 2 823 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, уларга жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига 71,9 млрд. сўм миқдоридаги субсидия ва компенсация тўловлари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 999-сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳрининг айрим туманларида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизими жорий этилди. Бунинг натижасида, 11 103 та тарбияланувчилар мактабгача таълим билан қамраб олинди ҳамда ушбу мақсадлар учун Давлат бюджетидан 7 384,0 млн. сўм сарфланди.

Ҳозирги кунда республикамизнинг барча вилоятларида мазкур тартибни жорий этиш ишлари давом этмоқда. 2019 йилнинг қолган даврида республика бўйича 128 940 та тарбияланувчиларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни жорий этилиши ҳамда мазкур ишларни амалга ошириш учун 107,6 млрд. сўм ажратилиши кутилмоқда.

5-жадвал

2019 йилда болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга жалб этиладиган тарбияланувчилар сони ва ажратиладиган маблағлар миқдори юзасидан

МАЪЛУМОТ

№	Ҳудудлар номи	Жалб этиладиган болалар сони (нафар)	Ташкил этиладиган гуруҳлар сони (дона)	2019 йил учун харажатлар миқдори (млн. сўм)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	9 763	365	7 678
2	Андижон вилояти	15 516	595	12 716
3	Бухоро вилояти	5 425	218	4 723
4	Жиззах вилояти	4 691	194	4 116
5	Қашқадарё вилояти	12 661	486	10 743
6	Навоий вилояти	5 458	221	4 484
7	Наманган вилояти	10 238	372	8 783
8	Самарқанд вилояти	11 353	441	9 807
9	Сурхондарё вилояти	10 645	387	7 472
10	Сирдарё вилояти	3 908	155	3 550
11	Тошкент вилояти	11 335	381	8 114
12	Фарғона вилояти	16 299	660	14 748
13	Хоразм вилояти	8 454	327	7 072
14	Тошкент шаҳар	3 194	137	3 641
ЖАМИ		**128 940**	**4 939**	**107 647**

Шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш ва ўйинчоқлар сотиб олиш учун жорий йилда Давлат бюджетидан 80 млрд. сўм маблағ ажратиш режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағларни 2018-2019 йилларда реконструкция қилинаётган (қилинган) мактабгача таълим муассасаларига ажратиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Узлуксиз таълим тизимида муҳим бўғин ҳисобланган **умумий таълим тизимини** молиялаштириш учун 2019 йилда Давлат бюджетидан **19,1 трлн. сўм** ёки ўтган йилга нисбатан 52,5 фоизга кўп маблағ йўналтириш кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августда “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ:

I босқичда 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб бошланғич синфлар ўқитувчилари базавий тариф ставкалари миқдори 10 фоизга, юқори синф ўқитувчилари базавий тариф ставкалари миқдори 24 фоизга, директорлар, уларнинг ўринбосарлари ва кутубхоначилар базавий тариф ставкалари миқдори 10 фоизга оширилди;

II босқичда 2019 йил 1 январдан малака тоифасига қараб базавий тариф ставкалари ўқитувчиларга 10 фоиздан 25 фоизгача, директорлар, уларнинг ўринбосарлари ва кутубхоначиларга яна 10 фоизга оширилди.

Натижада, 2019 йил 1 январга келиб олий малакали ўқитувчининг базавий тариф ставкаси 49 фоизга ошди, қўлга тегадиган ойлик иш ҳақи, директор жамғармасидан ўртача 20 фоизгача устама ҳамда дафтарларни текширганлиги ва синфга раҳбарлик қилгани учун қўшимча ҳақлар тўланса, шунингдек, солиқ ислоҳоти натижасида 2,4 млн. сўмга етди.

Малака тоифасига эга бўлмаган мутахассис ўқитувчи ва олий тоифали ўқитувчи иш ҳақлари ўртасидаги фарқ 21 фоиздан 38 фоизга ошди.

Бундан ташқари, болаларни руҳий-педагогик қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий ва ижтимоий фаровонлигини ҳимоя қилиш, шунингдек, болалар билан ишлаш ва педагогика ходимлари билимини ошириш учун юқори малакали мутахассислар оқимини рағбатлантириш мақсадида умумтаълим мактаблари ва ўрта-махсус муассасалар психологларига ҳам эътибор қаратилиб, уларнинг иш ҳақи миқдори тегишли таълим муассасаси ўқитувчиси базавий тариф ставкасининг 90 фоизи миқдорида белгиланди ёки 65 фоизга оширилди. Жорий йил охирига қадар ушбу мақсадларга сарфланадиган қўшимча харажатлар 17,1 млрд. сўмни ташкил этади.

Шу билан бирга, юқоридаги қарор билан умумтаълим муассасаларидаги психологлар сони 7 300 нафардан 9 462 нафарга оширилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4185-сонли қарорига асосан “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шаҳарчалари, оилавий турдаги болалар уйларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларининг ойлик иш ҳақи миқдорларини 2019 йилда икки босқичда ўртача 2 баробарга оширилди.

Бунда, қуйидагилар назарда тутилган:

2019 йил 1 мартдан “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкасини 1,5 баробарга ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишлича раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг 75 фоизи даражасида белгилаш;

2019 йил 1 октябрдан “Меҳрибонлик” уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагог ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш.

Мазкур ўзгаришлар натижасида “Меҳрибонлик” уйи олий маълумотли тарбиячисининг ойлик иш ҳақи қарор чиққунга қадар қўшимча устама билан бирга 1 180 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 мартдан уларнинг ойлик иш ҳақи 1 816 минг сўмни, 2019 йил 1 октябрдан эса 2 422 минг сўмни ташкил этиб, амалдаги иш ҳақи тўлови миқдорига нисбатан 1 242 минг сўмга ёки 2,1 баробарга ортади.

Худди шундай, имконияти чекланган болалар учун махсус таълим муассасаларининг олий маълумотли тарбиячиси аввал қўшимча устама билан ҳисобланганда 1 573 минг сўм иш ҳақи олган бўлса, 2019 йил 1 мартдан уларнинг ойлик иш ҳақи тўлови миқдори 2 422 минг сўмга, 2019 йил 1 октябрдан 2 825 минг сўмга етказилди.

Шунингдек, болалар уйлари, ногирон болалар учун “Мурувват” интернат уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорлари қўлланилади.

Демак, ногирон болалар учун “Мурувват” интернат уйлари тарбиячиларининг иш ҳақи тўлови миқдори қарор чиққунга қадар қўшимча устама билан бирга 1 453 минг сўм бўлган бўлса, (маълумот учун: тарбиячиларининг иш ҳақи миқдори 726 минг сўм ва 100 фоиз, яъни 726 минг сўм устама тўланар эди), 2019 йил 1 мартдан 1 889 минг сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг кўпроқ оила шароитларида тарбияланишларини рағбатлантириш мақсадида қарорга мувофиқ:

а) оилавий болалар уйларида тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси “Меҳрибонлик” уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг икки баробари миқдорида ҳисобланади;

ушбу ўзгаришларни рақамларда акс эттирадиган бўлсак, оилавий турдаги болалар уйи тарбияловчи ота-оналари илгари 1 180 минг сўм иш ҳақи олган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 мартдан 2 422 минг сўмни 2019 йил 1 октябрдан 3 229 минг сўмни ташкил этади.

б) 2019 йил 1 мартдан бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,33 баробарга оширилиб, 820 минг сўмни ташкил қилади (ҳозирги вақтда ушбу нафақа миқдори 608,1 минг сўм), кейинчалик инфляция ўсиши ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади.

Келтириб ўтилган тадбирларни амалга ошириш учун 2019 йил якунига қадар Давлат бюджетидан қўшимча 65,2 млрд. сўм маблағ йўналтирилади.

Бундан ташқари, жорий йилда “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилиб, ушбу мақсадларга 2019 йилда 70,0 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майда “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4342-сонли қарори тасдиқланиб, мазкур қарорнинг асосий ғояси вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришдир.

Қарорга мувофиқ:

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари, шу жумладан, тарбиячилар ва тарбиячи ёрдамчиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун базавий тариф ставкасининг 75 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама ҳақи тўланиши;

Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус коллежи, Қўқон шаҳридаги махсус енгил саноат коллежи, Самарқанд шаҳридаги 64-сонли ўғил болалар мактаб-интернати ва Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернатлари негизида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида янги ўқув дастурлар ва замонавий шарт-шароитларга эга бўлган Республика ўғил болалар ўқув-тарбия муассасаси ҳамда Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасаси ташкил этилиши белгиланди.

Шунингдек, 2020 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида Республика ўқув-тарбия муассасаларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, зарур ускуналар, компьютер, ўқитишнинг техник воситалари, инвентарь билан таъминлаш ва моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилиши белгиланди.

Шу билан бирга, ушбу ўқув-тарбия муассасаларининг ихтисослиги ва фаолиятидан келиб чиқиб, муассаса тарбияланувчиларига сифатли тиббий-психологик хизматни йўлга қўйиш мақсадида ҳар 20 нафар тарбияланувчига бир нафар психолог, шунингдек, Республика қиз болалар ўқув-тарбия муассасасига бир нафар шифокор-гинеколог штат бирликлари ажратилди.

Умуман олганда, мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатларга йил якунига қадар Давлат бюджетидан 1,4 млрд. сўм қўшимча маблағ йўналтирилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида”ги 471-сонли қарорига асосан олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган

педагог ходимларнинг базавий тариф ставкаларига иш стажидан келиб чиқиб 10 фоиздан 50 фоизгача махсус устама қўшилиши белгиланди.

Давлат бюджетининг **олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари**, шунингдек кадрлар тайёрловчи бошқа муассасалар фаолиятини молиялаштиришга 2019 йилда **4,0 трлн. сўм** (тасдиқланган режага нисбатан 94,4 млрд. сўмга кўп) йўналтирилади, жумладан:

академик лицейларга – **274,7 млрд. сўм** (аввалги йилга нисбатан 4,2 фоизга ошмоқда);

касб-ҳунар коллежларига – **1 795,6 млрд. сўм** (аввалги йилга нисбатан 42 фоизга камаймоқда);

олий ўқув юртларига – **1 335,1 млрд. сўм** (аввалги йилга нисбатан 45 фоизга ошмоқда).

Касб-ҳунар коллежларига ажратилаётган маблағларнинг камайиши умумтаълим мактабларида 10-11 синфлар очилаётганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 2019 йилда республикада мавжуд 885 та касб-хунар коллежида 3-курс ўқувчилар сони 167 минг кишини ташкил этади.

Олий таълим тизимига харажатлар жорий йилда давлат гранти асосида олий ўқув юртларига қабул квоталари 22,3 минг кишига кўпайиши (2018 йилда 19,2 минг киши) ва қўшимча равишда 5,5 минг ўрин грант асосида алоҳида тоифадаги шахсларга имтиёзли равишда (етимлар, ногиронлар, ҳарбий хизматчиларнинг болалари ва шошилинч ҳарбий тайёргарликдан ўтган болалар) ажратилиши натижасида ошмоқда.

2019 йил охирида давлат гранти асосида ўқиётган талабалар сони 93 минг кишини ташкил этиши кутилмоқда (2018 йилда 88 минг киши).

2019 йилда олий ўқув юртлари раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларининг иш ҳақлари 2 маротаба, яъни 1 январдан – 20 фоизга ва 1 июлдан – 25 фоизга ошиб, иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларга 290,2 млрд. сўм ажратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, жорий йилдаги иш ҳақи миқдорларининг оширилишини инобатга олган ҳолда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг иш ҳақлари ўтган йилга нисбатан умумий ҳисобда 2,3 бараварга ошди.

Бундан ташқари, олий маълумот олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида республикада янги олий ўқув юртлари ва хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилмоқда.

Хусусан, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали, Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали, Тошкент давлат педагогика университети ва Тошкент кимё-технология университетининг Шаҳрисабз филиали ва Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиаллари фаолияти ташкил этилди.

2019 йилда янги очилган олий ўқув юртлари филиаллари фаолиятини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **5,6 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, 2019 йилда Тошкент шаҳрида “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети” федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиали, Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали, Тошкент шаҳрида “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали ташкил этилиб, уларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан жорий йил охирига қадар **4,6 млрд. сўм** маблағ ажратиш белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби фаолияти ташкил этилиб, ушбу таълим муассасини молиялаштириш учун 2019 йилда **9,4 млрд. сўм** миқдорида бюджет маблағлари ажратилди.

Соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар

2019 йилда Давлат бюджетининг **соғлиқни сақлаш** йўналишига сарфланадиган харажатлари **12,9 трлн. сўмни** (аввалги йилга нисбатан **48,4 фоизга** ўсган) ташкил этиб, тасдиқланган режага нисбатан **1,8 трлн. сўм (16,5 фоиз)** кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирлар молиялаштирилиши таъминланмоқда.

Жумладан:

соғлиқни сақлаш муассасалари, энг аввало, оилавий поликлиникалар, шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларининг дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлигини кучайтириш мақсадларига ажратилган Давлат бюджети харажатларини аввалги йилга нисбатан 2,5 баравардан зиёдга ошириш;

тиббиёт муассасаларини, биринчи навбатда қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларни зарур диагностика ва даволаш ускуналари билан тўлиқ жиҳозлашга – **9,0 млрд. сўм** ажратиш;

тиббий ёрдам хизмати автотранспортларини янгилашни давом эттириш, республика ва ҳудудий мувофиқлаштириш-диспетчерлик хизматлари маълумотларини ўтказиш ягона ахборот тармоғини яратиш харажатларига – **2,2 млрд. сўм** молиялаштириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3894-сонли қарори билан республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегияси, илғор халқаро стандартлар ва энг яхши жаҳон амалиётларини ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқариш инновацион моделини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш, тиббиёт статистикасини тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, республика врачлари ва провизорларини рўйхатга олиш тизимини жорий этиш такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолган ҳолда Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ташкил этилди.

Бутун республика бўйлаб гемодиализ хизматини бир марта ишлатиладиган фильтрлар, сарфлаш материаллари, диализ аппаратларининг эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3846-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури” доирасида **90,7 млрд. сўм** йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2866-сон қарорига асосан, онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш дастурида кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлаштирилган тадбирларини молиялаштиришга харажатлар сметаси орқали – **47,4 млрд. сўм** маблағ ажратилиши таъминланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 537-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликларга, шу жумладан, вирусли гепатитга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва уларни даволаш усулларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларга мувофиқ, сурункали “С” вирусли гепатити ва унинг асоратларини даволашда вирусга қарши махсус терапия ўтказиш, қимматбаҳо замонавий дори-дармонлар харид қилиш учун **6,3 млрд. сўм** сарфланмоқда.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш Давлат дастури қабул қилиниши натижасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши самарали курашиш тизимини такомиллаштиришга **жами 42,1 млрд. сўм** маблағ ажратилган. Жумладан:

ОИВ юқтирган оналардан туғилган 6 ойга тўлмаган болаларни қуруқ сут аралашмалари билан таъминлашга – **1,7 млрд. сўм**;

лимфоцитларни (СД-4) аниқлаш, шунингдек, ОИВ инфекциясини даволаш мониторингини юритиш учун лабораторияларни зарур миқдорда замонавий тест-тизимлар билан таъминлашга – **14,1 млрд. сўм;**

ОИТСга қарши кураш марказлари тузилмасида “Ишонч хоналари”ни ташкил қилиш, зарурий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳтож гуруҳини ОИВ инфекциясига текшириш кўламини кенгайтириш, ОИВ инфекцияси хавфи юқори аҳоли гуруҳларида инфекцияни эрта аниқлаш ва тарқалишининг олдини олиш тадбирларини амалга оширишга **– 3,9 млрд. сўм;**

ОИВ инфекциясини даволаш ва унинг ўзига хос профилактикаси учун антиретровирус препаратлари билан таъминлашга – **22,4 млрд. сўм** йўналтирилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил охирига қадар болаларни эмлашни кенгайтириш, болаларда учрайдиган касалликларни ва болалар нобуд бўлишини камайтириш, мамлакатда эпидемиология осойишталигини таъминлаш, шунингдек, контингентнинг камида 98 фоизини профилактика эмлаш дорилари билан таъминлаш мақсадида вакциналар харид қилиш учун **138,6 млрд. сўм** йўналтирилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги 2650-сонли қарори билан тасдиқланган 2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 2019 йилда жами – **59,4 млрд. сўм** ажратилган бўлиб, шундан:

сил касаллигига чалинган болаларни эрта аниқлаш, чақалоқларни парвариш қилиш, гематологик касалликларга чалинган болаларни даволаш учун дори воситалари билан таъминлашга – **24,2 млрд. сўм**;

вилоят перинатал марказлари, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва Тошкент шаҳар болалар касалхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга – **0,9 млрд. сўм**;

оналар ўлимининг олдини олиш учун операциясиз усулни (баллон тампонида) жорий этишга – **14,7 млрд. сўм;**

5 ёшгача бўлган болаларга мультивитамин озуқа қўшимчаларини жорий этишга – **8,9 млрд. сўм**;

фертил ёшдаги аёлларни замонавий контрацепция воситалари билан таъминлашга – **10,7 млрд. сўм** йил якунига қадар ўзлаштирилиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида” 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сонли қарори билан тасдиқланган 2018-2022 йилларда болалардаги туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Давлат дастури доирасида скрининг марказларини тегишли тадқиқотлар учун зарур материаллар ва реагентлар билан таъминлашга 2019 йилда йўналтирилиши кўзда тутилган **30,0 млрд. сўм** маблағ тўлиқ молиялаштирилмоқда, шундан:

биокимёвий перинатал (туғруқдан аввалги) скринингни ўтказиш учун реактивлар билан таъминлаш, ҳомиладорлар ва болалардан қон олиш учун махсус фильтрловчи қоғоз бланкалар харид қилиш учун – **11,1 млрд. сўм**;

фенилкетонурияга чалинган болаларни махсус даволовчи овқат билан таъминлашга – **16,7 млрд. сўм**;

вилоят скрининг марказларини болаларда цитогенетик тадқиқотларни ўтказиш учун лаборатория ускунали рақамли микроскоп билан жиҳозлашга – **0,5 млрд. сўм** харажатлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳомиладор аёллар ва кекса фуқароларни ҳар йили витамин-минерал комплекси билан таъминлаш бўйича кутилаётган харажатлар **10,7 млрд. сўмни** ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли Фармонига мувофиқ, нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказишга йил охиригача **26,5 млрд. сўм** ўзлаштирилиши таъминланади.

Соғлиқни сақлаш ташкилотлари тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, малакаси ва касб кўникмаларини оширишни илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида самарали ташкил этиш мақсадида, давлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт кадрларини етакчи тиббиёт ва илмий муассасаларга йўллаш бўйича харажатларни молиялаштириш ва чет эллик тиббиёт мутахассисларини республикамизга жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 сентябрдаги “Давлат тиббиёт ташкилотларининг тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва касб кўникмаларини

оширишни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 736-сонли қарорига мувофиқ жорий йилда **6,0 млрд. сўм** харажат амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги “Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларининг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3787-сонли қарори билан тасдиқланган “2018-2022 йилларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар” доирасида, ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахслар ва имкониятлари чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, шунингдек, реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедик буюмлар билан таъминлашга **12,3 млрд. сўм** молиялаштирилиши таъминланмоқда.

2019 йилда Давлат бюджетининг **фанни ривожлантириш харажатлари 676,7 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда, бу эса ушбу йўналиш харажатларининг ўтган йилга нисбатан 59,4 фоизга ўсишини англатади.

Бунинг асосий сабаби, илмий муассаларда ишловчи ходимларнинг иш ҳақи миқдорлари олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари қаторида оширилишидир.

Маданият ва спорт соҳаси харажатлари

2019 йилда Давлат бюджетининг маданият ва спорт муассасаларини молиялаштириш харажатлари **2 378,1 млрд. сўм** миқдорида, шундан, маданият муассасаларини сақлашга – **1 277,7 млрд. сўм** (шу жумладан, телевидение ва радиоэшиттиришга – **274,3 млрд. сўм**), спорт муассасаларини молиялаштиришга **1 100,4 млрд. сўм** йўналтирилиши кутилмоқда.

2019 йил якунига қадар маданият соҳасига ажратилиши режалаштирилган **1 277,7 млрд. сўм** маблағ, ушбу йўналишга 2018 йилда ажратилган маблағлар миқдоридан 57,9 фоизга кўпроқдир.

Бунинг асосий сабаблари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли қарорига асосан 2019 йилда 25 та маданият марказларининг биноларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига **68,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги “2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 9-сонли қарорига асосан 2019 йилда 5 та театр биносини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатлариги **16,9 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 декабрдаги “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 975-сонли қарорига асосан 2019 йилда 10 та музей биноларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига **17,7 млрд. сўм** маблағ тўлиқ молиялаштирилиши ҳисобланади.

Бундан ташқари, Республика бюджети маблағлари ҳисобидан маданий мерос объектларини таъмирлаш, тиклаш ва концервациялаш ишларини бажариш харажатларига жорий йилнинг охирига қадар **58,1 млрд. сўм** маблағ ажратилиши қўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги “Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4214-сонли қарорига асосан амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш харажатлари учун бюджет маблағлари ҳисобидан **3,8 млрд. сўм**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида” 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сонли қарорига асосан фестивални ўтказиш билан боғлиқ харажатларга бюджет маблағлари ҳисобидан **9,5 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 371-сонли “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан фестивални ўтказиш билан боғлиқ харажатларга Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг харажатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йил назарда тутиладиган бюджет маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **4,0 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳамда унинг тизимидаги 21 та телерадиоканалларни 2019 йилда сақлаб туриш харажатларига **274,3 млрд. сўм,** шунингдек, телевидение ва оммавий ахборот воситалари ижодий ходимларига гонорар тўловлари харажатларига **78,6 млрд. сўм** маблағ молиялаштирилди.

Бундан ташқари, йил охирига қадар миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури доирасида 20 та тўлиқ метражли бадиий фильм, 50 та ҳужжатли илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш ҳамда 15 та мультипликацион фильмни суратга олиш, шунингдек, қисқа метражли ва болалар юмористик фильмларини суратга олиш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш, миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш учун **46,2 млрд. сўм** миқдорида Давлат бюджети маблағлари йўналтирилмоқда.

Спорт соҳасига 2019 йил охирига қадар **1 100,4 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағлар 2018 йилда соҳага ажратилган маблағларга нисбатан 2 баробардан зиёдга ошган.

Жорий йилда спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш харажатларига, шунингдек, халқаро мусобақаларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **82,7 млрд. сўм**, шу жумладан, футболни ривожлантиришга 25 млрд. сўм йўналтирилиши белгиланган.

Хусусан, Осиё Велоспорт Конфедерациясининг таклифига асосан жорий йилнинг 22-28 апрель кунлари юртимизда илк маротаба катталар, ўсмирлар ва параолимпиячилар ўртасида велоспортнинг шоссе йўналиши бўйича Осиё чемпионати ташкил этилган бўлиб, мазкур спорт тадбирига бюджет маблағлари ҳисобидан **2,2 млрд. сўм** маблағ йўналтирилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари

2019 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам бериш, болали оилаларга барча турдаги ижтимоий нафақаларни тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш, шунингдек, уй-жой коммунал хизматларни тўлаш бўйича компенсация тўловларини амалга ошириш учун **4,9 трлн. сўм** ёки ўтган йилга нисбатан 61,7 фоизга кўп маблағ ажратилиши кутилмоқда. Ушбу харажатларда:

- бола туғилгани учун нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар – 337,8 млрд. сўм;
- болаликдан ногиронлар, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақа харажатлари – 1 616,7 млрд. сўм;
- ун ва ун маҳсулотлари нархини эркинлаштирилиши учун компенсация тўловлари – 411,4 млрд. сўм;
- Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган нафақа – 1 144,8 млрд. сўм;
- 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар – 656,4 млрд. сўм;
- кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам – 229,8 млрд. сўм;
- ижтимоий ҳимоя бўйича бошқа харажатлар – 417,6 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали ижтимоий нафақаларни олувчи эҳтиёжманд оилалар сонининг ўсиши жорий йилнинг 8 ойи якунларига кўра 8 фоизни ташкил этди.

Аҳолини қўлаб-қувватлаш, пул тўланадиган жамоатчилик ишларига, тадбиркорликка кенг жалб этиш асосида бандликни таъминлаш мақсадида янги ташкил этилган Жамоатчилик ишлари жамғармаси орқали **384 млрд. сўм** миқдорида маблағлар ажратиш режалаштирилган бўлиб, ушбу чора-тадбирлар

натижасида ҳар ой қўшимча 50 мингтагача кишининг бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратилмоқда.


2019 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга оширишга Давлат бюджетининг жорий йилги параметрларида **500 млрд. сўм** ажратиш режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди. Бундан ташқари ушбу дастурларни амалга ошириш учун йил охирига қадар қўшимча манбалар ҳисобидан яна **620,3 млрд. сўм** харажат амалга оширилиши кутилмоқда.

Иқтисодиёт харажатлари

2019 йилда Давлат бюджетининг **иқтисодиётга йўналтириладиган харажатлари** тасдиқланган режага нисбатан **2,8 трлн. сўм** кўп маблағ ажратилиши натижасида **13,2 трлн. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда. Ўз навбатида, ушбу харажатлар мазкур соҳа учун 2018 йил ажратилган маблағлар миқдоридан **72,5 фоизга** юқоридир.

14-расм

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари (млрд. сўм)



Шундан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг **сув хўжалиги эксплуатацияси** харажатлари **3 756,8 млрд. сўмни** ташкил этиши ёки ўтган йилга нисбатан 32,5 фоизга кўпроқ маблағ сарфланиши белгиланган.

2019 йилда **ободонлаштириш ишлари**га **2 038,0 млрд. сўм** ёки ўтган йилга нисбатан **31,4 фоизга** кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Ободонлаштириш харажатларининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

- шаҳарларни, туман марказларини, шаҳар типидаги посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизматлари – **1 141,6 млрд. сўм**;

- шаҳар кўчалари ва туман қишлоқ марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ташқи ёритиш тармоқларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари – **103,8 млрд. сўм**;
- шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари, қишлоқ аҳоли пунктлари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш – **257,8 млрд. сўм**;
- шаҳарлардаги ҳамда туман марказларини, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктларидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш харажатлари – **378,3 млрд. сўм**;
- шаҳарларда ва қишлоқлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларида дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар - **42,3 млрд. сўм.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 4 июндаги ПҚ-4351-сонли қарори билан тасдиқланган “2020-2024 йиллар даврида туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлашнинг параметрлари”га асосан 2020-2024 йиллар давомида жами 1 423 та махсус техника ва механизмлар сотиб олиниши белгиланган бўлиб, ушбу техника ва механизмларни харид қилиш учун **329,7 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилган. Шундан 2019 йилда 289 та техника механизмларни харид қилиш учун **67,3 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши белгиланган, шу жумладан:

- шаҳарларни ободонлаштириш бошқармаларига – **11,4 млрд. сўм**;
- туман марказларини, шаҳар типидаги посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш бошқармаларига – **55,9 млрд. сўм**;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда ер ости сувлари заҳирасидан рационал тарзда фойдаланиш ҳисоби ва назоратини тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сонли қарори билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш учун **13,9 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

2019 йилда **уй-жой коммунал ишлари** харажатлари **864,0 млрд. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

Йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ-2922-сонли “2017-2021 йилларга мўлжалланган кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурларни амалга ошириш учун **89,2 млрд. сўм** маблағ йўналтирилади, шу жумладан:

Тошкент шаҳридаги кўп хонадонли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш ишларига – **24,7 млрд. сўм**;

шаҳарлар ва туманлардаги кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштиришга – **61,7 млрд. сўм** йўналтирилади.

2019 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **табиатни муҳофаза қилиш ишларига 247,6 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу Давлат бюджети жами харажатларининг 0,2 фоизини ташкил этади. Жумладан:

янги ташкил қилинган “Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари орқали 2017-2021 йилларга мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, йўқ қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш дастурини амалга ошириш учун **117,8 млрд. сўм**;

Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғини сақлаш харажатлари учун **67,4 млрд. сўм** йўналтирилади.

Қабул қилинган Давлат дастурларига мувофиқ **352 та** тиркамали трактор ва **110 та** чиқинди ташувчи машина сотиб олиш, **239,8 км** санитария-тозалаш ташкилотларининг полигонларига киришни асфальтлаш ва **96 та** қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини қуриш режалаштирилган.

Ветеринария хизматларини молиялаштириш ва эпизоотик хавфсизликни таъминлаш учун бюджет харажатлари ўтган йилга нисбатан 1,1 бараварга ошиб, **97,0 млрд. сўм**ни ташкил этмоқда.



Ҳайвонларни даволаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида вакцина сотиб олиш харажатлари миқдори **92,4 млрд. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

Жорий йил якунига қадар ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирларига **20,3 млрд. сўмни**, жумладан чигирткаларга қарши курашиш харажатлари **4,8 млрд. сўмни** ва қизил капалакка қарши курашиш харажатлари **15,7 млрд. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси харажатлари **58,5 млрд. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда, шу жумладан – тармоқлараро мақсадлар учун картография маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш учун – **5,2 млрд. сўм**, мавжуд рақамли топографик хариталарни яратиш ва янгилаш учун йил якунига қадар **4,9 млрд. сўм** йўналтириш режалаштирилган.

Йил якунига қадар умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни ривожлантириш харажатларига, шунингдек, уларга туташган ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига Давлат бюджети ҳисобидан **2 207,9 млрд. сўм** йўналтирилади.

Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари

2019 йилги тасдиқланган Инвестиция дастурига мувофиқ **марказлашган инвестицияларни молиялаштириш** харажатлари Давлат бюджети параметрларида режалаштирилган харажатларга нисбатан **7,5 трлн. сўмга**

(60,3 %) кўп маблағ йўналтирилиб, йил якунига қадар жами **20,0 трлн. сўм** харажат амалга оширилиши кутилмоқда**.**

2019 йилги Инвестиция дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4067-сонли қарорига асосан 2019 йилда Давлат бюджетининг марказлашган капитал қўйилмалари ҳисобидан **7 153 та** объектларга **12 157,3 млрд. сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

Маълумот ўрнида, *2018 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ушбу мақсадларга **8 474,0 млрд. сўм** ажратилган бўлиб, ўсиш даражаси 143 фоизни ташкил этади.*

Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, ижтимоий соҳа, сув хўжалиги, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ишларига, шунингдек маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан **7,8 трлн. сўмдан** ортиқ маблағлар қўшимча йўналтирилиши кутилмоқда.

Жумладан:

Давлат бюджетининг марказлашган инвестиция маблағлари ҳисобидан 954 та маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларга **5 396,7 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши белгиланди.

Ушбу маблағлар ҳисобига, 503,7 км каналлар, 99,3 км лоток тармоқлари, 106 дона тик суғориш қудуқлари, 44 дона гидротехник иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини, шунингдек, умумий сиғими **3 715,9 млн. м^3** бўлган 19 та сув омборларини қуриш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш тадбирларини бошлашга эришилади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида узунлиги:

а) 52,1 км бўлган ер усти ҳалқа метро йўналишини қуриш лойиҳаси;

б) 7,1 км бўлган Сергели йўналишини қуриш лойиҳаси;

в) 2,9 км Шаҳристон станциясидан Туркистон станциясигача бўлган Юнусобод йўналишини қуриш иккинчи босқичи лойиҳаси доирасида қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Мазкур лойиҳаларни қуриб фойдаланишга топшириш натижасида, Тошкент шаҳри аҳолисининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шунингдек, шаҳар транспорт инфратузилмасининг сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида **185 та** объектларда қурилиш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **437,3 млрд.сўм** маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ажаратилган маблағлар ҳисобига 1 017,4 км очиқ ва ёпиқ коллектор тармоқлари, 87 дона мелиоратив тик қудуқлар, 149 дона гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишга эришилади.

Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш тадбирлари доирасида 2 593 та объектга **3 176,3 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилган.



Ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига 2019 йилда 6 850,7 км узунликдаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлиги таъминланади, йўлларнинг ўтказувчанлик қобилияти ошади ва сезиларли миқдорда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари иқтисод қилиниб, йўловчиларнинг манзиллари яқинлашади.

Жумладан, йирик объектлардан 2019 йилда:

а) Навоий вилоятининг Навоий шаҳри билан Нурота туманини боғловчи автомобиль йўли ҳисобланган давлат аҳамиятидаги 4Р57 “Қизилқум халқа йўли” автомобиль йўлининг 22-32 км қисми Давлат бюджети маблағларидан **56,3 млрд. сўм** ажратиш ҳисобига реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Илгари ушбу автомобиль йўлида ҳаракатланиш анча хавфли ҳисобланиб, реконструкция ишларини амалга ошириш натижасида ҳаракат хавфсизлиги таъминланди, йўл равон бўлди ва тоғ довонидан 26 метр пастга туширилди. Автомобиль йўлининг суткалик ўтказувчанлик кўрсаткичлари қарийб 2 баробарга, яъни 10 мингтага етиб, келажакда Нурота туманидаги зиёратгоҳга маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони ортишига эришилади.

б) Тошкент вилояти Қибрай ва Юқоричирчиқ туманларидан ўтувчи 19,2 км узунликдаги янги йўналишдаги автомобиль йўлларини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ушбу объектга Давлат бюджетидан жами **129,6 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, жорий йилда 11 км узунликдаги қисми фойдаланишга топширилди.

Ушбу автомобиль йўлининг ишга туширилиши Тошкент шаҳридан Бўстонлиқ туманигача бўлган масофанинг 10-15 км масофага қисқаришига ва 30 минутгача бўлган вақтнинг тежалишига, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Оҳангарон шоссесидаги тирбандликлар олди олинишига, транспорт логистикаси ва ички туризм ривожланиши учун яхши имкониятларни яратилишига эришилади.

2019 йилда тасдиқланган қарорга асосан жами **1 681 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари** учун **6 826,9 млрд.сўм** маблағ ажратилган.

Мазкур ажратилган маблағлар ҳисобига 2019 йилнинг охирига қадар 63 240 та болалар ўринли 514 та мактабгача таълим муасассалари;

107 477 та ўқувчи ўринли ва 150 ётоқ ўринли 719 та умумтаълим мактаблари;

1 050 ётоқ ўринли 8 та олимпия захиралари мактаб-интернатлари;

II типдаги 12 та болалар мусиқа ва саънат мактаблари;

9 977 ўринли (койка) ва 19 660 қатновли 266 та соғлиқни сақлаш муасассалари;

10 390 ўқувчи ўринли ва 2 270 ётоқ ўринли 22 та олий таълим муасассалари;

9 та илмий тадқиқот институтлари тўлиқ фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Мазкур тадбирларини амалга ошириш натижасида:

а) ўқувчи-талабаларнинг ўқиш шарт-шароитларини яхшилаш, хусусан келажак авлоднинг замонавий билимларни ўзлаштиришига имкон яратиш;

б) аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш;

в) ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалаларда илм-фан тараққиётининг ҳаётга тадбиқ этиш;

в) мамлакатнинг аҳолини таълим олиш, сиҳат-саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ бирламчи эҳтиёжларини қондириш мажбуриятини бажаришига эришилади.

Маълумот ўрнида, *дастурга киритилган умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига фойдаланишга топширилди.*

2019 йилда **Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш тадбирлари** доирасида **1 440 та** объектга **1 735,5 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган.



Ушбу харажатларнинг **998,6 млрд. сўми “Тоза ичимлик суви” жамғармаси** маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиб, шундан давлат раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида берган топшириқлари билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун **108,8 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобига 2019 йилда **821 та** объектда **1 056,2 км** ичимлик сув тармоқлари, **145 та** сув иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари амалга оширилади ҳамда **122,8 км** оқава сув тармоқлари қурилиб, **7 та** оқава сув иншоотлари реконструкция қилинади.

Натижада, йил якуни билан қўшимча **650,0 мингдан ортиқ** киши марказлашган ичимлик суви ва **75,0 мингдан ортиқ** киши оқава сув хизматлари билан қамраб олинишига эришилади.

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш тадбирлари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил қилган ҳолда **300 та** объектга **330,9 млрд. сўм** маблағлар ажратилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобига:

а) Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 3 та иссиқлик таъминоти объектлари реконструкция қилинади, 254 та кўп қаватли уйларнинг том қисми, фасадлари, ички муҳандислик тармоқлари ва умумфойдаланиладиган жойлари таъмирланади, 58 та ичимлик суви объектларида олиб бориладиган ишлар орқали аҳолига 259,7 км узунликдаги ичимлик сув қувурлари тортилиб, сув иншоотлари ўрнатилади ва аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берилади, аҳолига тиббий хизматни янада яхшилаш мақсадида 1 та юрак-қон томир касалликлари маркази тўлиқ реконструкция қилинади.

б) Хоразм вилояти бўйича 10 та иссиқлик таъминоти объектлари реконструкция қилинади, 3 та дренаж қудуқлари қурилади, 125 та кўп қаватли уйларнинг том қисми, фасадлари, ички муҳандислик тармоқлари ва умумфойдаланиладиган жойлари таъмирланади, 66 та ичимлик суви объектларида олиб бориладиган ишлар орқали аҳолига 404,5 км узунликдаги ичимлик сув қувурлари тортилиб, сув иншоотлари ўрнатилади ва аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берилади, 38 та объектларда (маҳалла ичик йўллари) кўчалар ободонлаштирилиб, ёритиш тизими тўлиқ янгиланади, аҳоли маданий шароитларини яхшилаш мақсадида вилоят марказий ахборот кутубхонаси реконструкция қилинади.

Бундан ташқари, дунё бўйича глобал муаммо ҳисобланаётган Орол муаммосини бартараф этиш борасида БМТ нинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган штабига Траст жамғарма учун 2,0 млн.доллар (17,0 млрд.сўм) миқдорида маблағ ўтказиб берилди.

Арзон уй-жойларни молиялаштириш учун 2019 йил тасдиқланган Давлат бюджети параметрларида **2 978,1 млрд. сўм** режалаштирилган бўлиб, йил якунига қадар Давлат бюджетидан ажратилиши кутилаётган маблағлар миқдори **4 126,4 млрд. сўм (ўсиш 138,6 фоиз)**ни ташкил этади.

Шундан, 2018 йилдан ўтувчи намунали уй-жойларни жорий йилда молиялаштириш учун **650,3 млрд. сўм** миқдоридаги кредит линияси очилди, шаҳарларда қурилиши бошланган 13 917 хонадонли **кўп квартирали уйлар қурилишини** жорий йилда молиялаштириш учун **200,0 млрд. сўм** миқдоридаги кредитлар ва Андижон вилоятидаги оғир уй-жой маиший шароитларда яшаётган ва боқувчисини йўқотган аёлларни уй-жой билан таъминлаш учун **17,7 млрд. сўм** йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПҚ-4028-сонли қарори билан тасдиқланган **намунали лойиҳалар бўйича уй-**

жойлар қуриш дастурини амалга ошириш мақсадида қишлоқ жойларида **2 382,6 млрд. сўмлик** *(шундан, бошланғич бадаллар – 282,5 млрд. сўм, ОТБ – 534,7 млрд. сўм, ИТБ – 1 092,0 млрд. сўм ва Давлат бюджетидан – **473,4 млрд.сўм)*** 15 010 та уй-жойлар (шундан, турар жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилалар, ёш оилалар ва ёлғиз аёллар учун – 13 000 та, фуқароларнинг алоҳида тоифалари учун – 2010 та) қурилиши режалаштирилган. Йил якунига қадар якуний ҳисоб-китобларга асосан манзилли рўйхат бўйича Давлат бюджетидан ажратилиши кутилаётган маблағлар **194,3 млрд. сўм**ни ташкил қилиши кутилмоқда.

Шаҳарларда арзон кўп хонадонли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида умумий қиймати 4 082,8 млрд. сўмлик *(шундан, бошланғич бадаллар – 679,8 млрд. сўм, банк кредитлари – 3 403,0 млрд. сўм)* 14 757 та хонадондан иборат 355 та кўп квартирали уйлар қурилишини молиялаштиришга давлат бюджетидан йил якунига қадар ажратилиши кутилаётган маблағлар **2 861,4 млрд. сўм**ни ташкил этади.

Тошкент шаҳри Сирғали тумани Чоштепа ҳудудида қурилиб, фаол ёш оилаларга берилган уй-жойларнинг ипотека кредити учун **29,5 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари.

2019 йилда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва прокуратура ва ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари **6,1 трлн. сўм** миқдорида бўлиб, тасдиқланган режага нисбатан **1,1 трлн. сўмга** (23,0 фоиз) ошади.

2019 йилда Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимликлари, прокуратура ва суд органларининг вазифалари таҳлил қилиниб, айримларининг фаолияти янгидан ташкил этилди, шунингдек, баъзиларининг ташкилий тузилмалари кўриб чиқилиб, қайтадан тасдиқланди. Бунинг ҳисобига ушбу органларга қўшимча 3 543 та бошқарув ходимлари сони киритилиб, уларни сақлаш харажатларига давлат бюджетидан қўшимча **94,6 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини молиялаштиришга йил якунига қадар бюджетдан **702,3 млрд. сўм** йўналтирилиб, ўтган йилга нисбатан 61,3 млрд. сўм (10 фоиз) кўп маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳақи **жорий йилда босқичма-босқич 1,5 бараварга оширилиши** белгиланган бўлиб, бунда уларнинг ойлик иш ҳақи жорий йил 1 майдан 1,25 бараварга ва 1 октябрдан 1,2 бараварга оширилди ва унга 31,8 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Ёшлар – келажагимиз” жамғармалари фаолиятини амалга ошириш учун республика бюджети ҳисобидан

йил якунига қадар мос равишда 200,0 млрд. сўм ва 470,0 млрд. сўм йўналтирилади.

Жорий йил якуни билан Давлат томонидан **Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари 37,8 млрд. сўмни** ташкил этиши ёки ўтган йилги ушбу йўналишга амалга оширилган харажатларга нисбатан 72,7 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Давлат томонидан жалб қилинган кредитларни қайтариш ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари **1,1 трлн. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни сақлаш бўйича тадбирларни республика бюджети даромадларининг ўз вақтида тушиши ҳисобига барқарор молиялаштириш таъминланади.

Шу билан бир қаторда, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ислоҳ қилиш доирасида иқтисодий ва молиявий статистика маълумотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бюджет жараёни очиқлигини оширишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли қарорига асосан 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилди.


Натижада 2019 йил 1-чорак якунларига кўра туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларини йўналтиришда фуқаролардан Республика бўйича жами 4 094 та таклиф ва овозлар қолдирилган бўлса, 2019 йил 2-чорагида бу рақам 5 баробарга кўпроқ, яъни 19 976 тани ташкил этди.

2019 йил 1-чорак якунлари бўйича туман (шаҳар)лар бюджетларида жами шаклланган қўшимча маблағлар 253,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, шундан 11,4 фоизи ёки 28,9 млрд. сўм аҳоли таклифларига кўра шакллантирилган тадбирларга сарфланган.

2019 йилнинг 2-чорагида қўшимча манбалар ҳисобидан 437,9 млрд. сўм шакллантирилиб, шундан 11 фоизи ёки 48,3 млрд. сўм аҳоли таклифларига кўра шакллантирилган тадбирларга сарфланган.

15-расм

Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларидан “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар



Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари қўшимча манбаларининг “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали орқали жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини натижасида ҳудудларда амалга оширилган тадбирлар қуйидаги расмда акс эттирилган.

16-расм

Ташаббусли бюджет доирасида ҳудудларда амалга оширилган тадбирлар



1	Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Ҳамид Олимжон монументи атрофини ободонлаштириш	8	Навоий вилояти, Қизилтепа туманида зиёратгоҳни таъмирлаш
2	Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани пиёдалар учун осма кўприк	9	Навоий вилояти, Нурота туманида кутубхона ташкил этиш
3	Бухоро вилояти, Олот тумани, Хумо истироҳат боғини жорий таъмирлаш	10	Навоий вилояти, Томди туманида йўловчилар учун бекат ташкил этиш
4	Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани 1-сон умумтаълим мактабида компютер синфи	11	Навоий вилояти, Хатирчи туманида МТМларни жиҳозлаш тадбирлари
5	Бухоро вилояти, Пешку туманида “Амфитеатр” биноси	12	Хоразм вилояти, Боғот тумани 24-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш
6	Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани 8-сон МТМ таъмирлаш	13	Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани кўчаларини ёритиш тизимларини таъмирлаш
7	Навоий вилояти, Зарафшон тумани МТМларни жиҳозлаш		**Тўлиқ маълумот: Openbudget.uz**

Давлат бюджети харажатларининг катта қисмини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар ташкил қилади.

Аҳоли даромадларини изчил ошириб бориш, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 августидан иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар ва пенсиялар миқдори 10 фоизга оширилди. Ушбу мақсадларга 2019 йилда Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 2 824,5 млрд. сўм йўналтирилди.

2.3. Давлат мақсадли жамғармаларининг 2019 йилда кутилаётган ижроси

Давлат мақсадли жамғармаларига 2019 йил 1 январдан бошлаб мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши, шунингдек, ягона солиқ тўлови таркибининг ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ва Вазирлар Маҳкамаси


ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тугатилди ҳамда Республика йўл жамғармаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини, йўл ҳамда мелиорация инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари белгиланди.

Жорий йил якунларига кўра Давлат мақсадли жамғармаларининг жами тушумлари **24,6 трлн. сўм**ни ёки тасдиқланган параметрларга (**24,2 трлн. сўм**) нисбатан **101,7 фоиз**ни ташкил этиши кутилмоқда.

17-расм

Давлат мақсадли жамғармаларининг 2019 йилги кутилаётган ижроси (млрд. сўм)



2019 йилга мўлжалланган Давлат мақсадли жамғармалари харажатларининг кутилаётган ижроси эса **27,4 трлн. сўм**ни ёки тасдиқланган параметрларга (**27,5 трлн. сўм**) нисбатан **99,5 фоиз**ни ташкил этиши кутилмоқда. Бунда аввалги йилги кўрсаткичга нисбатан харажатлар ўсиши **6,5 трлн. сўм**ни ёки **31,3 фоизни** ташкил этади.

1. 2019 йилда **Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси**нинг даромадлари **24,0 трлн. сўмни**, харажатлари эса **26,7 трлн. сўмни** ташкил этиши кутилмоқда. Пенсия жамғармаси маблағларининг вақтинча бўш қолдиғи 2019 йил бошига нисбатан 2,7 трлн. сўмга камаяди ва 4,3 трлн. сўмни ташкил этади.

2019 йил охиригача қарийб 285,0 минг кишига, шу жумладан ёшга доир пенсия – 233,0 минг кишига (81,7 фоиз), ногиронлик бўйича – 30,5 минг кишига (10,7 фоиз), боқувчисини йўқотганлик бўйича – 21,5 минг кишига (7,6 фоиз) пенсия ва нафақалар янгидан тайинланиши кутилмоқда.

2019 йил бошига нисбатан пенсия олувчилар умумий сонининг ортиши 166,4 минг кишини ёки 5,2 фоизни ташкил этади.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қарийб 2,5 трлн. сўм, шу жумладан 263 мингдан ортиқ болаликдан ногиронларга 1,3 трлн. сўм миқдорида нафақалар тўланиши таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** даромадлари жорий йилда **442,3 млрд. сўм**ни ёки тасдиқланган параметрларга (397,0 млрд. сўм) нисбатан 111,4 фоизга, харажатлари эса **408,6 млрд. сўм**ни ёки тасдиқланган параметрларга (388,0 млрд. сўм) нисбатан 105,3 фоизга бажарилиши кутилмоқда.

Меҳнат бозоридаги кескин вазиятни юмшатиш, янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш, шунингдек мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш, аҳоли бандлигига кўмаклашишга оид ижтимоий-иқтисодий тадбирларни рўёбга чиқариш жараёнида Жамғарма маблағларидан қуйидагиларга маблағлар ажратилган:

янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи лойиҳаларга кредит ажратиш учун тижорат банкларига ресурслар тақдим қилиш учун 145,0 млрд. сўм;

иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун 43,0 млрд. сўм;

ишсизларга ижтимоий тўловлар учун 22,1 млрд. сўм;

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан ишсиз фуқароларга муддатидан олдин тайинланган пенсия тўлови харажатларини қоплаш учун 1,5 млрд. сўм ва бошқалар.

Консолидациялашган бюджет баланси

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджет тақчиллиги Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,3 фоиз миқдорида кутилмоқда.

Бюджет тақчиллигини қуйидаги манбалар ҳисобига қопланиши режалаштирилган:

республика бюджети маблағларининг молия йили бошидаги қолдиқлари;

халқаро молия институтларининг ташқи қарзи (ЖБ ва ОТБ);

ички ғазначилик ва суверен облигацияларни чиқариш;

бошқа манбалар.

III. 2020-2022 йиллар учун Фискал стратегияси

Сўнгги йилларда ижтимоий-иқтисодий инфратузулмани ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича, шунингдек, турли соҳаларни ислоҳ қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар давлат бюджетининг мажбуриятларини ошишига олиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ўсишининг пасайиши ва хомашё бозоридаги ўзгаришлар ўрта ва узоқ муддатли даврда давлат бюджети тизими барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

2020-2022 йиллар учун Давлат бюджетини ишлаб чиқиш жараёнида фискал сиёсатни бюджет тизими барқарорлигига ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсирини чуқур ўрганилиб, ўрта муддатдаги умумий фискал тақчиллик ЯИМга нисбатан 1,5 фоизгача қисқариши кўзда тутилган.

Давлат бюджетини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар давлат молиясини ислоҳ қилишда қуйидагиларни ўз ичига олувчи янгича ёндашувларни қабул қилишни талаб этмоқда:

бюджет тизимига замонавий халқаро стандартлар ва бюджет тизимини бошқариш усулларини жорий этиш билан бюджет тизими барқарорлигини ошириш;

бюджет маблағларини сифатли режалаштириш ва самарали фойдаланишга қаратилган бюджет сиёсатини юритиш;

бюджетномани тайёрлаш жараёнида стратегик ёндашувни мустаҳкамлаш, бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш чораларини кўриш, фискал рискларни олдини олиш;

бюджет тизими шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

бюджет бошқарувида маҳаллий ҳокимликларнинг ролини мустаҳкамлаш орқали бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

бюджет циркулярлари ва материалларини такомиллаштириш билан бюджет жараёнини халқаро амалиёт даражасига етказиш;

бюджетни режалаштиришда дастурий-мақсадли бюджетлаштириш усулини босқичма-босқич жорий этиш.

3.1. Солиқ сиёсатининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони асосида иш ҳақи фондига солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш, солиқ солишнинг соддалаштирилган ва умумбелгиланган тизимида солиқларни тўлайдиган

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликни камайтириш чоралари кўрилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини янада ошириш ва бюджетга солиқ тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш доирасида 2020 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича 12 фоиз ставкаси дунё амалиётида энг паст кўрсаткич ҳисобланади ва фойдага солиқ юки иш ҳақи фондидаги юк билан мутаносиб эмаслиги компания эгалари томонидан даромадларни дивидендлар орқали “тортиб олишга” ундайди. Шу сабабли фойда солиғи ставкасини **12 фоиздан 15 фоизга** ошириш режалаштирилмоқда. Бунинг натижасида фойданинг умумий (дивидендлар билан инобатга олган ҳолда) солиқ юки **16,4 фоиздан 19,3 фоиз**гача кўтарилади. Ставканинг ўсиши бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларнинг камайиши натижасида бюджет даромадларининг йўқотилишини компенсация қилинишини таъминлайди.

6-жадвал

МДҲ давлатларида фойдага солиқ юки

Давлатлар	**Фойда солиғининг стандарт ставкаси**	**Дивиденд солиғининг стандарт ставкаси**	**Инвесторга жами солиқ юки**
Арманистон	20	5	24,0
Озарбайжон	20	10	28,0
Беларусь	18	13	28,7
Грузия	15	5	19,3
Қозоғистон	20	5	24,0
Қирғизистон	10	0	10,0
Молдова	12	6	17,3
Россия	20	13	30,4
Тожикистон	23	12	32,2
Туркманистон	8	10	17,2
Украина	18	5	22,1
Ўзбекистон (амалдаги)	**12**	**5**	**16,4**
Ўзбекистон (таклиф этилаётган)	15	5	19,3

Амалдаги тартибда, бошқа юридик шахснинг акциядори (иштирокчиси) бўлган юридик шахс томонидан тўланганида дивидендлар кўринишида фойда солиғини ундириш ва ундан дивидендлар олишда яна солиқ тўлаш "каскадли самарага" олиб келади – бир хил миқдордаги дивидендлар такрорий солиққа тортилади. Ушбу солиқ тўловини бекор қилиш учун ушбу юридик шахс томонидан тўланадиган дивидендлар учун солиқ солинадиган базани аниқлашда юридик шахс – акциядор (иштирокчи) томонидан олинган ва тўлов манбаида солиқ солинадиган дивидендлар миқдорини чиқариб ташлаш таклиф этилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ–5837-сонли "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида келтирилган дивидендлар кўринишидаги даромад солиғи ставкалари сақланиб қолиши кўзда тутилди.

Юридик шахсларнинг алоҳида тоифаси (тижорат банклари, цемент (клинкер) ва полиэтилен гранулалари ишлаб чиқарувчи юридик шахслар, шунингдек асосий фаолияти уяли алоқа хизматларини тақдим этувчи юридик шахслар) учун фойда солиғининг **20 фоизлик ставкаси** сақланиб қолинади.

Технологик асбоб-ускуналар ва биноларни сотиб олишда фойда солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини соддалаштириш учун технологик ускуналар ёки кўчмас мулкни сотиб олиш учун **бир марталик амортизация ажратмаларини** тўлаш тартиби жорий этилиб, **имтиёзларни** бир вақтнинг ўзида модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун ажратилган маблағлар суммасига солиқ солинадиган фойдани камайтириш бекор қилинади. Ушбу норманинг жорий этилиши халқаро амалиётга мувофиқ бўлиб, ишлаб чиқариш активларини янгилашни рағбатлантириш мақсадида инвестиция (амортизация) ажратмаларини таъминлайди. Бунда, бюджет йўқотишлари **578 млрд. сўм**ни ташкил этади.

Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар учун (товар айланмасининг чегаравий миқдори 1 млрд. сўмга етган) умумий даромад солиғининг **25 фоизи миқдорида солиқ солинадиган базани** аниқлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилмоқда.

Алоҳида тоифадаги жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар, оилавий тадбиркорлик уюшмаси аъзолари, ҳунармандлар) даромадига қатъий белгиланган солиқ тўловини, шу билан бир вақтда уларга йиллик даромадлар тўғрисидаги **декларация асосида** солиқ тўлаш турини танлаш ҳуқуқи жорий этилмоқда. Айни пайтда, мазкур тоифадаги (қатъий белгиланган солиқ тўловларидан имтиёз берилган "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо) шахслар фаолият турига қараб дифференциалланган ҳажмда қатъий белгиланган солиқ тўловларини тўламоқдалар.

Таклиф қилинаётган тартибга асосан, репетиторлик хизмати кўрсатувчи жисмоний шахслар қатъий белгиланган солиқдан жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ турига ўтказилади. Шунингдек, улар учун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан ўрнатиладиган қатъий белгиланган солиқ тўлаш тартиби сақланиб қолинади.

Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорга жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқ бўйича мавжуд солиқ имтиёзларидан (мисол учун, таълим бўйича) фойдаланиш ҳуқуқи берилади.


Шунингдек, “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо ҳунармандлар учун тақдим қилинган қатъий белгиланган солиқ тўловлари бўйича солиқ имтиёзларини, келажакда уларни фаолиятини рағбатлантириш ва имтиёзли солиқ солиш тизимини сақлаган ҳолда “ноль” ставкадаги жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ солиш тартибини ўрнатиш таклиф этилади.

Бюджет ташкилотлари ва алоҳида тоифадаги пасайтирилган ставкада ўрнатилган ижтимоий солиқ тўловчиларини истисно қилган ҳолда, барча юридик шахсларга **12 фоизли ижтимоий солиқ** миқдори татбиқ қилинмоқда.

Амалда бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав жамғармаси (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав жамғармаси (устав капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмаларига **ижтимоий солиқ 25 фоиз** миқдорида ўрнатилган.

Ижтимоий солиқ миқдорини фақатгина бюджет ташкилотлари учун **25 фоиз миқдорида** сақлаб қолиш, хусусий ва давлат секторидаги корхоналарга тенг рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

18-расм



Бундан ташқари, иш берувчи ташкилотларга ижтимоий солиқ ставкасининг пасайиши муносабати билан бўшаган маблағлар ҳисобидан ишчиларга иш ҳақини оширишни тавсия қилиш таклиф этилади, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг реал даромадлари ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, бюджет ташкилотлари учун ижтимоий солиқ ставкасини **25 фоиз** миқдорида сақлаб қолиш пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар кўриб чиқилади:

Қўшилган қиймат солиғи бўйича "манфий" қолдиқни батафсил камерал ўрганишдан сўнг қайтариш ҳуқуқини бериш, шунингдек йирик солиқ тўловчилар ва экспортчилар учун уни қайтаришни соддалаштирилган тизими сақлаб колинади. Қайтариш бўйича тақдим қилинган мазкур хуқуқ қўшилган қиймат солиғини нейтраллигини таъминлайди. Корхонадаги салбий қўшилган қиймат солиғи миқдорининг мавжудлиги корхонанинг айланма маблағларининг камайишига ва бу корхонанинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Жаҳон амалиётида алоҳида тоифадаги солиқ тўловчиларга тўловни қайтариш бўйича соддалаштирилган тартиб қўлланилади;

Асосий воситаларни, шу жумладан кўчмас мулк объектларини сотиб олиш (қуриш) пайтида **бир марталик қўшилган қиймат солиғи** ҳисобга олишни назарда тутадиган тартибни жорий этиш (ҳозирда ҳисобга олиш тенг улушларда 12 ой давомида, кўчмас мулк объектлари бўйича эса 36 ой давомида амалга оширилади);

Давлат мулкларини сотиш ва ижарага беришда Давлат активларини сотиш ва ижарага бериш марказларига қўшилган қиймат солиғи тўлаш мажбуриятини юклаш тартибини жорий қилиш. Ушбу тартибни жорий қилиш хусусий секторга ижарага бериш бўйича тенг хуқуқли рақобат муҳитини яратиш имконини беради.

Тақдим қилинган ҳисоблаш ва тўлаш муддатларини қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда. Катта бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар (чораклик айланмаси 1 млрд. сўмдан юқори бўлмаган) учун **ҳисоботларни тақдим қилиш тартиби чоракликка** алмаштирилмоқда (амалда ҳар ой).

Акциз солиғи бўйича эса қуйидаги тадбирлар кўзда тутилмоқда:

1) 2020 йилнинг 1 апрелидан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акциз солиғи тўланадиган қуйидаги маҳсулотларга абсолют қийматларда белгиланган акциз солиғи миқдори:

суюлтирилган газ, бензин ва дизел ёқилғиси учун 23 фоизга,

сиқилган газ учун – 15 фоизга оширилади.

2) табиий газ учун акциз солиғи **20 фоиз**, суюлтирилган газ учун **30 фоиз** ва полиэтилен гранулалари учун **30 фоиз**, мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар учун акциз солиғи ставкаси **20 фоиз миқдорида сақлаб қолинади**.

3) алкоголь маҳсулотлари ва пиво учун акциз солиғи ставкалари икки марта ўртача 10 фоизга индексация қилиш, хусусан: **2020 йилнинг 1 апрелидан – ўртача 8 фоизга ва 2020 йилнинг 1 октябридан – ўртача 7 фоизга** ошириш таклиф этилмоқда.

19-расм

арақ	• 2020 йил 1 апрелдан - 107 800 сўм / дал • 2020 йил 1 октябрдан- 116 400 сўм / дал
коньяк	• 2020 йил 1 апрелдан - 109 100 сўм / дал • 2020 йил 1 октябрдан - 116 400 сўм / дал
табиий винолар	• 2020 йил 1 апрелдан - 8 300 сўм / дал
бошқа винолар	• 2020 йил 1 апрелдан - 15 700 сўм / дал • 2020 йил 1 октябрдан - 16 800 сўм / дал
этил спирти	• 2020 йил 1 апрелдан - 11 700 сўм / дал • 2020 йил 1 октябрдан - 12 500 сўм / дал
пиво	• 2020 йил 1 апрелдан - 11 700 сўм / дал
сигарет	• 2020 йил 1 апрелдан - 152 800 сўм / 1000 дона + 9 фоиз • 2020 йил 1 октябрдан - 163 500 сўм / 1000 дона + 9 фоиз
бензин ва дизель ёқилғиси **Суюлтирилган газ** **сиқилган газ**	• 2020 йил 1 апрелдан: • 285 сўм/ литрдан 350 сўм / литргача • 285 сўм/ литрдан 350 сўм / литргача • 435 сўм/ м3дан 500 сўм / м3гача

- қиммат сигаретлардан келиб тушадиган акциз солиғи ҳиссасини ошириш мақсадида адволор ставкани 9 фоиз миқдорида сақлаб қолиб, абсолют қийматда белгиланган акциз солиғи ставкасини икки марта 8 ва 7 фоизга индексациялаш кўзда тутилган.

1 км йўл учун ҳар хил турдаги ёқилғи турлари бўйича сарфи



Матиз

- Бензинда - 297 сум/км
- Суюлтирилган газда - 198 сум / км
- Сиқилган газда - 142 сум / км



Нексия

- Бензинда - 360 сум/км
- Суюлтирилган газда- 240 сум / км
- Сиқилган газда - 285 сум / км



Жентра

- Бензинда - 428 сум/км
- Суюлтирилган газда - 285 сум / км
- Сиқилган газда - 188 сум / км

Таклиф этилаётган ставкалар транспорт воситалари учун сиқилган газ ёқилғисининг самаралилигини сақлаб қолиш имконини беради.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида Давлат бюджетига қўшимча тушум ҳисоб-китобларга кўра **1,3 трлн. сўмни** ташкил этади;

Юқорида келтириб ўтилган тадбирлар қаторида 2020 йилнинг 1 январидан қуйидаги ўзгаришлар ҳам таклиф қилинмоқда:

а) бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти бўйича тушумлардан **20 фоиз** миқдорда ўрнатган ҳолда умумбелгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтказиш;

б) концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни умумбелгиланган солиқлар ёки айланмадан солиққа ўтказиш;

в) қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар учун фойда солиғини **“0” фоиз** миқдорида белгилаш. Бунда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ миқдори қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий баҳосидан 0,95 фоиз миқдорда ўрнатган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни солиққа тортишнинг қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий баҳосидан келиб чиқиб белгиланадиган тартиби сақлаб қолинади;

в) концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун бир вақтнинг ўзида ушбу фаолият билан шуғулланиш учун ҳуқуқлар бўйича давлат божлари миқдорини камайтирган ҳолда солиқ тўлашдан озод этиш бўйича имтиёзларни бекор қилиш.

Айланмадан солиқ бўйича жами солиқ суммасини маҳаллий бюджетга йўналтирган ҳолда 2019 йилдаги ставкалар (мол-мулкни ижарага бериш бўйича фаолиятдан ташқари) сақланиб қолинади. Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага беришдан иборат бўлган юридик шахслар учун айланмадан солиқ ставкаси **30 фоиздан 8 фоизга** камайтирилади.

Шу билан бирга, жорий йилда жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари нархини бозор нархларига яқинлаштириш мақсадида уни баҳолаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Кўчмас мулк турар жой бирликларининг кадастр қийматини аниқлаш тартибини тайёрлашда, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлмаган турар-жой мулкларининг кадастр (бозор) қийматини аниқлаш тартибини ишлаб чиқиш зарурлигига ҳам эътибор қаратилади.

Ҳозирги кунда мол-мулк солиғи бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланадиган кўчмас мулк объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати асосида ҳисобланади. Солиқ солинадиган базани кадастр қиймати асосида аниқлаш юридик шахслар мол-мулкининг ҳақиқий қийматидан келиб чиқиб солиқ солишнинг адолатлилигини таъминлайди.

Солиқ тўловчилар инвестицион фаолиятига салбий таъсирини камайтириш мақсадида, солиқ солиш объектидан ўз вақтида ўрнатилмаган ускуналар чиқариб ташлаш режалаштирилган.

Ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш учун қуйидагилар назарда тутилади:

а) ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 15 фоизга индексация қилиш;

б) айрим берилган имтиёзларнинг ўрнига алоҳида тоифадаги ер участкалари учун ер солиғи ставкаларига 0,1 миқдоридаги коэффициентни қўллаш;

в) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларида қуйидаги ўзгаришлар кўзда тутилмоқда:

саноат корхоналари учун белгиланган ставкани алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан бошқа мақсадларда ишлатиладиган сув ҳажми бўйича қўллаш;

алкоголсиз корхоналар учун белгиланган ставкани алкоголли ичимликлар, шу жумладан пиво ишлаб чиқарадиган корхоналарга қўллаш.

г) қуйидаги ҳолларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари базавий ставкадан 5 баравар кўп миқдорида белгилаш жорий қилинмоқда:

сувдан фойдаланиш ва ваколатли орган томонидан тасдиқланган сув истеъмоли лимитларидан ортиқча сув олишда (белгиланган ҳажмдан ошган қисми учун);

сув манбаларидан рухсатномасиз фойдаланилганда;

ер усти сувларидан автотранспорт воситаларини ювадиган корхоналар фойдаланганда.

Шуни таъкидлаш керакки, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳар йили индексация қилиш маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтиради, шунингдек давлат бюджетига тушумларнинг умумий ҳажмида ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ улушини сақлаб қолишни таъминлайди.

Тош (ошхона) тузи, доломит оҳактош, қурилиш қумлари, мармар майдаси (ушоғи), ғишт ва плитка хомашёлари, гипс, ангидрит, қумли тош, ҳарсанг тош ва майдаланган тошлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг, ҳисобланган солиқ суммаси кам бўлиши мумкин бўлмаган мутлақ миқдорлари 15 фоизга индексация қилинмоқда.

Цемент ишлаб чиқаришда муқобил (кўмир) ёқилғи ишлатадиганлар учун, оҳактош бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг 1 тоннаси учун белгиланган минимал миқдори икки баробарга камайтирилмоқда.

Табиий пардозлаш тошларидан қилинган блоклар, қум-шағал қоришмаси, оҳактош-чиғаноқтош, қумнинг 1 тоннаси учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг минимал миқдорларини киритиш кўзда тутилмоқда.

Бир хил турдаги фойдали қазилмани ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланишда ва сотишда тенг солиқ солиш шароитини яратиш мақсадида,

ишлаб чиқариш харажатлари асосида белгиланган солиқ базасини 20 фоизга ошириш таклиф қилинмоқда. Бунда, қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг бир қисми сотилиб, бошқа қисми қайта ишланган ёки ўз ишлаб чиқариш ёки маиший эҳтиёжлар учун ишлатилган тақдирда, солиқ солиш базаси қазиб олинган минералнинг ўртача тортилган сотиш қийматини умумий ҳажмига нисбатан қўллаш орқали аниқланади.

Мисол учун, амалдаги тартиб бўйича цемент хомашёсига ишлаб чиқариш таннархидан келиб чиққан ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинади. Солиқ базасини ишлаб чиқариш харажатларидан келиб чиққан ҳолда аниқлашнинг ўхшаш тартиби кенг тарқалган фойдали қазилмаларни саралаш, майдалаш шаклида қисман қайта ишлаш учун тақдим этилади. Бунда, заводларда ишлаб чиқариш таннархлари ҳар хил, бу солиқ солиш объектларининг камайтирилиши ҳолатларига олиб келади. Солиқ солинадиган объектнинг ўртача сотилган нарх асосида аниқланиши ер қаъридан қазилманинг таннархидан эмас балки сотишнинг нархига асосланишига олиб келади.

Ягона ер солиғини бекор қилиш таклифи муносабати билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни солиққа тортишнинг қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий баҳосидан келиб чиқиб солиққа тортишни сақлаб қолиш таклиф этилади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ерларни қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий қийматидан келиб чиққан ҳолда ер солиғини тўлашга ўтказиш таклиф қилинади. Ушбу меъёрнинг киритилиши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни солиққа тортиш учун тенг шароитларни таъминлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи бўйича солиққа тортиш масалаларида мол-мулк солиғи ставкасини кадастр қийматининг 0,2 фоизи миқдорида қолиши ва минимал кадастр қиймати сақланишини назарда тутади. Солиқ миқдорининг кескин ўсишига йўл қўймаслик учун 2019 йилда ҳисобланган солиқ миқдорига нисбатан **30 фоизга ўсиш чегараси белгиланган**.

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкни баҳолаш тартибини янада такомиллаштириш, улар бўйича мулк солиғини ҳисоблаш ва мулкнинг ҳақиқий қийматидан келиб чиққан ҳолда адолатли солиққа тортишни таъминлаш мақсадида, жорий йилда кўчмас мулк турар жойларининг кадастр қийматини аниқлашнинг амалдаги тартибини қайта кўриб чиқиш режалаштирилмоқда. Ушбу иш объектларнинг бозор қиймати, турар-жой фондининг жойлашиши, кўп қаватли биноларда квартираларнинг (қаватда, охирида) жойлашиши, эскириш даражаси ва бозор қийматининг шаклланишига таъсир кўрсатадиган бошқа омиллар каби баҳолаш объектининг базавий қийматига нисбатан нархларни аниқлаш омилларини қайта кўриб чиқишни ҳисобга олади.

Ушбу билан бир қаторда, таклиф этилаётган ўзгаришлар кўчмас мулкнинг якуний нархига таъсирини баҳолаш учун Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган кўчмас мулк мисолида, кўчмас мулк турар жойларининг кадастр қийматини аниқлаш тартиби синовдан ўтказилади.

Синов натижаларини инобатга олган ҳолда, турар жой фондидаги кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини аниқлашнинг амалдаги тартибини, уни босқичма-босқич амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади:

биринчи босқичда (2020-2021 йилларда) – Тошкент шаҳрига;

иккинчи босқичда (2021-2022) – республиканинг бошқа минтақаларига.

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришларнинг самаралари

1. Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 2019 йил 1 октябрдан 20 фоиздан 15 фоизга тушиши натижасида йиллик ҳисобда 10 трлн. сўм йўқотилади ва фойда солиғи ставкасининг 12 фоиздан 15 фоизгача оширилиши бюджетга тушумларни йиллик ҳисобда 1,9 трлн. сўмга (фойда солиғи) оширади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисобидан бўшаган маблағларни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ихтиёрида қолдирилиши нодавлат секторида инвестициялар ва истеъмолнинг кўпайишига, ўз навбатида иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилади.

Шунингдек, нархларни барқарорлашувига ижобий таъсир қилиб, нолегал оборот ҳажмини қисқартиришга шарт-шароит яратади.

Мазкур йўқотишлар қуйидагилар ҳисобига қопланади:

мавжуд имтиёзларнинг бекор қилиниши натижасида 6-7 трлн. сўм;

солиқ ва божхона маъмурчилигини кучайтириш бўйича топшириқлар оқибатида 5,4 трлн. сўм (2020 йил бюджетида ҳисобга олинган);

айрим турдаги акциз солиғи ставкаларини ошириш ҳисобига 1,3 трлн. сўм.

Қўшилган қиймат солиғи ставкасининг камайтирилиши, солиқ тўлашнинг барча босқичларида ё ҳар бир субъектнинг фойдасини оширади, ё солиқ тўлаш босқичларида нархларнинг пасайишига ва солиқ тўловчилар айланма маблағлари кўпайишига олиб келади.

2. Давлат улуши 50 ва ундан юқори бўлган корхоналарда ижтимоий солиқ ставкасининг 12 фоиз миқдорида ўрнатилиши Пенсия жамғармаси даромадларини 2,9 трлн. сўмга камайтиради.

Ижтимоий солиқ ставкасининг камайтирилиши давлат корхоналари маҳсулотлари ва хизматлари таннархининг камайишига олиб келади ва хусусий корхоналар билан бир муҳитда рақобат қилиш шароитини яратади. Бу эса Давлат корхоналарининг фойдасини ёки иш ҳақи фондини ошириш имконини беради.

3.2. Бюджет сиёсатининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари

Молия вазирлиги томонидан Халқаро молия институтлари билан биргаликда 2019-2023 йилларда **Давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш бўйича Стратегия** ишлаб чиқилиб, асосан фискал сиёсатни

жаҳон стандартларига мослаштириш ҳамда ўзида молия тизимидаги амалга оширилаётган барча стратегик дастурларни қамраб олган ягона норматив ҳужжат ҳисобланади.

Стратегиянинг таркибий қисмлари қуйидаги олтита асосий мақсадни белгилайди:

- бюджет устуворлигини ўрнатиш ва давлатнинг барча даражаларида жавобгарликни кучайтириш орқали бюджет жараёнидаги давлат ролини қайта кўриб чиқиш;
- бюджет маблағлари қамрови, таққосланиши ва яхлитлигини ошириш орқали давлат молияси тўғрисида ошкора ва тўлиқ маълумот билан таъминлаш;
- йиллик бюджетни мустаҳкамлаш ва давлат бюджетини ўрта муддатли бюджет базасини ривожлантириш ва бюджетлаштиришга ўтиш, натижаларга йўналтирилган, рискларни бошқариш, шунингдек давлат активлари ва мажбуриятларини бошқариш орқали бюджет-солиқ сиёсатига стратегик ёндашувни ишлаб чиқиш;
- фискал рискларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бошқаришни такомиллаштириш орқали рисклар, активлар ва мажбуриятларни бошқариш;
- бюджет ҳисоботи стандартларини бирлаштириш орқали фискал жавобгарлик ва ҳисобдорликни кучайтириш, ички назорат ва аудит функцияларини ривожлантириш ва давлатни молиявий жараёнининг ташқи назоратини кучайтириш, фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этишини таъминлаш;
- макроиқтисодий прогнозлар учун аниқ жавобгарлик, давлат харидлари шаффофлигини ошириш ва Парламентнинг ролини кучайтириш орқали институционал салоҳият ва қонунчилик базасини мустаҳкамлаш.

Фискал мақсадлар

2020 йилги Давлат бюджетини Молия вазирлиги Халқаро валюта жамғармаси экспертлари билан келишилган ҳолда жаҳон стандартларига мос равишда ишлаб чиқди ва бу давлатнинг молия-иқтисодиёт тизимини ҳақиқий имкониятлари ва аҳволини тўғри акс эттиради.

Хусусан, давлат бошқарув сектори бюджетини тўлиқ акс эттириш мақсадида, келгуси йилдан умумий фискал баланс кўрсаткичи киритилиб, бу ўз ичига Ўзбекистон Республикаси Консолидациялашган бюджети балансини ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган ташқи қарз ҳисобига Давлат дастурларини амалга оширишга йўналтирилган харажатларни олади.

Шу билан бирга давлат қарзининг асосий қисмини қоплаш Давлат бюджети харажатлари эмас балки молиявий жараён (яъни, давлат мажбуриятини камайиши) ҳисобланиб, харажатларни 2 марта акс эттирмаслик мақсадида харажатларда кўрсатилмаяпти.

Натижада 2020 йилда умумий фискал баланс параметрлари ЯИМга нисбатан 2,7 фоиз дефицит билан режалаштирилмоқда. 2021-2022 йилларда эса дефицит миқдори тегишинча 2,1 ва 1,5 фоизга камайиши прогноз қилинган бўлиб, бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, инфляция кўрсаткичига фискал омилларни салбий таъсирини бартараф этади.

Умумий фискал дефицитни камайтирилиши Давлат молия тизимини барқарорлигини таъминлаш, сўнгги йилларда юритилган проциклик фискал сиёсатни ўрта муддатли даврда макроиқтисодий барқарорликга (яъни, инфляция, миллий валюта курси, жорий тўлов балансига) салбий таъсирини олдини олиш имконини беради.

Консолидациялашган бюджет тақчиллиги 2020 йилда 0,5 фоиз бўлиши режалаштирилган бўлиб, 2019 йилги кутилаётган бюджет тақчиллигига нисбатан (1,3 фоиз) камайган. Бюджет тақчиллиги давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларнинг йил бошига маблағлари, ички ғазначилик облигацияларини чиқариш, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун бериладиган чет эл имтиёзли кредитлари ҳисобига қопланади.

Бундан ташқари, Давлат қарзини кескин ошиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида, 2020 йилда Давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинган (ўзлаштирилган) ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тасдиқланади.

Шу билан бирга, консолидациялашган бюджет баланслилигини сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурсларини фақат унинг даромадлари доирасида ажратиш белгиланган.

Шунингдек, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг стратегик маҳсулотларни сотишдан тушадиган даромадларини Давлат бюджетига йўналтириш кўзда тутилмоқда.

2020-2022 йилларга Давлат қарзи сиёсати

Янги ташқи қарз жалб қилинмаган ҳолатда шу кунгача имзоланган шартномалар бўйича маблағларнинг ўзлаштирилиши натижасида давлат ташқи қарзи 2019 йил якунида 15,0 млрд. АҚШ долларини (ЯИМга нисбатан 25,4 фоиз), 2020 йил охирида 20,6 млрд. АҚШ долларини (ЯИМга нисбатан 29,5 фоиз) ташкил этади.

Давлатнинг умумий қарзи эса (давлат ички қарзи билан биргаликда) 2021 йилга келиб 27,3 млрд. АҚШ долларини (ЯИМга нисбатан 34,2 фоиз) ташкил этиши кутилмоқда.

2020-2022 йилларда янги имзоланадиган давлат ташқи қарз шартномаларининг йиллик жами ҳажми 4 млрд. АҚШ доллари билан чегараланган тақдирда 2022 йилда давлат қарзи ЯИМга нисбатан 44-45 фоизгача етиши прогноз қилинмоқда.

Бюджет сиёсатининг устувор йўналишлари

1. 2020 йилдан бошлаб, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари **Ўзбекистон Республикаси қонуни шаклида тасдиқланди.**

Қонуннинг устунлиги шундаки, Олий Мажлис палаталари вазирлик ва идоралар бўйича тақсимланган ажратмаларни тасдиқлашди, уларга бюджетдан аниқ белгиланган ҳолда ажратилган маблағларни сарфлаш ҳуқуқини беради. Бу эса вазирликларнинг тегишли тармоқни ривожлантириш бўйича ваколатларини кенгайтиради ҳамда уларнинг Парламент олдидаги маблағларни самарали ишлатилиши устидан жавобгарлигини оширади.

Бюджет маблағларини тақсимловчиларини бюджетларига киритиладиган ўзгаришлар Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилади, шу билан бир қаторда бюджет интизоми мустаҳкамланади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари ўртасида бюджетга 10 фоизгача ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган Парламент ажратмаларига 10 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда тузатишлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади, иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар ва бошқа харажатларнинг индексация маблағларини қайта тақсимлаш бундан мустасно.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг умумий харажатларини 3 фоизидан юқори миқдорларда камайтириш ёки кўпайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамаси таклифига биноан амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

2. **2020 йилдан ўрта муддатли бюджетлаштириш тизимини такомиллаштириш** бўйича олдинги йиллардаги ишлар давом эттирилади.

Хусусан:

а) **Фискал сиёсатни стратегик ёндашув асосида ишлаб чиқиш орқали** йиллик бюджетлаштириш тизими кучайтирилади. Бунда, бюджетни шакллантиришда, яъни макроиқтисодий кўрсаткичларни ва бюджет даромадларини сифатли прогноз қилишда “пастдан-юқорига” қоидасига амал қилинади.

б) **Бюджетнинг чегаравий миқдорлари тизимини жорий этиш** орқали бюджет жараёни бошида вазирлик ва идораларга келгуси йилги бюджетларини шакллантириш учун белгилаб бериладиган бюджетнинг чегараланган лимитлари белгиланади.

в) Парламент томонидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратмаларни тақсимлаш тизимини жорий қилиниши сабабли вазирликлар ва бошқа муассасаларнинг бюджет жараёнидаги сонини гуруҳлаш таклиф этилади.

Бунинг учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли идоралар билан келишилган ҳолда вазирлик ва идораларни тармоқ бўйича бўйсунуви ва иш фаолиятидан келиб чиқиб, **биринчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида гуруҳлаш** ҳисобида Бюджет тақсимловчилари сонини мақбуллаштириш таклиф этилади. Масалан, илгари бюджетдан 300 тага яқин бюджет тақсимловчилари бўлган бўлса, (жаҳон тажрибасини инобатга олиб) уларнинг сонини 56 тагача гуруҳлаш амалга оширилади.

г) Бундан ташқари, халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда **бюджет календарига ўзгартириш киритиш** таклиф этилмоқда.

Бунга асосан бюджет жараёни май ойида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан тақдим этилган келгуси уч йиллик учун макроиқтисодий кўрсаткичлар дастлабки прогнозига асосан Давлат бюджети даромадлар прогнози ишлаб чиқилиб, давлат қарзи стратегиясига асосан бюджетнинг чегараланган имкониятлари (Budget Envelope) ҳисоблаб чиқилади.

Молия вазирлиги тегишли вазирликлар билан биргаликда бюджет харажатларининг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, келгуси уч йиллик муддатга мўлжалланган Фискал стратегияни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига 1 июнгача киритади ҳамда 15 июнга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Молия вазирлиги 15 июнда биринчи даражали бюджет тақсимловчиларга бюджетни чегаравий миқдорини (Бюджетный потолок) етказади.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари ўзи бўйсунувидаги бюджет ташкилотлар ҳамда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар лимитларини тақсимлаб, “УзАСБО” ахборот дастурида бюджет лойиҳасини шакллантирадилар ҳамда 15 июлга қадар Молия вазирлигига тақдим этадилар. Бунда биринчи даражали бюджет тақсимловчилар бюджет маблағларини қуйи бюджет ташкилотлар бўйича тўғри тақсимлаш учун масъул ҳисобланади.

Молия вазирлиги биринчи даражали бюджет тақсимловчиларининг бюджет сўровлари ва янгиланган макроиқтисодий прогнозларга асосан бюджет параметрларини шакллантиради ҳамда 15 сентябрга қадар Вазирлар Маҳкамасига келгуси йил учун бюджет Қонуни лойиҳасини ва Бюджетномани тақдим қилади.

д) 2020 йилдан бошлаб, **Давлат бюджети харажатлари** олдинги йиллардан фарқли ўлароқ соҳалар ва тармоқлар кесимида эмас балки халқаро тажрибага мувофиқ **харажатларнинг функционал кўринишда жорий этилади,** буни қуйидаги жадвалда кўришингиз мумкин.

7-жадвал

2020 йил учун Давлат бюджети харажатларини вазифа жиҳатидан таснифи (млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	131 104,5
1	Таълим	35 489,2
2	Соғлиқни сақлаш	14 884,9
3	Ижтимоий ҳимоя	18 030,7
4	Иқтисодий масалалар	17 885,4
5	Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари	14 566,3
6	Уй-жой ва коммунал хизматлар	3 119,0
7	Дам олиш, маданият, спорт ва дин	2 893,6
8	Жамоат тартиби ва хавфсизлиги	1 821,2
9	Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	269,1
10	Бошқалар	22 145,0

3. Келгуси йилдан бошлаб, бюджет тузиш жараёни, вазирлик ва идоралар томонидан амалга ошириладиган бюджет буюртманомаларини шакллантириш ва бюджет мўлжалларини тасдиқлашда автоматлаштирилган тизим яратиш, бунда “ЎзАСБО” ва “ДМБАТ” дастурий мажмуаларини интеграциялаштириш орқали амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Тақдим этилган бюджет мўлжалларини, бюджет тақисимловчилари томонидан бюджетни тақсимлаш ва тасдиқлаш автоматлаштирилган тизим орқали амалга оширилади.

4. Қуйидагиларни кўзда тутувчи **бюджетлараро муносабатларнинг янги тизимини жорий этиш** таклиф қилинади:

Республика бюджети харажатлари ҳамда бюджетлараро трансфертлар ҳажми – Олий Мажлис томонидан тасдиқланади;

Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланади.

Биринчи босқичда, яъни Олий Мажлис палаталари томонидан 2020 йил бюджетини тасдиқлашда, маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатларининг умумий ҳажмлари маълумот учун қабул қилинади.

Бюджет маблағлари тақсимловчиларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари ҳажми, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджет параметрлари тасдиқланган ҳолда,

жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади;

Маҳаллий бюджетнинг харажатлар бўйича мажбуриятларининг бажарилмаслик хавфини туғдирмайдиган ҳамда жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти билан боғлиқ солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича харажатлари бўйича ваколатлар маҳаллий бюджетларга тақсимланади ва бириктирилади.

Туман ва шаҳарлар бюджетларига жисмоний шахслар томонидан тўланадиган ер солиғи, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мулк солиғи, жисмоний шахслар томонидан олинадиган даромад солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар тўлиқ хажмда кирим қилинади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги тушумлар тўлиқ хажмда кирим қилинади:

а) юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станциялари томонидан тўланадиган), бензин, дизель ва сиқилган газ маҳсулотининг чакана савдоси учун акциз солиғи, давлат божлари (патент учун бож ва давлат томонидан лицензия бериш учун бождан ташқари), Давлат бюджетига ўтказиладиган жарима ва йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари), давлат фойдасига ўтказилган товар ва моддий активлар, қонунчиликда белгиланган, давлат мулкини хусусийлаштиришдан ва ижарага беришдан олинган даромадлар, транспорт воситаси сотиб олинганлиги учун йиғим.

б) қўшилган қиймат солиғи (йирик солиқ тўловчилардан ташқари) ва фойда солиғи (йирик солиқ тўловчилардан, норезидентлардан ташқари) бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисмининг 100 фоизи.

в) фойда солиғидан Тошкент вилоятида 34 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз ва бошқа ҳудудларда эса 100 фоиз тушумлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилади. Ушбу тушумларнинг прогноздан орттириб бажарилган қисми эса тўлиғича худудларга қолдирилади.

г) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан Навоий вилоятида 70 фоиз, Тошкент вилоятида 34 фоиз, Тошкент шаҳрида 5 фоиз ва бошқа ҳудудларда эса 100 фоиз тушумлар маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирилади. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича ҳам прогноздан орттириб бажарилган қисми тўлиқ маҳаллий бюджетларда қолдирилади.

д) абонентлар сонидан келиб чиққан ҳолда мобил алоқа хизмати учун акциз солиғи ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда ва пиво маҳсулотини ҳисобга олган ҳолда алкогол маҳсулотлари учун акциз солиғи. Бунда абонентлар ва аҳоли сони 2019 йил 1 июль ҳолатига қабул қилинади.

2020 йилда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида харажат ваколатлари бўйича қуйидаги бюджет сиёсати амалга оширилади:

умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан, тўртинчи гуруҳ бўйича харажатлар туман ва шаҳарларнинг тегишли бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

баъзи харажатлар бўйича ваколатларни юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга ўтказиш. Жумладан, умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари; Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармалари ҳамда Қарши магистраль каналининг эксплуатация бошқармаси ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкилий тизимига кирувчи иссиқлик қуввати ташкилотларининг қозонхоналари ва иссиқлик қуввати тизимларини капитал таъмири Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан амалга оширилади;

бундан ташқари, тажриба тариқасида Тошкент шаҳридаги умумтаълим ва мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

жойлардаги маҳаллий хокимият органлари ташаббуси билан ўтказиладиган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шаҳар ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилади.

Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги томонидан республика бюджети маблағлари ҳисобидан умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ бўйича харажатларини молиялаштириш тизимига ўтишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

тизимдаги муассасаларни молиялаштиришда Республика бўйича ягона ёндашув амал қилади, ажратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат кучаяди;

тегишли вазирлик томонидан Республика мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида кадрлар сиёсатини бошқариш имкони бўлади;

иш ҳақи ва иш ҳақига нисбатан ажратмалар ўз вақтида молиялаштирилади

назорат Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги

томонидан автоматлаштирилган тизимда амалга оширилади ва бунинг натижасида иш ҳақи ҳисоб-китобларидаги хатоликлар бартараф этилади;

молия ва ғазначилик органларининг трансферт ўтказмалари билан боғлиқ операцион функциялари қисқаради;

Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги томонидан маблағлар етишмовчилиги юзага келганда лимитларни бир тумандан иккинчисига маълум бир қоидалар асосида тезкор ўтказиш имкони юзага келади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари мустақиллигини ошириш ва келгуси йиллардан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларини тузиш жараёнини мустақиллигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар юзасидан 2020 йилдан бошлаб бюджетлараро трансфертлар тизимига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси бюджетидан маҳаллий бюджетларга туман ва шаҳар бюджетидан молиялаштирилувчи мактабгача таълим, умум таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни молиялаштириш учун ижтимоий трансфертлар ажратилмоқда ва ушбу трансфертлар мактабгача таълим, умум таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига мутаносиб равишда ажритилади.

Яъни йил якуни бўйича маълум бир сабабга кўра молиялаштирилмаган харажатларга тенг улушларда ижтимоий трансфертлар суммалари ҳам камайтирилиши кўзда тутилган.

2020 йилдан бошлаб эса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарқни қоплаш учун тартибга солувчи трансфертлар ажратилади ва ушбу трансфертлар миқдорларини камайтирилишига йўл қўйилмайди.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланиши

Давлат молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан яна бири бу ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларига мувофиқ 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети илк бор вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланмоқда.

Бунда, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг келгуси 2020 йилда амалга ошириши кўзда тутилган харажатлари Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланади. Мисол учун, бу ерда йирик бюджет маблағларининг тақсимловчиларининг республика бюджетида маблағ олувчи тармоқ ташкилотларининг сақлаш харажатлари, объектларни лойиҳалаштириш,

қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар (кейинги ўринларда – капитал қўйилмалар деб юритилади), ушбу вазирлик қошидаги Давлат мақсадли жамғармаларга ажратиладиган трансфертлар миқдори кўрсатилади.

Сақлаш харажатлари қаторида вазирлик, идоралар ва республика бюджетидан маблағ олувчи ушбу вазирлик ва идорага тегишли ташкилотларнинг жорий сақлаш харажатлари, жумладан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, биноларни сақлаш (жорий таъмирлаш, коммунал тўловлар, қўриқлаш хизмати ва бошқа) харажатлари, асосий воситалар сотиб олиш харажатлари ва бошқа тўловлар киритилади.

Капитал қўйилмалар қаторида эса 2020 йил учун шакллантирилган ва тасдиқланган инвестиция дастури доирасида ушбу вазирлик ёки унинг тасарруфидаги республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлари учун қанча маблағ қўзда тутилганлиги кўрсатилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари қаторида ушбу Давлат мақсадли жамғармаларининг келгуси молия йилида амалга ошириши белгиланган харажатлари акс эттирилади.

Иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (тармоқ вазирликларига қарашли йўналишлар бўйича) кесимида ажратилган маблағлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бу эса, ўз навбатида, келгусида дастурли режалаштириш, тармоқ вазирликлари томонидан белгилаб олинган режа ва дастурларни қай даражада амалга оширганликлари ва улар учун ажратилган мабағларнинг етарли ёки етарли эмаслиги тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ шакллантириш имконини беради.

Ушбу механизм жорий этилгандан сўнг барча вазирлик ва идоралар ўзларига ажратилган маблағларнинг ижроси (қандай мақсадларга, қайси дастурларга йўналтирилганлиги) ва бунинг натижасида эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида бир йилда камида бир маротаба Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобот берадилар.

Бу орқали эндиликда вазирлик ва идоралар ўз тармоқ ташкилотлари орасида жами харажатларнинг жами миқдорини ўзгартирмаган ҳолда бир ташкилотдан иккинчи бир ташкилотга маблағларни ўзгартириш ваколати ҳам жорий этилмоқда.

Бюджет соҳаси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш.

Халқаро валюта жамғармасининг тавсияларига мувофиқ, инфляция ўсишини ушлаб туриш, шунингдек фуқароларнинг харид қобилиятини 2020 йилги бюджет параметрлари прогнозлари доирасида ушлаб туриш учун **бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини инфляция даражасида** ошириш назарда тутилмоқда.

3.3. 2020-2022 йилларда юзага келиши мумкин бўлган фискал рисклар

Солиқ юкини пасайтириш, иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш харажатларини оширишни кўзда тутувчи солиқ-бюджет сиёсати соҳасида кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар, бунинг натижасида давлат қарзининг ва тўлов баланси дефицитининг ошиши ўрта муддатли истиқболда бюджет тизими барқарорлигининг ҳар хил рисклари пайдо бўлишига олиб келади.

Макроиқтисодий ривожланишнинг пессимистик сценарийси тести бюджет тизими барқарорлигининг ёмонлашувига, тақчилликнинг чегаравий миқдори ва давлат қарзи ошишига олиб келувчи қуйидаги фискал рискларни кўрсатди:

1. Экспорт маҳсулотлари нархининг пасайиш риски. Асосий экспорт маҳсулотларидан бири ҳисобланган табиий газ нархининг 1 фоизга арзонлашуви 155 млрд. сўм, миснинг тоннаси 100 АҚШ долларига арзонлашуви йиллик 70 млрд. сўм, олтиннинг бир унцияси 10 АҚШ долларига арзонлашуви 283 млрд. сўм бюджет тушумини пасайтиради.

2. Миллий валюта девальвацияси.

Валюта курсининг ойига 100 сўмга мустаҳкамланиши (заифлашиши) Давлат бюджети даромадларининг 38 млрд. сўмга камайишига (ошишига), импорт пасайиши ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошиши ҳисобига тўлов балансининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Шунинг билан бирга, девальвация инфляциянинг тезлашиши, банк-молия тизимида рискларнинг кучайиши каби бошқа аҳамиятга эга бўлган салбий ҳодисаларга олиб келади.

10 фоизлик девальвация инфляциянинг 2,4-2,7 фоизлик бандга ошишига олиб келиб, компенсация харажатларига (иш ҳақининг инфляция даражасида оширилиши ва бошқа харажатлар индексацияси) бюджетдан қўшимча 257 млрд. сўм маблағ талаб этилади.

3. Монетар ва фискал чора-тадбирлар натижасида инфляциянинг прогноз қилинган 12,5-13 фоиздан ошиши.

Инфляция бюджет тушумларига асосан фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш базаси ўзгариши ҳисобига таъсир кўрсатади.

Масалан, инфляциянинг 1 фоизлик бандга ўсиши Давлат бюджети даромадларининг 240 млрд. сўм атрофида ошишига олиб келади (базанинг инфляция ўзгаришига эгилувчан эмаслиги). Лекин истеъмол товарлари хизматлари нархининг ошиши бюджет харажатларини оширишни ҳам тақазо қилади.

4. “Хуфиёна иқтисодиёт”нинг ўсиши. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинди. Бу эса

Давлат бюджетига тушадиган тушумларнинг кўпайишига олиб келади ва 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасида 10,2 трлн. сўм солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш ҳисобига тушади деб прогнозлаштирилган.

Агар мазкур товарлар импортининг 20 фоизи “норасмий сектор”га ўтиб кетадиган бўлса, Давлат бюджетига 2 трлн. сўмга яқин маблағ тушмай қолиши мумкин.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 5,2 трлн. сўмга яқин қўшилган қиймат солиғи ва 2,5 трлн. сўм фойда солиғи олиш прогноз қилинмоқда. Агар, йиллик оборотни камайтириш мақсадида мазкур тўловчиларнинг 10 фоизи ўз оборотларини яширадиган бўлса, у ҳолда 800 млрд. сўмга яқин маблағ бюджетга тушмай қолиши мумкин.

5. Ҳукуматнинг ҳар хил бюджет соҳаси ва жорий харажатларни оширишни ислоҳ қилиш бўйича мажбуриятларини ошириш.

Иқтисодиёт ривожланишининг ҳар хил сценарийларида фискал рискларни пасайтириш учун Концепцияда бюджет тизими барқарорлиги рискларини пасайтириш ва узоқ муддатли даврда мамлакат молия тизими беқарорлашининг олдини олиш имконини берувчи бюджет қоидаларини киритиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Давлат кафолатлари

Ҳукумат томонидан давлат корхоналарининг, биринчи навбатда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинган айрим маблағларига давлат кафолати берилган. Шундан аксарият қисми давлат корхоналари томонидан икки томонлама кредиторлардан ва тижорат банкларидан олинган чет эл маблағларига берилган кафолатлар ҳисобланади. Ҳар хил давлат корхоналари томонидан четдан жалб қилинган маблағларга 80 тага яқин давлат кафолатлари берилган бўлиб, шундан 27 таси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 1-ярим йиллигида ички қарздорликлар бўйича берилган кафолатлар ҳажми 34 трлн. сўмни ташкил этиб, ички кафолатлар асосан давлат корхоналарининг (ОТМК, Ўзбекнефтгаз, Ўзкимёсаноат, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат корхонаси ва бошқалар) Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда республиканинг тижорат банклари олдидаги қарздорликлари бўйича тақдим этилган.

Молия секторига таъсири

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкнинг банк операцияларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензияси чақириб олинган тақдирда, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси фуқароларнинг банклардаги депозитлари учун компенсация тўланишини кафолатлайди.

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармасида республиканинг 27 та тижорат банки қатнашади. Ушбу банкларда фуқаролар томонидан жойлаштирилган барча омонатлар чегарасиз кафолатланади. Бундан ташқари, АТ “Халқ банки”да жойлаштирилган барча депозитлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланади. 2019 йил охирига Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси ва АТ “Халқ банки” томонидан кафолатланган депозитларнинг жами суммаси 68,2 трлн. сўмни ёки ЯИМга нисбатан қарийб 24 фоизни ташкил этган. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси маблағлари компенсацияларни қаноатлантиришга етмаган тақдирда, Ҳукумат томонидан жамғарма тақчиллигини қоплаш учун, кейинчалик жамғармага тушган даромадлардан қайтариш шарти билан кредит маблағлари ажратилади. Ҳозирги вақтгача Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан фуқароларга компенсация тўлаш ҳолатлари кузатилмаган.

8-жадвал

Банкларнинг молиявий барқарорлик индикаторлари

Индикатор	2019	2020 (2-чорак)
Рискларни ҳисобга олган ҳолда, активларга пухта ўйланган норматив капитал	18,8	15,8
Захираларни ҳисобга олмаганда ишламаётган кредитлар	2,95	4,6
Активлар қайтарилиши	1,9	1,6
Ўз капитали рентабеллиги	17,1	12,3
Қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича активлар ликвидлилиги	55,65	40,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.

Молиявий барқарорлик индикаторлари Ўзбекистон банкларининг яхши капиталлашганлигини ва даромадлилигини кўрсатади. Ишламаётган кредитлар бошқа давлатларга солиштирганда паст даражада бўлиб, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти эса, умуман олганда энг кам норматив талаблардан анча юқори.

Давлат қарзи рисклари

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳамда унинг давлат қарзи ҳажмига таъсир этувчи қуйидаги ташқи ва ички рисклар мавжуд:

1. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо ҳамкорларидаги иқтисодий ўсишининг пасайиши импортга (Ўзбекистон Республикаси экспортига) бўлган талабнинг пасайиши, хориждан пул жўнатмалари ҳажмининг камайиши, валюта айирбошлаш курсининг қадрсизланиши, мамлакат иқтисодий ўсишининг секинлашуви, давлат бюджети даромадларининг камайишига олиб келади.

Бу, Ҳукуматнинг қарзга бўлган эҳтиёжи ортишига олиб келади.

2. Жаҳон бозорларида хомашё маҳсулотлари нархининг пасайиши. Асосий хомашё маҳсулотлари нархларининг пасайиши Давлат бюджети тушумларининг камайиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг секинлашувига олиб келади. Бу, ўз навбатида, Ҳукуматнинг қарзга бўлган эҳтиёжи ортишига олиб келади.

3. Давлат қарзининг 99,2 фоизи хорижий валюта эканлиги (2019 йилнинг 1 июль ҳолатига) ҳамда салмоқли улуши ўзгарувчан фоиз ставкаларга эга эканлигини ҳисобга олиб, сўмни айирбошлаш курсининг кескин равишда қадрсизланиши ва инфляциянинг ортиб бориши давлат ички ва ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатларининг ортишига сабаб бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафиллиги остида жалб қилинган давлат қарзи бўйича тўловларнинг кечиктириб амалга оширилиши ёки амалга оширилмаслиги. Ўзбекистон Республикаси кафиллиги остида жалб қилинган давлат қарзи жами давлат қарзининг 49,5 фоизини ташкил этади (2019 йилнинг 1 июль ҳолатига). Мазкур қарзлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шартли қарзлари ҳисобланади.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи ҳажмига таъсир этувчи хатарлар

Хатарлар	Хатарларнинг амалга ошиши эҳтимоли	Хатарларнинг амалга ошиши даври	Давлат қарзини бошқариш стратегиясига боғлиқлиги
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши суръати			
Глобал иқтисодиётнинг паст суръатларда ўсиши	Ўртача	Ўрта муддатда	Давлат бюджети харажатларининг қўшимча равишда ортишига олиб келиши мумкин
Инфляция даражаси			
Иқтисодиётга кредитларнинг ортиб бориши давом этиши	Ўртача	Ўрта муддатда	Давлат қарзига хизмат қилиш харажатларининг ортиши
Фискал хатарлар			
Солиқ ислоҳотлари етарли даражада давлат бюджети тушумларини таъминлаб бера олмаслиги	Паст	Ўрта муддатда	Давлат бюджети даромадларининг харажатларига нисбатан секинроқ ўсиши ҳукуматнинг қарзга бўлган эҳтиёжини ортишига олиб келиши мумкин
Тўлов баланси			
Хомашё нархларининг тушиши, глобал молиявий ҳолатнинг кескинлашуви ва савдо протекционизми	Ўртача-Юқори	Қисқа муддатдан ўрта муддатгача	Хорижий кредитларни жалб қилиш қимматлашиши мумкин
Шартли қарздорликлар			
Давлат улушига эга банклар ва корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий ҳолати салбий ўзгариши. Давлат улушига эга корхоналар ислоҳотининг кутилганидек натижага эга бўлмаслиги	Ўртача	Ўрта муддатда	Фискал харажатларнинг ортишига олиб келиши мумкин (банкларни қайта капитализациялаш, капитал инъекцияси, давлат корхоналарига субсидиялар ва ҳоказо)

IV. Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020-2022 йиллардаги параметрлари

4.1. Давлат бюджети даромадларининг 2020 йилги параметрлари ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари

Давлат бюджетининг 2020 йилги даромад қисми лойиҳаси қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди:

ЯИМнинг 5,5 фоизга ўсишини ва унинг 653,5 трлн. сўмгача етказилишини назарда тутувчи республиканинг 2020 йилга ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогнозини;

- солиқ тизимининг кейинги жадал ривожланишини ва ялпи солиқ юкининг 28,0 фоиздан 24,4 фоизгача, шу жумладан, Давлат бюджети бўйича 21,5 фоиздан 19,8 фоизгача тушишини таъминловчи 2020 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларини;

- солиқларни ундиришнинг амалиётда синалган принциплари ва ёндашишларига ҳамда бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибасига асосланган янги Солиқ кодексини жорий этишдан кутилаётган натижаларини;

- алоҳида турдаги стратегик товарларнинг жаҳон бозоларидаги нархлар прогнозини;

- тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этилган айрим турдаги товарларнинг режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ҳажмларини;

- 2020 йил 1 январдан киритилаётган солиқ назоратининг янги шакл ва усуллари, шунингдек солиқ маъмуриятчилигининг янги механизмларини;

- солиқ ва божхона имтиёзларини, шу жумладан қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни бекор қилишни.


Консолидациялашган бюджет даромадлари 2020 йилда 159,0 трлн. сўм ёки ЯИМга нисбатан 24,3 фоиз даражасида (2019 йилда – 146,4 трлн. сўм ёки ЯИМга нисбатан 27,9 фоизи) прогноз қилинмоқда. Консолидациялашган бюджет даромадларининг ЯИМга нисбатан улушининг пасайиши, ҚҚСнинг 15 фоизгача пасайтирилиши, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг тенглаштирилиши билан боғлиқ.

Давлат бюджетининг даромадлари 2020 йилда 128,5 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 19,7 фоизини ташкил этиши прогнозлаштирилмоқда. (2019 йилда – 112,3 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 21,4 фоизи).

Давлат бюджети даромадларининг ўсиш динамикаси ва солиқ юкининг пасайиши қуйидагича кўринишда намоён бўлмоқда:

20-расм

Давлат бюджети даромадларининг ўсиши ва солиқ юкининг пасайиш динамикаси




1) даромадлар манбалари кесимида, тушуми суммаси 58,2 трлн. сўмни ташкил қилиши кутилаётган, давлат бюджети умумий даромадларининг 45,1 фоизини ёки ЯИМга нисбатан 8,9 фоизини ташкил қиладиган билвосита солиқларнинг устунлик улуши сақланиб қолинмоқда. (2019 йилда – 50,5 трлн. сўм ёки ЯИМга нисбатан 9,6 фоиз). Таъкидлаш жоизки, билвосита солиқларнинг ЯИМга нисбатан улуши тушиш тенденциясига эга. Яъни, билвосита солиқларнинг 2018 йилда ЯИМга нисбатан улуши 9,7 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 9,6 фоиз бўлиши ва 2020 йилда ушбу кўрсаткич 8,9 фоиз даражада прогноз қилинмоқда.

Билвосита солиқлар бўйича асосий тушумлар 44,2 трлн. сўм миқдоридаги қўшилган қиймат солиғи бўйича кутилмоқда. (билвосита солиқлар бўйича умумий тушумлардаги улуши – 75,9 фоиз)

21-расм

2020 йилда билвосита солиқлар таркиби (млрд. сўм)




Билвосита солиқлар бўйича кутилаётган тушумларни баҳолашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинди:

а) **Қўшилган қиймат солиғи бўйича.** Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар прогнозини ҳисоблашда 1 млрд. сўм миқдордаги товар айланмаси чегарасини жорий қилиниши, шунингдек солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши ҳисобидан тўловчилар сонининг ўсиши натижасида солиқ солинадиган базанинг кенгайиши ҳисобга олинади. Шу билан бирга, имтиёзларни бекор қилиш натижасида қўшимча тушумлар 7,5 трлн. сўм миқдорда баҳоланмоқда.

Шу билан бирга, қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 15 фоиз миқдорида сақлаб қолинади ва бу, 20 фоиз ставкадаги тушумларга нисбатан бюджет даромадларининг 10,4 трлн. сўмга камайишига олиб келади.

Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари қуйидагича белгиланмоқда.

22-расм

	**Алкоголь маҳсулотлари – 1 541 млрд. сўм**
	**Сигаретлар – 1 468 млрд. сўм**
	**Газ – 3 846 млрд. сўм**
	**Полиэтилен гранулалар – 232 млрд. сўм**
	**Мобиль алоқа хизматлари кўрсатиш – 964 млрд. сўм**
	**Охирги истеъмолчига бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилиш – 2 360 млрд. сўм**

Божхона тўлови бўйича прогноз кўрсаткичлари суммасига импорт ҳажмларининг прогноз қилинаётган 7,5 фоизга ўсиши ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Божхона тўловларидан олинадиган даромадларни ҳисоблашда, маълум бир товарлар гуруҳи учун ставкаларни ошиши ҳисобга олинган.


2) Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 2020 йилда 41,1 трлн. сўм (Давлат бюджети даромадларидаги улуши 31,8 фоиз), шу жумладан: фойда солиғи – 22,4 трлн. сўм (17,4 фоиз), ягона солиқ тўлови – 2,6 трлн. сўм (2,0 фоиз),

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 16,1 трлн. сўм (12,4 фоиз) миқдорида кутилмоқда.

Бевосита солиқ бўйича тушумларни ҳисоблашда кутилаётган иқтисодий ўсиш, янги ишлаб чиқаришларни ишга тушириш ва иш ҳақининг юқори бўлиши каби омиллар ҳисобга олинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Давлат бюджетининг даромад қисми лойиҳасида 2020 йилдан бошлаб ягона солиқ тўловини Давлат бюджетига тўлиқ ҳажмда (илгари Давлат бюджети, Пенсия жамғармаси, Ёшлар иттифоқи ва касаба уюшмаси ўртасида тақсимланган) тақсимлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган даромад солиғи (қатъий белгиланган солиқ ўрнига жорий қилинган) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига киритилган.

23-расм



Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи

2018 йил – 6,4 трлн. сўм
2019 йил – 12,7 трлн. сўм
2020 йил – 16,1 трлн. сўм

Ягона солиқ тўлови

2018 йил – 4,7 трлн. сўм
2019 йил – 2,1 трлн. сўм
2020 йил – 2,6 трлн. сўм


Юридик шахсларнинг фойда солиғи

2018 йил – 3,3 трлн. сўм
2019 йил – 16,4 трлн. сўм
2020 йил – 22,1 трлн. сўм

3) Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 20,9 трлн. сўмга ёки Давлат бюджети даромадларининг 16,2 фоизи миқдорида прогноз қилинмоқда.

2020 йилда мулк солиғи бўйича тушумлар 2,4 трлн. сўм (умумий даромаддаги улуши 1,9 фоиз), ер солиғи бўйича 2,3 трлн. сўм (1,8 фоиз) миқдорида кутилмоқда. Ушбу манбалардан тушадиган даромадларнинг кўпайиши ер солиғи ставкаларини ҳар йили индексация қилиш, шунингдек юридик шахсларга илгари берилган имтиёзлар ўрнига пасайтирилган ставкаларни қўллаган ҳолда мулк солиғи ва ер солиғининг айрим турлари учун тўловларни тўлаш билан боғлиқдир.

24-расм

	**Мулк солиғи:** **2018 йил – 2,6 трлн. сўм** **2019 йил – 2,3 трлн. сўм** **2020 йил – 2,4 трлн. сўм**
	**Ер солиғи:** **2018 йил – 1,5 трлн. сўм** **2019 йил – 2,3 трлн. сўм** **2020 йил – 2,3 трлн. сўм**
	**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ:** **2018 йил – 8,4 трлн. сўм** **2019 йил – 14,6 трлн. сўм** **2020 йил – 15,8 трлн. сўм**
	**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ:** **2018 йил – 128 млрд. сўм** **2019 йил – 310 млрд. сўм** **2020 йил – 348 млрд. сўм**


4.2. Давлат бюджети харажатларининг 2020 йилги параметрлари ва 2021-2022 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари

2020 йилги Давлат бюджети харажатлари 131,1 трлн. сўмни (ЯИМга нисбатан 20,1 фоиз) ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 24,1 фоизга ўсиши прогноз қилиниб, бу алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлайди.

Шунингдек, 2020 йилги консолидациялашган бюджет харажатлари **162,4 трлн. сўм**ни ёки ЯИМга нисбатан 24,8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. 2021-2022 йилларда консолидациялашган бюджет харажатлари мос равишда **193,0 трлн. сўм**ни (ЯИМга нисбатан 24,5 фоиз) ва **223,9 трлн. сўм**ни (ЯИМга нисбатан 24,3 фоиз) ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

25-расм

Давлат бюджетининг 2020 йилги функционал жиҳатдан жами харажатлари тузилиши



1. 2020 йилда соҳаларни ривожлантириш Давлат дастурларининг молиялаштирилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ қабул қилинган ўрта муддатли **Давлат дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш** учун Давлат бюджетидан 2020 йилда жами **44 268,3 млрд. сўм**, шундан Дастурлар бўйича амалга ошириладиган харажатларга 30 810,3 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Ушбу маблағлар иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, транспорт-коммуникация, техник-муҳандислик, энергетика объектларини қамраб олган инфратузилма тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш имконини беради *(маълумотнома-жадвал илова қилинади)*.

Жумладан, 2020 йилда соҳалар кесимида қуйидаги Давлат дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

таълим соҳасида ҳозирги кун талаблари даражасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан **5 201,4 млрд. сўм**;

соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат дастурларига **3 287,8 млрд. сўм**;

театрлар ва музейлар моддий-техника базасини яхшилаш, жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига Давлат бюджетидан **853,6 млрд. сўм**;

тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатларига **2 492,7 млрд. сўм**;

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш жумладан, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда аҳолининг муҳтож қатламларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1 905,0 млрд. сўм**;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда бошқа тадбирларни молиялаштиришга **1 584,0 млрд. сўм**;

қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш учун кўзда тутилган харажатларига **102,6 млрд. сўм**;

мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун **378,6 млрд.сўм**;

фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун **444,6 млрд. сўм**;

геология-қидирув ишлари харажатларига қабул қилинган дастурларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан **2 295,4 млрд. сўм** маблағ йўналтирилади.

2. Давлат бюджетининг 2020 йилги функционал жиҳатдан харажатлари миқдори ҳамда 2021-2022 йиллар учун мўлжаллар

Таълим

2020 йилда Давлат бюджетининг жами **таълим соҳаси харажатлари 30 047,6 млрд. сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг **22,9 фоизини** ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 20,0 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

26-расм

Давлат бюджетидан таълим соҳасига йўналтирилаётган маблағлар (млрд. сўм)



Узлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини ҳисобланадиган **мактабгача таълим муассасаларини** молиялаштиришга Давлат бюджетидан **5 177,0 млрд. сўм** ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 28,7 фоиз кўп маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

2020 йилда давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 5 710 тага етиши, уларга қатновчи болалар сони эса 900 мингдан ошиши кўзда тутилмоқда. Оилавий мактабгача таълим ташкилотлари сони 6 000 тага (2019 йил бошида 906 та) етади ҳамда уларга 110 000 бола (2019 йил бошида 19 932) қамраб олинади.

Мактабгача таълим нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизигача миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилганлиги муносабати 2020 йилда **400,0 млрд. сўм** субсидия ажратиш кўзда тутилган.

Бу эса ўз навбатида 293 000 нафар болани мактабгача таълим билан қўшимча қамраб олиш имконини беради.

Республикамизнинг барча ҳудудларида болаларни умумий бошланғич таълимга бепул мажбурий бир йиллик тайёрлашнинг ягона тизимини жорий қилишда жами республика бўйича 2020 йилда 3 177 та хона ва 4 939 та гуруҳ ташкил этилиб, уларга салкам 129 минг бола қамраб олинади ва бу ишларга

Давлат бюджетидан **130,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

10-жадвал

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлашга босқичма-босқич ўтиш мақсадида ташкил этиладиган гуруҳлар сони

№	Ҳудудлар номи	Мажбурий таълимга жалб этиладиган болалар сони	Ташкил этиладиган гуруҳлар	
			хона сони	гуруҳ сони
ҲАММАСИ		**128 940**	**3 177**	**4 939**
1	Қорақалпоғистон Республикаси	9 763	223	365
2	Андижон вилояти	15 516	372	595
3	Бухоро вилояти	5 425	139	218
4	Жиззах вилояти	4 691	120	194
5	Қашқадарё вилояти	12 661	319	486
6	Навоий вилояти	5 458	128	221
7	Наманган вилояти	10 238	268	372
8	Самарқанд вилояти	11 353	292	441
9	Сурхондарё вилояти	10 645	208	387
10	Сирдарё вилояти	3 908	107	155
11	Тошкент вилояти	11 335	237	381
12	Фарғона вилояти	16 299	440	660
13	Хоразм вилояти	8 454	208	327
14	Тошкент шаҳри	3 194	116	137

2020 йилда мактабгача таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва болаларни бадиий-эстетик ва мусиқий тарбия асосларига ўргатиш мақсадида хореограф лавозимини киритишга Давлат бюджетидан **37,6 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

Мазкур лавозим биринчи босқичда Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда вилоят марказларида жорий этилади. 2021 йилдан эса туман ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарларда жорий этилади.

Худди шу тартибда 4 ва 5 гуруҳли мактабгача таълим муассасаларида методист лавозими киритилади. Айтиб ўтиш жоизки, мактабгача таълим соҳасида сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтиш даврида бу жуда катта аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мактабгача таълимнинг янги формаси, яъни мобил гуруҳлар ҳам тажриба тариқасида синовдан ўтказилади. Унда 144 та гуруҳ ташкил этилади ҳамда 2 304 та бола мактабгача таълим билан қамраб олинади.

Ўз навбатида, мактабгача таълим муассасаларида сифатли овқатлантиришни ташкил қилиш мақсадида озиқ-овқат харажатларини СанҚваН

талаблари ва меъёрларига етказиш учун бюджетдан қўшимча **100,0 млрд. сўм** йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, 2020 йилда мактабгача таълим муассасаларига озиқ-овқат харажатлари учун **729,6 млрд. сўм** ёки 2019 йилга нисбатан 34 фоизга кўпроқ маблағ ажратилишини билдиради.

Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг ота-оналаридан олинадиган тўловдан **1 354,9 млрд. сўм** маблағ тушуми озиқ-овқат харажатлари учун йўналтирилади.

Мактабгача таълим вазирлигининг марказлашган харажатлар сметаси орқали 2020 йилда уйинчоқлар харид қилиш учун – **10 млрд. сўм**, ўқув анжомлари харид қилиш учун – **13,4 млрд. сўм** ҳамда янги қурилаётган ва таъмирланаётган мактабгача таълим ташкилотлар учун мебель ва жиҳоз сотиб олишга **65,9 млрд. сўм** йўналтирилади.

Умумий ўрта таълим харажатлари 20 885,2 млрд. сўмни ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 22,1 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети жами харажатларининг 15,9 фоизини ташкил қилади.

2020 йилда таълим муассасаларида ўқиш сифатини ошириш, ўсиб-улғаяётган ёш авлоднинг тайёргарлигини такомиллаштириш ва бошқа дастурларни молиялаштириш давом эттирилади.

Ушбу маблағлар **9 485 та** умумтаълим мактаблари, **90 та** махсус интернатлар, **205 та** ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ва бошқа муассасаларда болаларга таълим бериш харажатларига йўналтирилади.

2020 йилда республика бўйича жами **11 900 та** қўшимча синфлар очилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу тадбирларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан қўшимча **437,7 млрд. сўм** маблағ йўналтириш режалаштирилган.

2020 йилда оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдорини инфляция даражасида оширишга, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақига, васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплашга, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларига психолог штат бирликларини киритиш ва бошқа шу каби ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан **108,5 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш мақсадида

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Наманган вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида ташкил этилган, шунингдек 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида ташкил этилиши кутилаётган Президент мактабларини жорий сақлаш билан боғлиқ харажатларини молиялаштиришга **105,3 млрд. сўм** маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Ўз навбатида, 2020 йилда Халқ таълими вазирлигининг марказлашган тадбирларни молиялаштириш бўйича харажатлар сметасига **121,6 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Хусусан:

1-синф ўқувчилари учун ўқув қуроллари тўпламлари ҳарид қилиш ва жойларга етказиб бериш учун **73,2 млрд. сўм**;

Кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар учун қишки кийим бош тўпламлари ҳарид қилиш ва жойларга етказиб бериш учун **27,4 млрд. сўм**;

умумтаълим мактаблари учун синф журналлари, баҳолаш табеллари, шаҳодатномалар ва бошқа идоравий ҳужжатлар ҳарид қилиш учун **21,0 млрд. сўм**, шундан 686,6 млн. сўм олтин ва кумуш медаллар учун ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, вазирлик тизимидаги оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **3,1 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилги марказлашган инвестиция дастури доирасида республика бўйича жами **244 та**, шундан 37 та янги қуриладиган, 137 та реконструкция қилинадиган ва 70 та мукаммал таъмирлаш ишлари олиб бориладиган умумтаълим мактабларида **65,0 млрд. сўмлик** жиҳозлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Олий ва ўрта-махсус таълими харажатлари 3 985,4 млрд. сўмни ёки Давлат бюджети жами харажатларининг 3,0 фоизини ташкил этади.

Республика бўйича жами 112 та, шундан 92 та маҳаллий ва 20 та хорижий олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда жами 424 171 нафар талаба таҳсил олади (аҳоли сонига нисбатан 1,13 фоиз).

Ҳудудларда Давлат университетларининг, республикада халқаро университетларнинг филиаллари, жумладан Тошкент шаҳрида “Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали, Тошкент шаҳрида “МЭИ” миллий тадқиқот университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали, Самарқанд шаҳрида “Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети” федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Самарқанд филиали, Шаҳрисабз шаҳрида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали, Тошкент ирригация ва қишлоқ

хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали, Шаҳрисабз шаҳрида Тошкент кимё-технология институтининг Шаҳрисабз филиали, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида Тошкент кимё-технология институтининг Янгиер филиали, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали, Астрахань давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали ташкил этилиши муносабати билан 2020 йилда бюджетнинг қўшимча харажатлари **25,3 млрд. сўмни** ташкил этади.

Шунингдек, таълим ва илм-фан соҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақига 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига – фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 30,0 фоизгача, фан доктори (Doctor of Science) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 60,0 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш тартиби жорий этилиши муносабати билан Давлат бюджетидан 2020 йилда **176,0 млрд. сўм** кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш

2020 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 14 842,6 млрд. сўмни ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 33,6 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 11,3 фоизини, ЯИМнинг эса 2,3 фоизини ташкил этади.

11-жадвал

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Соғлиқни сақлаш муассасаларининг 2020 йилги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

Йўналишлар	муасса-салар сони	койкалар сони	штатлар сони	*шундан:* шифокор-лар	2020 йилда кўзда тутилган маблағ, млрд. сўм
Жами	**3 655**	**118 085**	**468 319**	**106 102**	**14 843**
шу жумладан:					
Бирламчи тиббий санитария муассасалари	2 078	x	158 968	44 886	3 985
Шифохоналар, клиникалар, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва диспансерлари	778	106 584	215 424	37 996	7 216
Тез тиббий ёрдам марказлари, бўлимлари	192	x	34 274	13 268	1 101
Республика, вилоят, туман (шаҳар) санитария-эпидемиология хизмати	219	x	25 537	6 913	885
Соғлиқни сақлаш бошқа муассасалари	139	60	22 993	2 415	1 236
Қариялар ва ногиронлар уйлари, санаториялар ва реаблитация марказлари	249	11 441	11 124	624	419

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги Давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида қуйидагилар учун Давлат бюджетидан қўшимча **718,7 млрд. сўм** кўзда тутилган. Жумладан:

2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш дастури бўйича 2020 йилда **63,0 млрд. сўм;**

2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш дастури бўйича 2020 йилда **30,0 млрд. сўм**;

2017-2021 йилларда аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, онкологик касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш дастури бўйича 2020 йилда **55,0 млрд. сўм**;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилишга **50,8 млрд. сўм**;

аҳолига гемодиализ ёрдами кўрсатишни янада ошириш мақсадида гемодиализ аппаратлари ва сарфлаш материаллари сотиб олиш учун Давлат бюджетидан **136,0 млрд. сўм;**

кам учрайдиган ва бошқа ирсий генетик касалликлари бўлган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш ҳамда жисмоний ва руҳий ижтимоий ривожланишда орқада қолиш хавфи бўлган, орқада қолган болаларга эрта ёрдам бериш мақсадида **32,1 млрд. сўм;**

репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларга **25,3 млрд. сўм;**

GDF (Global drug facility) сертификати билан тасдиқланган силга қарши дори воситаларини марказлашган асосда харид қилишга **14,0 млрд. сўм;**

болаларни вакциналар билан таъминлашга **198,6 млрд. сўм;**

Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар ижроси бўйича **13,7 млрд. сўм;**

нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган 320 нафар болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун **26,5 млрд. сўм**;

тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун хорижий етакчи тиббиёт ҳамда илмий муассасаларга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш харажатлари учун **15,0 млрд. сўм;**

буйрак ва жигар трансплантацияси ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари учун **17,7 млрд. сўм;**

эндокринологик касалликларга чалинган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари учун **24,5 млрд. сўм;**

2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2020 йилда **10,7 млрд. сўм** маблағлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Шулар билан бир қаторда, 2020 йилда дори-дармон ва тиббиёт буюмларини харид қилишга ажратиладиган маблағларни ошириш сиёсати давом эттирилади. Шу билан дори-дармон ва боғлов воситалари учун харажатлар **1 432,3 млрд. сўм**ни ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **30 фоизга** кўпни ташкил қилади.

Маданият ва спорт соҳаси.

Маданият соҳасига харажатлар 2020 йилда 1 389,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2019 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан **39,0 фоизга** ошиши кутилмоқда.

Маданият соҳасида Давлат бюджетидан маблағ олувчи жами 37 та театр, 44 та музей, 814 та маданият марказлари, 102 та кутубхоналар, ахборот кутубхона марказлари, 310 та халқ ҳаваскорлик жамоалари, 15 та филармония, 14 та мақом марказлари ва бошқа маданият муассасалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи доирасида берган топшириқларига ва қабул қилинган Ҳукумат қарорларига мувофиқ маданий ва археологик мерос объектларини реставрация ва тиклаш ишлари учун 2020 йилда **66,8 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Кинематография соҳасини янада ривожлантириш Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бюджетдан **61,4 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан 2020 йилдан бошлаб – 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар, 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ҳамда 15 та мультипликацион фильмлар ишлаб чиқариш назарда тутилган.

Шунингдек, 2020 йилда ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш, миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадиий фильмларнинг 2020 йил смета харажатларида кўрсатилган маблағнинг 10 фоизи фақатгина уларнинг рекламаси ва телевидение, радио ва Интернет тармоқларидаги пиар-компаниясига, шунингдек, ташқи рекламасини жойлаштириш учун фойдаланиш кўзда тутилган.

Республика бўйича 3 та театр ва 10 та музейнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва мукаммал таъмирлаш бўйича Давлат дастурини амалга оширишга Давлат бюджетидан **38,9 млрд. сўм** молиялаштирилади.

Спорт тадбирларини ўтказиш учун 2020 йилда 921,3 млрд. сўм ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 33,4 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети умумий харажатларининг **0,7 фоизи** йўналтирилади.

Спорт соҳаси бўйича Давлат бюджетидан маблағ олувчи 230 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 11 та футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 15 та футбол академиялари, 15 та республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаблари, 54 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 3 та олимпия захиралари спорт мактаби, 9 та олий спорт маҳорати мактаблари, 1 та ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази мавжуд.

2020 йилги бюджет лойиҳасида спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш харажатларига, шунингдек халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун Давлат бюджетидан **117,0 млрд. сўм**, шу жумладан футболни ривожлантиришга **25,0 млрд. сўм** маблағлар кўзда тутилган.

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг 2020 йил учун республика календарь режасига асосан Ўзбекистон спортчиларининг 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишлари учун Давлат бюджетидан **34,2 млрд. сўм** ва бундан ташқари **160 млрд. сўм** қўшимча маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Фан.

Фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 2020 йилда **1 028,7 млрд. сўм** ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **33,8 фоиз** кўп маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Шу жумладан, 2020 йилда илмий-тадқиқот муассасаларининг инновацион фаолияти ва инфратузилмасини ривожлантириш комплекс дастурини амалга ошириш доирасида мукаммал таъмирлашга **37,8 млрд. сўм** ажратилади.

Таклиф этилаётган маблағлар фанни янада ривожлантириш тадбирларини ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш учун йўналтирилади.

Жумладан:

таълим ва илм-фан соҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақига 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига – фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 30,0 фоизгача, фан доктори (Doctor of Science) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 60,0 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш учун **65,0 млрд. сўм**;

2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган олий таълимдан кейинги таълимда стажёр-тадқиқотчилар институтини ташкил этиш учун **4,5 млрд. сўм**;

таянч докторантура ва докторантурага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва тўлов-контракт асосида ўқитиш учун қабул

квотаси, қоида тариқасида, тегишли ўқув йили учун тасдиқланган олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш умумий параметрларининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланди. Шу муносабат билан, қабул квоталари қарийб 28 фоизга оширилиб, ушбу мақсадлар учун **27,5 млрд. сўм** қўшимча маблағлар йўналтирилади.

Ижтимоий ҳимоя.

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари **6 573,7 млрд. сўм**ни ташкил этиб, бу 2019 йилги тасдиқланган параметрларга солиштирганда **27,2 фоиз**га кўп.

Кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ва 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга бериладиган нафақалар олувчилар сонини кўпайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун 753,0 млрд. сўм ажратилиши назарда тутилган бўлиб, нафақалар тайинланиши 531 минг оиладан 683 минг оилагача ошади.

Аҳолининг муҳтож қатламларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш.

2020 йилда қишлоқ жойларда ва шаҳарларда кўп квартирали уйларни қуришни молиялаштириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1 905,0 млрд. сўм** ажратиш кўзда тутилган.

Иқтисодиёт харажатлари.

Давлат бюджетидан иқтисодиётга ажратилган харажатлар 14 051,6 млрд. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этиб, бу ўз навбатида инфратузилмани янада такомиллаштириш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

Қишлоқ, сув ва ўрмон хўжаликлари, балиқчилик ва овчилик соҳаси.

Қишлоқ хўжалиги.

2020 йилги бюджет лойиҳасида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **444,6 млрд. сўм** миқдорида субсидиялар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилги Давлат бюджети параметрларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш асосидаги сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилган янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга **80,0 млрд. сўм** ҳамда лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш ишларига **10,0 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарнинг ғалла ўриш ва пахта териш техникасидан ташқари, республикада ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторлар, ғалла ва пахта сеялкалари, шунингдек, уч ёки ундан ортиқ омоч корпусларини харид қилиш учун кредит ва лизинг шартномалари бўйича фоиз харажатлари тижорат банклари ва лизинг компаниялари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пункти миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган қисми харажатларига **60,0 млрд. сўм** йўналтирилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида узумчиликни янада ривожлантириш мақсадида яратилган янги узум плантацияларида 1 гектар узум экилган майдонга томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишни давлат томонидан қўллаб қувватлашга 2020 йилги бюджет лойиҳасида **40,0 млрд. сўм** кўзда тутилган.

Шу билан бирга, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ҳузурида Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини сақлаш харажатларига 2020 йилги бюджет лойиҳасида **100,0 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Ветеринария хизматларини молиялаштириш ва эпизоотик хавфсизликни таъминлаш учун 2020 йилги бюджет лойиҳасида **244,1 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Шу жумладан, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг тизим ташкилотларининг хизматчиларига 20 ва 40 фоизли устамалар бериш учун Давлат бюджетидан 2020 йилда қўшимча **17,0 млрд. сўм** маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, ҳайвонларнинг саломатлигини таъминлаш ва касаллигини даволаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида вакцина сотиб олиш харажатлари ҳажми **111,5 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида карантиндаги зарарли организмлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, ўсимликлар ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун қулай шароит яратиш учун қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўсимликларни ҳимоя қилиш харажатлари учун **120,0 млрд. сўм** ажратиш кўзда тутилмоқда.

Натижада 26,3 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларига чигирткаларга қарши кимёвий ишлов бериш, шунингдек, қизил капалакни қириш ва бутунлай йўқ қилиш бўйича профилактика чора-тадбирлари мақсадида 18,16 минг гектар ер ҳудудлари ва 38,31 минг дона тут дарахтига ишлов бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар молиялаштирилади.

Сув хўжалиги

2020 йилда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги сув хўжалиги ташкилотларини сақлаш учун **4 562,9 трлн. сўм,** шундан насос станциялари

томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун **3 128,3 трлн. сўм,** насос станцияларида энергия самарадор насослар ва электродвигателларни сотиб олиш учун **53,2 млрд. сўм** ва энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш учун **30,7 млрд. сўм** маблағлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун 59,6 млрд.куб метр сув билан таъминлаш учун 7,0 млрд. кв/соат электр энергияси истеъмол қилинади.

Бунинг натижасида **1,0 млн. гектар пахта**, **1,4 млн. гектар** бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўз вақтида суғорилишининг молиялаштирилиши таъминланади.

Геология-қидирув ишларини бажариш учун **2 295,4 млрд. сўм** миқдорида бюджет маблағлари ажратилиши назарда тутилган бўлиб, бу 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан қарийб **4 баробарга** кўпдир.

Ушбу маблағлар асосан минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш учун 2020 йилда геология-қидирув ишларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан **658,9 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун **155,4 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағларга пармалаш, кон қазувчи ва геофизика-геодезия, лаборатория-майдалаш ва бошқа ускуналар харид қилинади.

Транспорт ва туризм соҳаси.

Ўзбекистон Республикасида туризмни янада ривожлантириш мақсадида республика ҳудудида янги меҳмонхоналарни қуриш ва жиҳозлашда инвесторлар харажатларининг бир қисмини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш харажатларига 2020 йилги бюджет лойиҳасида **200,0 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Шунингдек, туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан қоплаш учун **2,3 млрд. сўм** маблағ режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, транспорт соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидаги харажатлар ҳам кўзда тутилган:

чипталарни имтиёзли тарифлар бўйича сотишдан тушган даромадларни қоплашга – **194,2 млрд. сўм**;

20 та “Vario LF” трамвай вагонларини, 200 та “Mercedes-Benz Connecto Low Floor”, 110 та “MAN” русумли автобусларини сотиб олиш учун ажратилган кредитларни қайтаришга – **90,0 млрд. сўм**;

Тошкент метросида пенсия ёшидаги йўловчиларга соат 10:00 дан 16:00 гача бепул хизмат кўрсатилиши сабабли йўқотилган даромадларни қоплашга – **35,8 млрд. сўм**;

“Тошкент шаҳри Навоий кўчасида меҳмонхона мажмуаси қурилиши” (Hyatt Regency) лойиҳаси доирасидаги кредитларни қайтаришга – **66,4 млрд. сўм.**

Табиатни муҳофаза қилиш соҳаси.

Табиатни муҳофаза қилиш ишларига 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **246,7 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, бу 2019 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан қарийиб 15 фоизга кўп бўлиб, Давлат бюджети жами харажатларининг 0,2 фоизини ташкил этади.

“Тоза ҳудуд” давлат унитар корхоналари орқали 2017-2021 йилларга мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, йўқ қилиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш дастурини амалга ошириш учун 2020 йилда **187,7 млрд. сўм** ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 24,3 млрд. сўм кўп маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Қабул қилинган Давлат дастурларига мувофиқ 170 та чиқинди ташувчи машина ва 27 та бульдозер сотиб олиш ва 143 та қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимида мавжуд жами 84 та ўрмон ҳамда ов хўжаликларини ва бошқа ташкилотларни сақлашга жами **154,9 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган бўлиб, бунда жами ўрмон фонди ерлари 11 572 минг гектарни ташкил этади.

Шу жумладан, Угам-Чотқол давлат миллий табиат боғини сақлаш харажатлари учун **32,9 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Қабул қилинган Давлат дастурларини бажариш мақсадида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитасига ажратилган маблағлар **93,5 млрд. сўмни** ташкил этади.

Жумладан, маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш ишларига 5,9 млрд. сўм, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишларига 21,9 млрд. сўм, яйловларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш ишларига 4,4 млрд. сўм, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг агрохимкартограммаларини тузишга, бонитировкаси ва тупроқ карталарини корректировкасига 23,9 млрд. сўм, тармоқлараро мақсадлар учун картография маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш учун 2,3 млрд. сўм, Ўзбекистон Миллий Атласини ишлаб чиқишга 5,8 млрд. сўм, рақамли ортофотопланларни яратиш ва топографик хариталарни янгилашга 19,0 млрд. сўм, делимитация ва демаркация ишларига 5,7 млрд. сўм ва бошқа тадбирларга 4,6 млрд. сўм кўзда тутилган.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига 2020 йилда жами 2 минг гектар майдонларда суғориладиган ерларнинг шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши ихота дарахтзорлари барпо этиш ва реконструкция қилиш тадбирларига жами **35,0 млрд. сўм** маблағ ажратиш режалаштирилган.

Шулар билан бир қаторда, 2020 йилги бюджетда Гидрометеорология хизмати маркази фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадда марказнинг

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва кузатув пунктларини жиҳозлаш, бино ва иншоотларини капитал таъмирлашга **15,8 млрд. сўм** йўналтирилиш режалаштирилган.

Натижада, 2020 йилда гидрометеорология ва агрометеорология станциялари ва постларини автоматлаштириш, маълумотлар алмашиш ускуналарини, метеорология радиолокаторлари тизимини тезкор ўрнатиш ускуналарини ва атроф-муҳитни ифлосланишини кузатув имконини берувчи ускуналар харид қилиш ва 7 та метеорология станциялари ва постларини мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Уй-жой коммунал хизматлар соҳаси

Ободонлаштириш ишларига 2020 йилда **2 070,9 млрд. сўм** ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **50,0 фоизга** кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар барча 248 та ободонлаштириш ташкилотларида ишловчи 55,2 минг ишчиларни сақлаш ва ҳудудларни ободонлаштириш ишларига йўналтирилади.

Жумладан, 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меҳнат ҳақи оширилиши ва қўшимча тўловлар жорий этилиши муносабати билан қўшимча **357,7 млрд. сўм** маблағлар кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ободонлаштириш харажатларининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

шаҳарларни ободонлаштириш ва туман марказларини, шаҳар типидаги посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хизматларга – **1 141,6 млрд. сўм**;

шаҳар кўчалари ва туман қишлоқ марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларининг ташқи ёритиш тармоқларини сақлаш ва эксплуатация харажатларига – **103,8 млрд. сўм**;

шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари, қишлоқ аҳоли пунктлари ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга – **257,8 млрд. сўм**;

шаҳарлардаги ҳамда туман марказларини, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктларидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш харажатларига – **378,3 млрд. сўм**;

шаҳарлар ҳамда қишлоқлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларида дренаж ишлари билан боғлиқ харажатларга – **42,3 млрд. сўм** йўналтириш кўзда тутилган.

Туман ва шаҳарлар ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлаш параметрларига кўра 2020 йилда 289 та техника механизмларни харид қилиш учун **67,3 млрд. сўм** маблағ йўналтирилади.

Шу билан бир қаторда, 2020 йилги бюджет параметрлари лойиҳасида **умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини** сақлаш, қишда сақлаш, жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда бошқа тадбирлар харажатлари **2 062,6 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Шундан:

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишларига – 688,4 млрд. сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва кўкаламзорлаштириш ишларига – 542,2 млрд. сўм;

- автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги “Узйўлкўкаламзорлаштириш” УК ҳамда йўллардан мунтазам фойдаланиш ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхоналари ходимларини сақлаш харажатларига – 137,5 млрд. сўм;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда кўприкларни сақлаш харажатларига – 215,9 млрд. сўм кўзда тутилган.

Уй-жой коммунал хизматлар харажатлари **494,5 млрд. сўмни** ташкил этади.

Жумладан, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти бўйича хизматларни кўрсатувчи коммунал корхоналарнинг банк ҳисобварағига қайтариладиган ҚҚС ортиқча суммаси ҳамда табиий газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши муносабати билан иссиқлик таъминоти корхоналарига Давлат бюджетидан **343,5 млрд. сўм** миқдорида субсидиялар ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун **87,8 млрд. сўм**, шундан Тошкент шаҳридаги кўп хонадонли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш ишларига – **27,5 млрд сўм**, шаҳарлар ва туманлардаги кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштиришга – **60,3 млрд. сўм** маблағ йўналтирилади.

Шулар билан бир қаторда 2017 – 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш учун **13,9 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Марказлашган инвестиция харажатлари.

Инвестицияга харажатлар 13 976,8 млрд.сўм миқдорида ёки 2019 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **12,0 фоизга** кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлиб, Давлат бюджети жами харажатларининг 10,7 фоизини, **ЯИМга нисбатан** эса **2,1 фоизни** ташкил этади.

27-расм


Марказлашган инвестиция харажатлари

2020

харажатларга нисбатан (фоизда)	10,7%

Маълумот *(млрд.сўм)*	
Жами харажатлар	**13 976,8**
Ижтимоий соҳани ривожлантириш	5 348,6
Маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш	4 817,2
Йўл қурилиши Давлат дастури	1 514,7
Ичимлик суви тизимини ривожлантириш	1 276,6
Обод маҳалла ва Обод қишлоқ Давлат дастури*	500,0
Оролбўйи минтақасини ривожлантириш	303,4
Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури	216,3

*) "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар, марказлашган инвестиция миқдор (лимит)ларини ўз ичига олади



1. Маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш тадбирларига йўналтирилган харажатлар **4 817,2 млрд. сўм**ни ташкил этади.

2. Умумий фойдаланишдаги йўлларни, қўприк ва йўл ўтказкичларини қуриш ва реконструкция қилишга **1 514,7 млрд. сўм** йўналтирилади.

3. Таълим ва тиббиёт муассасаларининг, шунингдек илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатларига **5 348,6 млрд. сўм** йўналтирилади. Шундан:

- мактабгача таълим муассасаларига – 1 751,7 млрд. сўм;
- умумтаълим мактабларига – 1 584,2 млрд. сўм;
- тиббиёт муассасаларига – 1 097,3 млрд. сўм;
- илмий-тадқиқот институтларига – 37,8 млрд. сўм;
- болалар мусиқа ва санъат мактабларига – 55,6 млрд. сўм;
- олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари – 90,9 млрд. сўм
- олий таълим муассасаларига – 731,1 млрд. сўм.

4. **Суғориладиган ерларнинг мелиоратив** ҳолатини яхшилашга **216,3 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

5. **Ичимлик суви таъминоти ва канализация** тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида “Тоза ичимлик суви” жамғармаси маблағлари ҳисобидан **1 276,6 млрд. сўм** ажратилади.

Хусусан, жамғарма ҳисобидан:

• 2017-2021 йилларда ичимлик суви ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш доирасида сув таъминоти ва канализация тармоқларини молиялаштириш учун – 896,9 млрд. сўм;

• қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган арзон уй-жойларни қуриш дастури доирасида сув таъминоти объектларини қуришни молиялаштириш учун – 101,7 млрд. сўм ажратилган.

Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида 2020 йилда 245 та объектда ичимлик суви ва канализация тизимини реконструкция ва модернизация қилиш, 1 412,0 км сув таъминоти тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида марказлашган сув таъминотини қамраб олиш 2020 йилда 67 фоизни ташкил этади.

6. **Оролбўйи минтақасини ривожлантиришга 303,4 млрд. сўм** ажратиш кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар:

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича:

25 та ичимлик суви тизими объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши натижасида 123,4 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортиш ишларини амалга ошириш ҳамда 27 та уй-жой фондидаги 77 та кўп квартирали уйларни таъмирлаш, болалар майдончалари қуриш ва ёндош ҳудудларни ободонлаштириш ишлари, шунингдек 2 та иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хоразм вилояти бўйича:

48 та ичимлик суви тизими объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши натижасида 381,1 км узунликдаги ичимлик суви тармоқлари тортиш ишларини амалга ошириш ҳамда 4 та уй-жой фондидаги 39 та кўп квартирали уйларни таъмирлаш, болалар майдончалари қуриш ва ёндош ҳудудларни ободонлаштириш ишлари, шунингдек жами 36 та мавзелар ичидаги кўчалар, майдонлар ва бульварлар, ҳиёбонлар таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

7. **“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурларини молиялаштириш.**

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурларини амалга оширишда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан аҳоли пунктларида яшаш шароитларини яхшилашни таъминлашга 7,2 трлн. сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, инвестиция дастурлари доирасида ажратилаётган маблағлардан ташқари Давлат бюджети параметрларида **500,0 млрд. сўм** кўзда тутилмоқда.

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органлари харажатлари

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органлари харажатларининг сақлаш харажатлари 2020 йилда **5 579,0 млрд. сўмни** ёки ЯИМнинг 0,9 фоизини ташкил қилади.

Ушбу маблағлар давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органларини сақлаш билан бирга қуйидаги тадбирларга йўналтирилади:

аҳоли сонининг аниқ ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича якка тартибда ҳисобга олишни ташкиллаштириш учун ахборот-коммуникация технологиялари билан босқичма-босқич таъминлаш мақсадида 2020 йилги Давлат бюджети лойҳасида **10,0 млрд. сўм**;

кўпчилик давлатлар учун виза режимининг бекор бўлиши натижасида тушум микдори камайиши сабабли Ташқи ишлар вазирлиги элчихона ва консуллик идораларини сақлаш учун қўшимча **100,0 млрд. сўм**;

тадбиркорларнинг, шу жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш сифати ва тезкорлигини ошириш, улар билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини сақлаш харажатлари учун **33,1 млрд. сўм** мабағ кўзда тутилган.

28-расм

Давлат ҳокимияти марказий органлари, давлат бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органларини сақлаш, (млрд. сўм)



Давлат ҳокимияти марказий органлари	392,7
Давлат бошқаруви органлари	4 116,7
Прокуратура ва адлия органлари	678,3
Суд органлари	391,4
ЖАМИ	**5 579,0**

Бундан ташқари, Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида ташкил этилган Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази ва Экспортни рағбатлантириш агентлигини сақлаш ва бошқа шу каби Давлат бошқарув ҳокимияти ва органларини сақлашга маблағлар кўзда тутилган.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини, ННТ ва бошқа фуқаролик жамиятларини сақлаш харажатлари 2020 йилда **870,9 млрд. сўмни,** 2019 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 10,7 фоиз кўпни ташкил қилади **(ЯИМнинг 0,1 фоизи).**

Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳақи 2019 йилда 1,5 бараварга оширилиши муносабати билан 2020 йилги бюджет лойиҳасида **110,3 млрд. сўм** миқдорида маблағлар кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларига харажатлар **1 389,2 млрд. сўмни** ташкил қилиб, бу бюджетни тузиш вақтида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳаларда кутилмаган харажатлар учун захираларни шакллантириш имконини беради.

Иш ҳақи, коммунал хизматлар ва бошқа харажатларни ошириш учун захира 2020 йилда **3 214,1 млрд. сўмни** ташкил қилади. Ушбу маблағлар қуйидагиларга йўналтирилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланадиган бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақаларни оширишга;

коммунал хизматларнинг тарифлари, ЁММнинг нархи ўсишига;

давлат бошқаруви ва ҳокимият органларининг тузилмавий ўзгартиришларига боғлиқ айрим харажат турларини ошириш бўйича харажатларни қоплашга йўналтиради.

Шунингдек, 2020 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **ижтимоий муассасалар ва ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш** харажатларига **1 400,0 млрд.сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

2020 йил бюджет лойиҳасини ўтган йилги Бюджетномадаги 2020 йилги бюджет мўлжалларидан асосий фарқи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарорига мувофиқ 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети мўлжаллари даромадлар қисми 150,0 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий

йилда 2020 йилнинг прогнози 159,0 трлн. сўмни, яъни 9,0 трлн. сўм ёки 6,0 фоизга фарқ юзага келди. Ушбу фарқ Давлат бюджети бўйича 2,3 трлн. сўм, Давлат мақсадли жамғармалари бўйича 1,6 трлн. сўм ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўйича 5,1 трлн. сўмни ташкил қилади.

2020 йилги Бюджет мўлжаллари харажатлар қисми эса 154,0 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда 2020 йилнинг прогнози 162,4 трлн. сўмни, яъни 8,4 трлн. сўм ёки 5,2 фоизга фарқ қилди. Ушбу фарқ Давлат бюджети ҳисобига 1,2 трлн. сўм, Давлат мақсадли жамғармалари ҳисобига 2,1 трлн. сўм ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига 5,1 трлн. сўмни ташкил қилади.

Ушбу тафовутлар қуйидагилар ҳисобига юзага келган:

Давлат бюджети ҳисобига юзага келган фарқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сонли Фармонига асосан солиқ қонунчилигида ҳамда 2020 йилга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсатида юз берган ўзгаришлар натижасида;

Давлат мақсадли жамғармалари ҳисобига юзага келган фарқ келгуси йилдан Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети таркибига қўшимча 15 та жамғарма киритилиши натижасида;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобига юзага келган фарқ жамғарма томонидан 2020 йилга даромадлар ва харажатлар мўлжаллари тақдим этилмаганлиги натижасида юзага келган. Ушбу фарқлар қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

12-жадвал

2020 йил бюджет лойиҳасини ўтган йилги Бюджетномадаги 2020 йилги бюджет мўлжаллари кўрсаткичларини бўйича солиштирма жадвал

(млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	ПҚ-4086-сон қарор бўйича 2020 йил учун бюджет мўлжаллари	Қонун лойиҳаси бўйича 2020 йил учун прогноз	Фарқи
I.	**Консолидациялашган бюджет даромадлари**	**149 978,9**	**158 960,2**	**8 981,3**
1.	Давлат бюджети даромадлари	126 163,5	128 460,0	2 296,5
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари*	23 815,4	25 385,1	1 569,7
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари		5 115,0	5 115,0
II.	**Консолидациялашган бюджет харажатлари**	**153 981,8**	**162 385,0**	**8 403,2**
1.	Давлат бюджети харажатлари *	120 710,5	121 856,4	1 145,9
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	33 271,3	35 413,6	2 142,3
3.	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ишлатилиши		5 115,0	5 115,0
III.	**Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар**	**9 870,0**	**9 248,1**	**-621,9**
IV.	**Консолидациялашган бюджет сальдоси** ***(профицит +, дефицит -)***	**-4 002,9**	**-3 424,9**	**578,0**

* Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлардан ташқари

4.3. Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йил учун асосий кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 36-моддасига асосан маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидияларидан шакллантириладиган давлат мақсадли жамғармалари давлат функцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилиши белгиланган.

Халқаро валюта жамғармасининг “Фискал сиёсат шаффофлиги” ҳамда Жаҳон банкининг “Давлат харажатларининг таҳлили” мавзуларида ўтказган ўрганишлари юзасидан берилган хулосаларда Давлат бюджетининг якдиллигини таъминлаш ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар даромад ва харажатларини консолидациялашган бюджетга жамлаш, шунингдек ғазначилик билан қамраб олиш тавсия этилган.

Халқаро экспертларнинг тавсияларига асосан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 46-моддасига мувофиқ Молия вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритиладиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қарор лойиҳасини шакллантиришда элликдан ортиқ жамғармалар таҳлил қилиниб, улардан 18 таси қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинди:

1. Жамғарма маблағлари солиқлар, мажбурий тўловлар ва жарималар, шунингдек бюджет субсидиялар ҳисобидан шаклланганлиги;

2. Жамғарма маблағлари алоҳида вазирлик ёки идоранинг сақлаш харажатларига эмас, балки давлат функцияларини амалга ошириш учун йўналтирилганлиги;


3. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ташкил этилганлиги.

Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан давлат мақсадли жамғармаларига аҳоли томонидан тўланаётган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ишлатилишини Олий Мажлис томонидан назоратга олиниши ҳамда уларни Ҳукумат ҳисоботларида акс эттириш орқали шаффофликнинг ошиши таъминланади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилги жами **даромадлари 34 633,2 млрд. сўм**ни, шундан 26,7 фоизи, яъни 9 248,1 млрд. сўми Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли трансфертлардан ташкил топиши кутиляпти.

29-расм


Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилги кутилаётган даромадлари кўрсаткичлари



Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилги **харажатлари 35 413,6 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликга йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги 5 535,9 млрд. сўмлик қолдиқ маблағлари инобатга олинди.

30-расм

Давлат мақсадли жамғармаларининг 2020 йилги кутилаётган харажатлар кўрсаткичлари



Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун қуйидаги йўналишларга мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда:

- пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун 8,0 трлн. сўм;

- жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун 250,0 млрд. сўм;

- аҳоли бандлик даражасини ошириш учун 150,0 млрд. сўм;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштиришга кафолатлар ва кафилликлар, шунингдек тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга компенсациялар тақдим этиш учун 150,0 млрд. сўм;

- ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш учун тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим қилиш учун 200,0 млрд. сўм;

- хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар бериш учун 120,0 млрд. сўм;

- узумчилик ва виночиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаоллигини қўллаб-қувватлаш учун 40,0 млрд. сўм;

- янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун 80,0 млрд. сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш учун 134,8 млрд. сўм;

- стипендиатларни хорижий таълим ва илмий муассасаларида ўқитишни, малакасини оширишни ва стажировкани ўташини ташкил этиш, хорижий мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш учун 57,1 млрд. сўм;

- умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларига нашр ва қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш ва етказиб бериш учун 66,2 млрд. сўм.

13-жадвал

2020 йил учун Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг параметрлари, (млрд. сўм)

№	Давлат мақсадли жамғармалари	Йил бошига кутила-ётган қолдиқ	Даромад	шундан мақсадли трансфертлар	Харажат	Йил охирига қолдиқ
	Жами	**5 535,9**	**34 633,2**	**9 248,1**	**35 413,6**	**4 755,5**
1.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	4 284,9	31 424,0	8 000,0	31 958,9	3 750,1
2.	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма		215,8	134,8	215,8	
3	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	865,9	228,0	150,0	357,3	736,6
4	Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	5,5	175,0	40,0	180,5	
5	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	75,7	418,0	150,0	488,0	5,7
6	Жамоат ишлари жамғармаси	50,0	251,1	250,0	251,1	50,0
7	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	56,7	10,8		62,8	4,7
8	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси		407,0	200,0	407,0	
9	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди		188,8	120,0	188,8	
10	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси		552,0		552,0	
11	Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	8,9	71,2		77,0	3,1
12	“Эл-юрт умиди” жамғармаси	0,6	57,1	57,1	57,1	0,6
13	Бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	43,7	150,0		150,0	43,7
14	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси		136,2	80,0	136,2	
15	“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмасининг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2,4	1,6		2,3	1,7
16	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	141,6	248,4	66,2	230,7	159,3
17	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		0,2		0,2	
18	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси		98,0		98,0	


1. Солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан 2020 йилдан баъзи юридик шахслар учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини, яъни давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек устав жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсларга тегишли бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 25 фоиздан 12 фоизгача пасайтирилиши ҳамда ягона солиқ тўлови суммасини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши натижасида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромад манбаларининг йўқотиши 3,3 трлн. сўмни ташкил қилиши, бу эса келгуси йилларда Жамғарманинг ўз даромадлари тақчиллигига олиб келиши кутиляпти.

2020 йилда пенсия олувчиларнинг умумий сони 3 503,6 минг кишига етиши кутилмоқда.

Шунингдек, 2020 йилда 300,0 минг кишига янгидан пенсия тайинланиши кутилаётган бўлиб, шундан ёшга доир пенсия – 244,0 минг киши ёки 81,3 фоиз, ногиронлик бўйича пенсия – 33,0 минг киши ёки 11,0 фоиз, боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия – 23,0 минг оилага ёки 7,7 фоизни ташкил қилади.

31-расм

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2020-2022 йиллар параметрлари (трлн. сўм)



Таклиф этилаётган чора-тадбирлар натижасида Молия вазирлиги ҳузуридаги **бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси**нинг 2020 йилги даромадлари **23,4 трлн. сўм**ни, харажатлари эса **32,0 трлн. сўм**ни ташкил қилади. Жамғарма тақчиллигини қоплаш (йил бошига қолдиқлар билан) ва пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **8,0 трлн. сўм** миқдорида субсидия ажратилади.

2021-2022 прогноз йилларда пенсия тизими тақчиллиги ошиши кутилаётган бўлиб, республика бюджетидан тегишинча 10,0 трлн. сўм ва 14,7 трлн. сўм ажратилиши назарда тутилган.

2. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** тушумлари **418,0 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбалари корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 125,0 млрд. сўм миқдоридаги мажбурий ажратмалар, шунингдек аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шароитларни яратишда давлат органларининг иш самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича дастурларни мақсадли молиялаштиришга республика бюджетидан йўналтириладиган 150,0 млрд. сўм миқдоридаги мақсадли трансфертлар ҳисобланади.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошидаги 75,7 млрд. сўм қолдиқни ҳисобга олган ҳолда **488,0 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизлик нафақаларини тўлаш, бандликка кўмаклашиш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтирилиши кутилмоқда.

Давлат бюджетидан ажратилган мақсадли маблағлардан 75,0 млрд. сўмни республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит линияларини очишга ресурслар тақдим қилишга йўналтириш кўзда тутилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Жамоат ишлари жамғармаси**нинг 2020 йилги тушумлари **251,1 млрд. сўм**, шундан жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 250,0 млрд. сўм ажратилиши прогноз қилинмоқда.

Жамғарманинг келгуси йилга кутилаётган прогноз харажатлари тушган тушумлар доирасида амалга оширилиши кутилмоқда. Шундан жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақи тўловларига 220,0 млрд. сўм, жамоат ишларида, жумладан уларни ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилишга 24,0 млрд. сўм, жамоат ишларини бажариш учун хавфсизлик техникаси ва махсус кийим харид қилишга 4,0 млрд. сўм ҳамда жамғармани сақлаш харажатларига 1,6 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** этиб қайта ташкил қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги таркибига ўтказилди.

Жамғарманинг 2020 йилги даромадлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш мақсадида компенсациялар ва кафилликлар беришга Давлат бюджетидан ажратилиши кўзда тутилаётган 150,0 млрд. сўмни инобатга олган ҳолда **228,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарма харажатлари эса йил бошига қолдиқ маблағлар билан бирга **357,3 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни тўлашга 60 млрд. сўм, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун компенсациялар беришга 290,0 млрд. сўм ва жамғармани сақлаш харажатларига 7,3 млрд. сўм йўналтириш кутилмоқда.

5. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги **“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси**нинг 2020 йилги тушумлари **407,0 млрд. сўм**, шундан Давлат бюджетидан 200,0 млрд. сўм ажратилиши кутилмоқда.

Жамғарманинг келгуси йилга кутилаётган прогноз харажатлари жамғарма даромадлари доирасида амалга оширилиши белгиланиб, шундан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш учун тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим қилишга 350,0 млрд. сўм, тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни тўлашга 5,0 млрд. сўм, Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларида иштирок этиш учун 5,0 млрд. сўм ҳамда жамғарма ва унинг филиалларини сақлаш харажатларига 47,0 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

6. 2020 йилда **Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**нинг тушумлари **188,8 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси 120,0 млрд. сўм миқдоридаги Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобланади.

Жамғарманинг харажатлари эса тушум миқдорига мутаносиб равишда **188,8 млрд. сўм**ни ташкил этиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" марказининг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқувчи тадбирларга йўналтирилиши кутилмоқда. Жумладан:

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар бериш учун тижорат банкларига ресурслар тақдим қилишга 60,0 млрд. сўм;

уй-жойга муҳтож хотин-қизларни турар-жой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтарилмаслик шарти билан тўлаб беришга 20,0 млрд. сўм;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатишга 15,0 млрд. сўм.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси**нинг 2020 йилги тушумлари **136,2 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Жамғарманинг асосий тушум манбалари ТИФ ТН коди 07 ва 08 бўлган товар гуруҳлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишдан тушган божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) суммасидан 36,2 млрд. сўм миқдоридаги ажратмалар, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази" давлат унитар корхонасининг очиқ савдоларида сотилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосидан ошган сумманинг 50 фоизидан 20,0 млрд, сўм, шунингдек Давлат бюджетидан йўналтириладиган 80 млрд. сўм миқдоридаги мақсадли трансфертлар ҳисобланади.

Жамғарманинг харажатлари эса **136,2 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун субсидиялар беришга 130,5 млрд. сўм, жумладан томчилаб суғориш технологиясини жорий қилишга 85,0 млрд. сўм ва сув чиқариш учун бурғиланган қудуқларни, шунингдек дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув тортиш учун насос станцияларини қуришга 45,5 млрд. сўм йўналтириш кўзда тутилган.

Жамғарма томонидан субсидиялар томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш асосидаги сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилган янги ташкил этиладиган боғлар ва иссиқхона хўжаликларига бир гектар экин майдонига 6,0 млн. сўмдан ошмайдиган миқдорда ҳамда майдони 35 гектардан зиёд боғларда сув чиқариш учун бурғуланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар

ва бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш учун насос станциясини қуришга 120,0 млн. сўмдан ошмайдиган миқдорда ажратилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг **Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси**нинг келгуси йил учун тушумлари **175,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбалари алкоголли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумидан 125,0 млрд. сўм миқдоридаги ажратмалар ва 40,0 млдр. сўм миқдоридаги республика бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобланади.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошидаги қолдиқ маблағлар билан **180,5 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан 65,0 млрд. сўм узумчилик ва виночиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаоллигини қўллаб-қувватлашга кредит бериш учун тижорат банкларига ресурслар тақдим қилишга, 75,0 млрд. сўм янги узум плантацияларини яратиш учун субсидиялар беришга, 5,0 млрд. сўм узумчилик ва виночилик билан боғлиқ бўлган илмий лойиҳаларини молиялаштиришга грантлар беришга ва 20,0 млрд. сўм Агентлик ва унинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотларни сақлаш харажатларига йўналтириш кўзда тутилган.

Жамғарма томонидан субсидияларни ажратиш томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш, яратилаётган узум плантацияларида сув чиқариш учун насос станциялари ва сув чиқариш учун бурғулаш қудуқларини қуриш ҳолати бўйича амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Республика мақсадли китоб жамғармаси**нинг 2020 йилги тушумлари **248,3 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарма даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаси умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларидан тушадиган ижарага берилган дарсликлар бўйича ижара тўловларидан 156,7 млрд. сўм, кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни утилизация қилишдан тушган тушумлардан 14,7 млрд. сўм ва Давлат бюджетидан мақсадли ажратиладиган 66,2 млрд. сўм ва бошқа тушумлар ҳисобланади.

Жамғарманинг 2020 йилги кутилаётган харажатлари эса **230,7 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Шундан Давлат бюджетидан мақсадли ажратиладиган маблағлар доирасида ёки 66,2 млрд. сўм умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларига нашр ва қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш ва етказиб беришни молиялаштиришга йўналтириш белгиланган. Ушбу маблағлар доирасида қуйидаги харажатларни қоплаш кўзда тутилган:

- биринчи синф ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлаш;

- Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш;

- ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш;

- умумий ўрта таълим муассасаларини ижара тизимини дарсликлар билан бирламчи таъминлаш;

- ўқитувчилар учун дарсликлар, ўқув услубий қўлланмалар ва бадиий адабиётларни етказиб бериш харажатлари.

Шунингдек, жамғарма маблағлари ҳисобидан дарсликларни нашр этиш ва етказиб бериш харажатларига 151,5 млрд. сўм ва дирекцияни сақлаш харажатларига 6,4 млрд. сўм сарфлаш кутилмоқда.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаси**нинг 2020 йилги тушумлари ва харажатлари баланслашган ҳолда, яъни **215,8 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда.

Жамғарма даромадларини шакллантириш манбалари бўлиб Республика бюджетидан ажратилаётган 134,8 млрд. сўм, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан 65,0 млрд. сўм ва “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлардан 16,0 млрд. сўм ҳисобланади.

Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланиши кўзда тутилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашга 134,8 млрд. сўм;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташаббуси билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплашга 81,0 млрд.сўм.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича **“Эл-юрт умиди” жамғармаси**нинг 2020 йилги даромади Давлат бюджетидан ажратиладиган **57,1 млрд. сўм** миқдоридаги маблағ ҳисобланади.

Харажатлари эса жамғарма даромадларига мутаносиб равишда **57,1 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланиши кўзда тутилмоқда:

- хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш харажатларини молиялаштиришга 46,0 млрд. сўм;

- хорижий мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимиз билан

алоқалар ўрнатиш ва уларни республикамизда меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этишга 5,8 млрд. сўм;

- Жамғармани сақлаш харажатларига 5,3 млрд. сўм.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси**нинг келгуси йилга даромадлари ва харажатлари баланслашган ҳолда, яъни **150,0 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда.

Жамғарма даромадлари Давлат мулки ҳисобланган корхоналар, хўжалик юритувчи ташкилотлар устав жамғармасидаги акциялар, ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни сотиш, Жамғармага йўналтириладиган давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Жамғарма харажатлари эса давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига, Савдо-саноат палатасига тақсимланиши ҳамда Давлат активларини хусусийлаштиришдан олдин амалга ошириладиган тадбирларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ Жамғарма умумий маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган бир марталик тўловлар билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтирилиши кутилмоқда.

Давлат молия статистикасини юритишнинг халқаро стандартлари

Давлат молияси статистикаси маълумотлари тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси экспертлари билан биргаликда олиб борилаётган ишлар натижаси ўлароқ 2020 йил Давлат бюджети лойиҳаси ҳалқаро валюта жамғармасининг давлат молия статистикасини юритишнинг 2014 йилда ишлаб чиқилган тавсияларига асосан ишлаб чиқилди.

14-жадвал

Миллий бюджетни тақдим қилишда Халқаро валюта жамғармасининг 2014 йилда ишлаб чиқилган давлат молия статистикаси қўлланмаси стандартига ўтиш жадвали (млрд. сўм)

	Даромад	Харажат	Баланс
A. Консолидациялашган бюджет (миллий методология)	**158 960,1**	**162 385,0**	**-3 424,9**
B. ДМСҚ 2014 йил стандартига ўтиш методологияси (1 + 2)	**13 611,3**	**24 664,4**	**-11 053,1**
1. Молиявий операцияларни ҳисобга олмаган ҳолда:	**-4 268,3**	**-7 641,0**	**3 372,6**
Молиявий оперциялардан тушумлар	-4 268,3	0,0	-4 268,3
Кредитларни тўлашдан тушумлар	-4 268,3		-4 268,3
Молиявий операциялардан чиқимлар		-7 641,0	7 641,0
Банклар ва бошқа корпорацияларга кредитлар		-6 391,0	6 391,0
Банклар ва бошқа давлат корпорацияларини қайта молиялаштириш		-1 250,0	1 250,0
2. Бюджет билан қамраб олинмаган (ДМСҚ 2014 йил методологияси) даромад ва харажатларни ҳисобга олган ҳолда	**17 879,6**	**32 305,4**	**-14 425,8**
Бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлар/бюджет ташкилотларининг жамғармалари	20 292,1	20 323,8	-31,7
Ташқи қарзлар эвазига молиялаштириладиган харажатлар		14 394,1	-14 394,1
Консолидация	-2 412,5	-2 412,5	0,0
C. ДМСҚ 2014 йил стандартига мувофиқ жамланма бюджет (A+B)	**172 571,4**	**187 049,5**	**-14 478,0**
D. Кредит сиёсати	**4 268,3**	**7 641,0**	**-3 372,7**
шундан:			
Банклар ва бошқа корпорацияларга қарзлар (-) ва улар билан боғлиқ тўловлар (+)	4 268,3	6 391,0	-2 122,7
Қайта молиялаштириш, банклар ва бошқа давлат корпорациялари акцияларига таъсирлар		1 250,0	-1 250,0
E. Умумий бюджет баланси (C + D)	**176 839,8**	**194 690,5**	**-17 850,7**

15-жадвал

Халқаро валюта жамғармасининг 2014 йилда ишлаб чиқилган давлат молия статистикаси қўлланмаси стандартига мувофиқ Марказий ҳукумат операциялари (млрд. сўм)

	Республика бюджети	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари	Давлат мақсадли жамғармалари *	Консолидация	Марказий ҳукуматнинг бюджети
	a	b	c	d	a+b+c-d
1.Даромадлар	**105 771,7**	**13 412,1**	**35 994,1**	**11 630,0**	**143 547,9**
Солиқлар	100 892,2		1 590,1		102 482,3
Ижтимоий ажратмалар			22 706,0		22 706,0
Грантлар		2 162,5	9 467,5	11 630,0	0,0
Бошқа даромадлар	4 879,5	11 249,6	2 230,5		18 359,6
2.Харажатлар	**118 228,2**	**13 441,1**	**34 689,7**	**11 630,0**	**154 729,0**
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	41 765,0	6 602,7	222,8		48 590,5
Товар ва хизматлардан фойдаланиш	13 521,2	1 062,0	242,6		14 825,8
Фоизлар	1 878,1				1 878,1
Субсидиялар	2 966,6		605,5		3 572,1
Грантлар	20 243,0	1 912,0	219,4	11 630,0	10 744,4
Ижтимоий нафақалар	7 471,3	31,5	32 258,0		39 760,8
Бошқа жорий харажатлар	16 314,4	1 051,5	1 042,2		18 408,2
Номолиявий активларга инвестициялар	14 068,7	2 781,3	99,2		16 949,2
3. Соф кредитлар (+) / Соф мажбуриятлар (-) (1-2)	**-12 456,5**	**-29,0**	**1 304,4**	**0,0**	**-11 181,1**
4. Соф молиялаштириш (4.1-4.2=3)	**-12 456,5**	**-29,0**	**1 304,4**	**0,0**	**-11 181,1**
4.1 Молиявий активларнинг қиймати	**-3 852,7**	**-29,0**	**-880,4**	**0,0**	**-4 762,1**
Ички кредиторлар	-3 852,7	-29,0	-880,4		-4 762,1
Ташқи кредиторлар					0,0
4.2 Мажбуриятларнинг қиймати	**8 603,8**	**0,0**	**-2 184,8**	**0,0**	**6 419,0**
Ички дебиторлар	-850,0		-2 184,8		-3 034,8
Ташқи дебиторлар	9 453,8				9 453,8

* Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

Ушбу жадвалда марказий ҳукумат операцияларини Давлат молия статистикаси қўлланмаси талабларига мувофиқлигини кўришимиз мумкин.

Бу ерда ҳам даромад ва харажатлардан молиявий активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ харажатлар алоҳида кўрсатилган.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари

Бюджет ташкитларининг бюджетдан ташқари жамғармалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан бюджет ташкилоти тасарруфига келиб тушадиган маблағлардир.

32-расм

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг 2020 йил учун прогноз кўрсаткичлари



Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармалари ўртасидаги трансфертлар (ўзаро ўтказмалар) чиқариб ташланган ҳолда кўрсатилган.

16-жадвал

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатларининг йўналишлар (иқтисодий тасниф) бўйича 2020 йил прогнози

(млрд. сўм)

№	Иқтисодий тасниф бўйича харажатлар	2020 йил прогноз
	Жами харажатлар	**17 911,3**
	шундан:	
1	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	6 770,7
2	Иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов	1 352,7
3	Капитал қўйилмалар	1 919,4
4	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	3 326,9
	шундан:	
4.2	Коммунал тўловлар	306,0
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	807,3
4.4	Товар моддий захираларига харажатлар,	1 485,1
5	Асосий воситалар бўйича харажатлар	2 293,0
7	Бошқа харажатлар	2 136,7


2020-2022 йиллар учун консолидациялашган бюджетнинг умумий даромадлари ва харажатлари

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф қилинаётган чора-тадбирларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2020 йилги параметрлари ЯИМга нисбатан 0,5 фоиз тақчиллик билан ва 2022 йилга бориб 0,3 фоиз профицитга чиқиш прогноз қилинмоқда.

Умумий фискал баланс ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатларни инобатга олган ҳолда 2020 йилда 2,7 фоиз тақчиллик билан режалаштирилган бўлиб, 2022 йилга келиб фискал барқарорликни таъминлаш мақсадида фискал балансни 1,5 фоизга тушириш белгиланган.

33-расм

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2020-2022 йиллардаги параметрлари (млрд. сўм)



Консолидациялашган бюджет дефицити 3,4 трлн. сўм ҳамда Давлат қарзини қоплаш учун зарур бўлган 3,3 трлн. сўм, жами 6,7 трлн. сўм маблағ қуйидаги манбалардан қопланиши режалаштирилган:

0,8 трлн. сўм – Давлат мақсадли жамғармаларнинг йил бошидаги қолдиғи ҳисобидан;

1,4 трлн. сўм – Давлат ғазна облигацияларини чиқариш ҳисобига;

4,5 трлн. сўм – бюджетни қўллаб-қувватлаш учун четдан жалб қилинган имтиёзли кредитлар.